

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2005



Сирийлэгдүүлэх  
Сирийлэгдүүлэх

КАЛДИРГОЧЛАРГА БЕР  
АЙВОНЛАРИНГНИ



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2005

84(5У)6-5 Бэдний эзэбиёт-  
С-21 Шеэрлэр

10 31625  
391

### Сирожиддин Сайид

Калдирчочларга бер айвонларингни: Сайланма.— Т.: «Шарқ», 2005.— 208 б.


Шеърият, шоирликнинг йўли меҳнату заҳматларга тулиқ. Бу йўлдан қанчалар соҳибкаломлар, чинорлардек мухташам соҳибкаломлар ўттан. Шоирлик ноз-карашмани, идасни кўтартмайди, шоирлик — меҳнатdir, қисматdir, нон-туз ичган өлу юртинг, киндик қонинг томган тупроғинг шаънини юксалтироқ деганидир.

Сирожиддин САЙИД — шеъриятимизга ўз дарёлари, тогу даштларию ёмғирлари, қалдирчочларию шамоллари билан тошканиб кирган шоир. У Ватан ҳақида тўлиб-тошиб шеър айтади. Ва бу жўшқинлик сизни ҳам дарров забт этади.

«Калдирчочларга бер айвонларингни» — унинг салкам чорак асрлик ижодий йўлининг камтарона сархисоби, турли йилларда ёзилган шеър ва достонларидан, шунингдек янги шеърларидан тартиб берилган сайлланмаси. Мазкур назмий гулдаста шоирнинг кўнгигл тухфаси сифатида сизга манзур бўлади деган умиддамия.

ББК.84(5У)6

© «Шарқ» нашриёт-матбая акциядорлик компанияси  
Бош таддириги, 2005.



10

**М**ардлар

минган отларинг  
нұмардларга хор бүлмас



Мен, зер калса жолынан төрмөлдүр  
мөнбөт эт син. Негизгикоресин 273-н  
шакын шаломындары Күн. Шеджан  
Энэ атасы, сөзбөттө, көңүз болгончуктуу!  
Даатын сүйр, бакын, чечиң жокчулар  
Ишкүн мавжуда жумаладын менин үзүнчүн  
Ни жеңдең дөгли инсанлардан бары, яңы  
Күн сөздүүлүк. Чечт хөсүн, бакыч чечүүлүк  
Күн-Күн күнүнчүлүк арбакчылар сөзүн  
шонкуруу чекаларын бүр Менин мөнбөттөрүмдө,  
Энэ ана мүнделүү иштөөлөрүмдөн  
бара, шүрхең, Си жеңдүүн сапандар

Айылда Орточ

С. Арипов

2. априль, 2004

\* \* \*

Мен дунёга номимни  
Бунёд эттали келдим.  
Анвал ўзни йўқотиб,  
Сўнг ёд эттали келдим.  
Куйган сахро ҳам ўзим,  
Тошқин дарё ҳам ўзим,  
Ишқдин адо ҳам ўзим,  
Фарёд эттали келдим.

Саболар билан келдим,  
Садолар билан келдим.  
Бир жонимда минг битта  
Савдолар билан келдим.  
Катъий ниятлар билан,  
Даъволар билан келдим:  
Ҳар бир вайрона дилни  
Обод эттали келдим.

Бу соҳибжамолларни,  
Бўйнидаги холларни,  
Холларига термулиб  
Ўттан неча онларни,  
Мана бу осмонларни,  
Бу шомларни, тонгларни,  
Ошиқнинг дилидай соғ  
Покиза замонларни  
Баёт эттали келдим.

Ҳар неким хатолидир,  
Разиллиғ, расволидир,  
Ҳар неким ёмонлиғдир,  
Риёлиғ, ёлонлиғдир,  
Барбод эттали келдим.

Дунē ҳали шод бўлгай,  
Тушлари новвот бўлгай.  
Мен шеър айтсам, бу ҳаёт  
Яна шаън ҳаёт бўлгай.  
Шу ҳаётни абадий  
Ҳаёт эттали келдим.

1984

## ВАТАННИ АНГЛАШ

Шабнам-шабнам тонгларда  
жайронларга айланган,  
Онанг сувлар сепгандা  
райхонларга айланган,  
Бир кечада соғинчинг  
осмонларга айланган,  
Соғинчларингдай зангор  
осмонлари Ватандир.

Дерлар ҳусну малоҳат  
вафо қилмас, арир у.  
Сен ёр десанг, тушдаги  
Лайлоларга арэир у,  
Ҳарирдан ҳам ҳариру  
паридан ҳам парирў,  
Сойларга соя соглан  
мижгонлари Ватандир.

Бешикларда ўйнаган  
оппоқ-оппоқ кўлчалар,  
Кўзмунчоққа сўйлаган  
кўзмунчоқдай кўзчалар,  
Очилган гул-гунчалар,  
қанду асал кулчалар,  
Момоларинг тўй қилган  
айвонлари Ватандир.

Отанг солган уйлар бу —  
синчлари — бардошларга,  
Токлари ўхшаб кетар  
мўйсафид элдошларга,  
Томлар уэра чўзилиб  
кўклар, ой, куёшларга  
Узум узатиб турган  
нарвонлари Ватандир.

Бир йигитта оламда  
хам ёру хам ор керак,  
Номуси баланд зрга  
на сўз, на гуфтор керак,  
Фарзандлари улғайса  
шерюрак, арслонюрак,  
Эллинг ҳар они, давру  
давронлари Ватандир.

Оллоҳ ўзи бугдойинг —  
тилмоларга етқизгай,  
Каборингнинг остидан  
балоларни кеткизгай.  
Оқсанойу Кўксарой  
дунёларга етқизгай,  
Ор-номусдан яралган  
курронлари Ватандир.

2002

## НАВОЙНИ ЎҚИШ

Ҳар бир калла,  
Ҳар бир бош  
Жаҳолатдан қўрқиши керак.  
Ҳар бир бола,  
Ҳар бир ёш  
Навоийни ўқиши керак.

Ҳар бир ота,  
Ҳар бир мўйсафид  
Умр ҳикматларин кўрсатиб,  
Нафс арқонларин қирқиши керак,  
Фарзандлари, набирасига  
Навоийни ўқиши керак.

Бир болага — бутун мамлакат,  
Баъзан эса кирқ киши керак.  
Бешиклардан тушиб болалар  
Навоийни ўқиши керак.

Сиз дейсиз: Йўл топиши керак,  
Уй куриб, пул топиши керак,  
Йўқ-йўқ, у ор қилиши керак,  
Навоийни ўқиши керак!

Самарқанду Бухоро, Термиз  
Тўйларида барчамиз жаммиэ.  
Бизлар ахир кимлардан каммиэ?  
Элга олам олқиши керак,  
Оlamга тик бокиши керак,  
Навоийни ўқиши керак!

Берунийлар, ибн Синолар,  
Улурбеклар, Бобур Мирзолар  
Куриб кетмиш қандай бинолар!  
Еш кўнгиллар қалқиши керак,  
Навоийни ўқиши керак!

Ватан азал битта Ватандир.  
У биз учун сўлмас чамандир.  
Шул сабабдан бола чоғлардан,  
Майса чорлар, лола чорлардан  
Ўэни уриб, юлқиши керак,  
Навоийни ўқиши керак,  
Дилга недир юқиши керак!

2002

## БУ — СЕНИНГ УЙИНГДИР...

Баъзан боғларимни  
Чулғар ҳавотир,  
Баъзан Ер шаридан  
Оғирдир ўйим.  
Оlam — бир осмон,  
Бир обу ҳаводир,  
Бу — сенинг уйингдир,  
Бу — менинг уйим.

Бу дашту далалар,  
Боғлар ҳам мендан,  
Бу тупроқ — бүгдой бүй,  
Хандалақ бўйим.  
Сенинг кўксингдаги  
Доғлар ҳам мендан,  
Бу — сенинг уйингдир,  
Бу — менинг уйим.

Сен Ватан дейсану  
Порлар юзларинг,  
Менинг юртим ҳам ўз  
Рангу рўйимдир.  
Талпиниб келгувчи  
Урил-кизларинг —  
Бу — сенинг уйингдир,  
Бу — менинг уйим.

Сенинг осмонўпар  
Биноларингдан  
Силкинди менинг ҳам  
Чинордай бўйим.  
Дарз кетди менинг ҳам  
Минорларимга,  
Бу — сенинг уйингдир,  
Бу — менинг уйим.

Баъзан назар солсанг  
Үзга юртларга,  
Бағри түлиб ётар  
Олов, дудларга.  
Одамзот кетмоқда хор,  
Уюм-уюм,  
Бу — сенинг уйингдир,  
Бу — менинг уйим.

Менинг ука-синглим  
Сенга хам ука.  
Синглинг түй қылса гар —  
Менинг түйимдир.  
Замин — кон-кардошлар  
Ирилган ўлка,  
Бу — сенинг уйингдир,  
Бу — менинг уйим.

Менинг хам шаҳоимнинг  
Кўксида доғлар,  
Узмоқчи бўлдилар  
Бошлаган куйим.  
Денгизлар ортидан  
Боқдингми бир бор:  
Бу — сенинг уйингдир,  
Бу — менинг уйим?!

Дунё томи уэра  
Нурли халқалар,  
Тинчлик — эрмак эмас  
Ва ё бир ўйин.  
Айтсалар бирлашиб  
Давлатлар, халқлар:  
Бу — сенинг уйингдир,  
Бу — менинг уйим.

Мен йироқ кетсам гар,  
Ўртангай онам,  
Сенинг хам волиданг

Йиғлагай юм-юм.  
Оналар интизор турган  
Шу олам —  
Бу — сенинг үйингдир,  
Бу — менинг үйим.

2001  
11.9 — 4.10.

## ДЕҲКОН МАДХИЯСИ

Тун чоғида томингта  
Томчилаган ёмғирдир.  
Бир томчиси — севинч  
Бир томчиси — оғриқдир.  
Дастасига сизмайин  
Ерни кўмсар кетмонинг,  
Умринг — дашту далангнинг  
Мехнатлари оғирдир.

Чопонингда тупроғу  
Захматларнинг иси бор.  
Юзларингда — минг ташвиш,  
Кисматларнинг изи бор.  
Одам Атодин қолган  
Ҳикматларнинг изи бор,  
Бу ҳикматни билмаган —  
Ўз юртига саридир.

Ким ўйлади оламни,  
Сен ўйладинг далангни.  
Даланг бирлан ўтказдинг  
Ёмирир селу жалангни,  
Бозорларга кўз тикдинг  
Ўқитолмай болангни,  
Тақдир — гоҳ қўю қўзи,  
Гоҳ сут бермас тарғидир.

Пайкалмарга ўтидан  
Базм бергай қуёшинг.  
Бу бир қизғин базмким,  
Синалгайдир бардошинг.  
Кетмон — сенинг йўлдошинг,  
Еринг — сенинг дилдошинг,  
Терларинг шароб бўлгай,  
Қўқ чойларинг чоғирдир.

Тупроқ билан дардлашмоқ  
Бу — қадимий бурч, шараф.  
Сен-чун асли бу даврон,  
Сенга бўлсин бу шараф.  
Ким етишди, ким етди,  
Ким бўлмади мушарраф,  
Ўзбекистон, онажон,  
Мангу иссиқ бағирдир.

2002

## ВАТАН ДЕСАМ...

Бу диёрнинг айвонлари нурга талош,  
Бу диёрнинг кайвониси ою қуёш.  
Ватан десам кўзимда ёш, юзимда ёш,  
Кўзга суртай нонларини, нонларини.

Тирикликнинг заҳматлари, тақдирлари,  
Ҳаётининг бор ҳикмат ҳам тадбирлари,  
Эй, онамнинг тупроққина тандирлари,  
Иситтансиз жонларини, жонларини.

Ким Ватанини зар тўнига енг этмишdir,  
Ким бағрини осмонлардай кенг этмишdir.  
Яраттанинг ўзи бутун тенг этмишdir  
Асрларга онларини, онларини.

Бир суворий келмокдадир — Бобурми ё?  
Хиротми ё, Хинди斯顿ми ёки Күнё,  
Күриб келди, бундан сүнг ҳам күрсін дунё  
Султонлари, хонларини, хонларини.

Бу диёрнинг айвонлари нурга талош,  
Бу диёрнинг кайвониси ою күёш,  
Ватан десам күзимда ёш, юзимда ёш,  
Күзга суртай нонларини, нонларини.

Нечун үтмоқ ҳасад экиб умрларга,  
Дилни ўраб ғараз, риё — күмирларга?  
Ҳавас қилиб яшанг улур Темурларга,  
Эл билгайдир шонларини, шонларини.

2001

## УСТОДИ АВВАЛ

Болаликдан бир ғаройиб тахтда бўлдим,  
Ой, юлдузлар бирлан мудом аҳдда бўлдим.  
Сўмоклардан, оқ, заъфарон далалардан  
Мен заъфарон сўзлар териб катта бўлдим.

Сабоқ олдим янчилмаган сомонлардан,  
Умр иси келиб турган чопонлардан.  
Ғариб пахса деворлардан олдим савод,  
Билдим надир надомату надир савоб.

Қирларимдан, зирқиратиб бағирларим,  
Пара-пара юзиб кетди сигирларим.  
Не ҳикматни ҳам қарезу ҳам фарз бердилар,  
Менга ул кун хору хаслар дарс бердилар.

Ҳатим чиқди онам кафтин ҳатларидан,  
Камол топдим кафтларининг тафтларидан.  
Мехолари күнглимга кўзлар бўлдилар,  
Ватан янглиғ улуғвор сўзлар бўлдилар.

Таълим олдим бошоқлардан, донлардан ҳам,  
Кулча юзлар ҳамда кулча, нонлардан ҳам.  
Мен Ватанни ўргандим ҳар гиёхидан,  
Шомларию раҳонларин сиёхидан.

Қадирғочлар тўйларимда хизмат қилди,  
Камбағални сүйдим, бойлар иззат қилди.  
Дилга кўчди умрий ранжу азиятлар,  
Ўйчан, кекса токлар қилган насиҳатлар.

Мен шундайин сўзга тўлдим ичларимдан,  
Ҳарф ўргандим уйларинг ҳам синчларингдан,  
Ҳар қаричи, ҳар губори имло, юртим,  
Ҳар бир тоши, ҳар чинори мулло, юртим.

1994

## ОНАМНИНГ КАЛИШЛАРИ

Бунча ҳам каттиқ экан  
Қисматнинг болишлари.  
Кўз олдимдан кетмас ҳеч  
Онамнинг калишлари.

Улар остонасида  
Тураг бир жуфт абгордай.  
Кўзимга бутун дунё  
Кўринади айбордай.

Яшайдирман гарчи кўл,  
Юзларини сориниб.  
Калишлари даҳлиэда  
Тураверар оғриниб.

Дардимни яширгайман  
Онам ҳолим сўрганда.  
Калишлари валекин  
Барин билиб тургандай.

Гарчи тилсиэ, забонсиз,  
Хомуш, беозордайлар.  
Бор дарду хижронимдан  
Улар хабардордайлар.

Онамнинг кўзёшидан  
Бўлса болишлари нам.  
Назаримда кечалар  
Йиғлар калишлари ҳам.

Улар ҳам гўё мени  
Ўртаниб ўйлагайлар.  
Бахту бактсизлигимдан  
Киссалар сўйлагайлар.


Соғинчнинг деворлари  
Ёмирларда емрилган.  
Улар ҳам онам каби  
Иўлларимга термулган.

Мол йиғмадим мен, аммо  
Сув сўрганга сой бердим.  
Бир кўнглим бор эди, лек  
Мен уни ҳам бой бердим.

Бу дунёда нихоят  
Бир ҳикматни илгадим.  
Калишларни юзимга  
Босиб, келар йиғлагим.

Онамнинг калишлари...  
Бир умрлик қарэимдай.  
Патакларин кўзимга  
Суртиб ўлсам арзигтай.

1999



Allisher Navciy  
nomidagi  
O'zbekiston Muz.

## ЁМГИРЛАР ВА КҮЗЁШЛАР

Йилларга ҳам ёмғир ёғар,  
Умримизга ўхшар боғлар.  
Ҳижрон бўлиб қолар тоғлар,  
Дилларга ҳам ёмғир ёғар.

Баҳорийми, куэгимиэми —  
Биз излаймиз севгимиэни.  
Бу ёмғирлар раҳм қилмай  
Ювиб кетар изимиэни.

Ойларимиз сўлғин-сўлғин  
Сингилларга айландилар.  
Юзимиздан оқсан селлар  
Кўнгилларга айландилар.

Соринч қоплар хонамиэни,  
Ўйлаб ёлғиз жонимизни,  
Биз қолдириб кеттайдирмиз  
Ёмғирларга онамиэни.

Оқ бўйинли танноз дунё,  
Ўйнар тилло занжирлари.  
Кимни кутар ёмғирларда  
Она уйнинг тандирлари?

Биз орэу ҳам армонларнинг  
Еқаларин кўтаргаймиз.  
Толе бир кун ёр бўлса гар  
Ёмғирларда кўкаргаймиз.

2002

## БАХОР КЕЛМИШ

Томингизда шивир-шивир, шитир-шитир,  
Бу — баҳорнинг қадмларин товушидир.  
Сўридаги пуч ёнроқнинг пўчоқлари  
Кай қарғанинг қолиб кетган ковушидир.  
Ранглар кирап энди ғамгин ўйингизга,  
Томингиздан баҳор келмиш уйингизга.

Ёмғир ювган юлдузлар ҳам қандоқ гўзал,  
Ёрингизнинг кўзлари ҳам андоқ гўзал,  
Қадрин билинг бу дамларнинг, қайтиб яна  
Бундоқ фасл тополмайсиз, бундоқ гўзал.  
Қаранг, баҳор келмиш ошиқ кўнглингизга,  
Гул ўлчайди караб қадду бўйингизга.

Эй, сен менинг шахарлик оқ турнагинам,  
Ярим кун ҳам сен ёнимда турмадинг ҳам.  
Киш ўртаси ногоҳ баҳор келди десам,  
Зулфларингнинг атри экан кейин билсан.  
Мен жон берай исларингиз, бўйингизга,  
Баҳор билан сенинг ифор тўйингизга.

Хижронларга тўлиқ шеърий дафтаримни  
Сен вараклаб, шамол, мени ахтардингми?  
Бир бойчечак, бир қаламқош қалдирғоча  
Алмашдим мен бор алам, бор дардларимни.  
Шеърларим-ай, армонларим ўзингизга,  
Баҳор келмиш бутун кўча-кўйингизга.

Қандай ўғил бўлдим сизга, қандай жигар,  
Мендан аввал баҳор сиздан олмиш хабар.  
Майса бўлиб кўкариб ҳам, ота, яна  
Менга таскин бермоқдасиз бу тонг сахар.  
Баҳор келмиш мангу сукут кўйингизга,  
Ҳар бир майса ўҳшар сўзу ўйингизга.

Баҳор келмиш, кутлуг бўлсин ҳаммангизга!  
Умр берсин бобонгиз ҳам момонгизга.

Баҳор ахир қанча шодлик, шукроналил  
Келтиргуси холангиз ҳам аммангиэга.  
Қанча севинч гулдай қизу ўғлингиэга,  
Қанча күзи олиб келар қўйингизга.

Кўклардаги тўлин-тўлин ойдай Ватан,  
Осмон десам, тошқин-тошқин сойдай Ватан.  
Ватан десам, кўз олдимга онам келган,  
Онам десам, нигоҳимда пайдо Ватан,  
Баҳор келмиш яна ризқу рўзингизга,  
Дор тушмасин ҳаргиз рангу рўйингизга.

1999

\* \* \*

Кирлардан бир яшил тўпламлар ичдим,  
Салсабил сойлардан кўкламлар ичдим.  
Бу ёруғ дунёни ҳўпламлаб ичдим,  
Ярми тўлқин, ярми сўлғин япрогим,  
Хазонга қоришган баҳоринг менман.

Кўнгил мулкининг ҳам зулматлари бор,  
Эй ой, қароликнинг тухматлари бор,  
Ишқнинг ҳам бир ажиб узлатлари бор.  
Ярми учқин, ярми ёрқин чирогим,  
Зулмат жаҳонида шароринг менман.

Эгнини эпкинлар чок эттан, эй гул,  
Кўксини шабнамлар пок эттан, эй гул,  
Сахро юрагимни бор эттан, эй гул,  
Ярми ел, ярми сел саргашта борим.  
Сенинг қаноату қароринг менман.

Эй дунё, жонимни қовурган дунё,  
Боримни елларга совурган дунё,  
Менинг инграётган қовурғам дунё,  
Ярми сас, ярми хас бўлгай тупрогим,  
Кипригинита қўнган ғуборинг менман.

1990

## БАХОР

Илдиэларда шивирлаган сен әдинг,  
Тупроқ күтчиб, гимирилаган сен әдинг.  
Бир кечада ўэгарди рух ангори,  
Дардим яшил, ҳасратларим зангори.

Ҳаётимдан ечдинг ғам печагин сан,  
Адашгайдир ким айтур кечагимсан.  
Бахор, харсангтош остидан, уни суриб  
Озодликка чиқиб олган чечагимсан.

Тўрт ой мендан қаролик устун бўлди,  
Мен тўкилдим, дафтарларим тун бўлди.  
На хушдирики, қайтадан насибимсан,  
Равоч ҳидин келтирган насимимсан.

Барг ёзмоқчи бўлган янглия томирлар  
Жимирилар, тан оғочида жимирилар.  
Сен гулборим, гулнорим, гуландомим,  
Кечалари шитирлар қаламдоним.

Яшил ҳовуч бўлиб чиқди исмалоқ,  
Қалдироҷ ҳам келди сал-пал әзмароқ.  
Ҳар бир кўлка яқин қири этакда  
Қўзичоққа айланади зартага.

Сен тоғларим қайраган чақинимсан,  
Дўмбираси гулдурак оқинимсан.  
Айтишларинг бу оламга ёқади,  
Еру осмон сел бўлади, оқади.

Куйга тўлиб кетди тошу деворлар,  
Сўлғин-сўлрин соғаяди беморлар.  
Фақат бир барг, чириган бир барг фақат  
Айлар менга мунглугнина насиҳат.

1991

## НАВРҮЗ ҚҰШИГИ

Фалак бизни балолардан асрадими?  
Юлдузлардан бойчечаклар сачрадими?  
Бир куртакка алмашдим бор ҳасратимни,  
Оlam эски, лекин үнту сүлім янги.

Осмон бўлди бир кечада ҳорғин бағрим,  
Тўй бошлади чақинларим, ёмғирларим,  
Гўё ҳозир япроқ ёзар томирларим,  
Гўё эски қалам туттан қўлім янги.

Ойларга ҳам алишмасман юзларини,  
Қаранг Кўқон, қаранг Сурхон қизларини.  
Зулфарию раҳонларнинг исларини  
Олиб келган эпкинларим, елим янги.

Эй кўхна бор, кўпдир чеккан азиятинг,  
Куриган шоҳ, дилда сенинг васиятинг,  
Эй сариқ барг, қулогимда насиҳатинг,  
Бу йил энди менинг гулзор, гулім янги.

Ҳар кўнгилга бир янги куй, қўшиқ берсин,  
Имон, инсоф, диёнатни қўшиб берсин.  
Ҳар бир уйга энг аввал бир бешик берсин,  
Ҳеч бир уйга кўрсатмасин ўлім янги.

Бормоқдасиз гарчи Ҳиндуда Хитойларга,  
Умид айланг ўз ерингиз, Ҳудойларга,  
Үйларингиз тўлсин бу йил буғдойларга,  
Ғимиранлаган элим, дашту чўлім янги.

Лолалардан гар айтмадим, кир айтади,  
Қолғанларин само айтар, ер айтади.  
Кўнглим очсан, ҳар гиёҳ бир шеър айтади,  
Ростин айтсан, кўксимдаги дилим янги.

1995

## **ҚАДРДОНЛАР**

Қадрдонлар, әлга биз бир  
супурғи ҳам бўлолмадик,  
Киприклари сафида бир  
киприги ҳам бўлолмадик.  
Ўт бўлмадик ўтинига,  
кўқ бўлмадик тутунига,  
Мехру шафқат сойининг бир  
кўпраги ҳам бўлолмадик.

Хизердайин биз учун у  
хар нарсага ҳозир эди,  
Даласида бир кўриниб  
кетган булут Хизер эди.  
Аслидаку ковушига  
патак бўлсан арзир эди,  
Кир ювганда совунининг  
кўпиги ҳам бўлолмадик.

Ўзимиз ҳам ҳайрондирмиз  
рўй берган бу синоатдан,  
Кетмонларин товушлари  
келаётир қиёматдан.  
Уйлар курдик хиёнатдан,  
лофлар урдик диёнатдан,  
Асли Машраб бобонинг бир  
тупугти ҳам бўлолмадик.

1994

## КЕТМОНЧИ ҚИЭЛАРГА

Үйласам ўйларим кўксимда куйган,  
Сўйласам сўзларим бўғзимда куйган.  
Барглардай сўлғину шамлардай озгин,  
Ковжираб далаю туэзимда куйган.  
Ойлар гулборидан тушган япроқлар,  
Юлдузлар бағридан кўчган япроқлар,  
Нурсиз пайкалларда шуъла ёзмайин,  
Тупроқка коришиб ўчган япроқлар.  
Хуснин чечакларин чаноқлар юлган,  
Сочларин гардида насимлар ўлган,  
Сизнинг таровату гул юзингизни  
Қуёшлар тушликка тановул қилган.  
Үйласам ўйларим кўксимда куйган,  
Сўйласам сўзларим бўғзимда куйган,  
Барглардай сўлғину шамлардай озгин,  
Ковжираб далаю туэзимда куйган.

Балорат чорида балорат кўрмай,  
Ўи бешдан ўёри ҳаловат кўрмай,  
Заъфарон раёндайдай забун ўтдингиз,  
Давру давронлардан садоқат кўрмай.  
Сабоҳдан саҳроға айланганларим,  
Саргайган сарвларим, гул, савсанларим,  
Серташвиш турмушнинг кучоқларидан  
Далалар қўйнига тайланганларим.  
Үйласам ўйларим кўксимда куйган,  
Сўйласам сўзларим бўғзимда куйган.  
Барглардай сўлрину шамлардай озгин,  
Ковжираб далаю туэзимда куйган.

Тун-кун кўксим ичра ёнгину ёнгин,  
Ииллардан сўрайдир йиллар сўргорин.  
Шомларга шимишган тупроқ йўллардан  
Толларим келгайлар толғин ва толрин.  
Дийдам дийдираттан дийдорларингиз.  
Сўнди малоҳату дилдорлигингиз.

Тунлар пайкалларда хоргин юзган ой  
Сизнинг зору маҳзун ёдгорлигингиз.  
Үйласам үйларим кўксимда куйган,  
Сўйласам сўзларим бўғзимда куйган.  
Барглардай сўлрину шамлардай озгин,  
Ковжираб далаю тузимда куйган,  
Сонсиз эгатларга тизилганларим,  
Кисмати кетмон-ла ёзилганларим.

1990

## ҲАМДАРДЛИК

Бу сафар мен сўз айтмайин баҳтингдан,  
Ўзингники бўлган тоҷу таҳтингдан,  
Жиндаккина баён айлай дардингдан,  
Кеч кузларда эирқираган белим-ай,  
Белин ушлаб әлим деган әлим-ай!

Ўтди не-не доҳийлару ҳайкаллар,  
Юртда қанча ороишиш сайдаллар,  
Сенга илҳақ ҳамон ўша пайкаллар,  
Ғўзаларда дийдираган қўлим-ай,  
Далални иллтан ай, әлим-ай!

Китобини үйлаб ўрил-қизингни  
Бозорларга тикдинг хоргин кўзингни,  
Нима қилдинг шунча қўю кўзингни?  
Фарзандига бераман деб билим-ай,  
Молин соттан, жонин соттан әлим-ай!

Пахта териб ёки бутдой ўрганда,  
Ўз ҳақингни сўрашни ҳам ўрган-да.  
Пўрим кийган тўраларни кўрганда  
Калимага келмаган ай, тилим-ай,  
Ҳам ишлаб, ҳам мулзам бўлган әлим-ай!

Сенга доим йўлдош ээгу, ҳур ният,  
Каззобларинг қаср курди пурнеъмат,

Шулар учун бўлганмиди **Хуррият?**  
Ўчоқларда совуб қолган кулим-ай,  
Кулбалари мунғайган ай, элим-ай!

Уздан чиққан балоларми ё кимлар  
Сенинг ризқу насибангни қийқимлар?  
Етимнинг ҳам ҳақин юлиб, таксимлаб.  
Чиркираган танга-тилло, пулим-ай,  
Вой элим-ай,вой элим-ай, элим-ай!

Кишин ёзин тинмай меҳнат айлаган,  
Меҳнатини на бир миннат айлаган,  
Шул Ватани шаъну шавкат айлаган,  
Обод бўлгил қуримай ҳам сўлимай,  
Ошу нони доим ҳалол элим-ай!

Оллоҳ берсин сўнмас баҳт, иқболингни,  
Үйлар қилгил эккан терак, толингни.  
Оғриганди белим кўриб ҳолингни,  
Энди эса зирқиради дилим-ай,  
Тупроқдан ҳам хоксорроқ ай, элим-ай!

1998

## АҲМАД ФЕРМЕР

Аҳмад фермер деганлари Деновдадир,  
Ҳар бир куни меҳнат билан синовдадир,  
— Бойлик нима? — дейди фермер. — Кўлнинг кири,  
Бутун сенда, эрта эса бирордадир.  
Жийрон отдай учқур умр ўтаверар,  
Яхшилик қил, токи қўлинг жиловдадир.

Сахар туриб даласида ўйлар сурар,  
Ҳар гўзанинг ниҳолида бўйлар кўрар,  
Куй-қўшиғи унинг — тарғил, говмишлари,  
Қўйларининг кўзида ҳам тўйлар кўрар.

Узи учун кошоналар солмади у,  
Курса фақат болаларга уйлар қуарар.

Тошканда ҳам ном қозонган пишлөклари,  
Яшиаб борар униб-ўсган қишлоқлари.  
Болакайлар, қўэиларга тўлсин дейди,  
Она юртнинг қирларию қирғоқлари.  
Аҳмад фермер бу дунёда кам ухлайди,  
Зар бўлгайдир шунинг учун тупроқлари.

Тойчоқ бўлиб кезиб юрган чорим Ватан,  
Йироқ тушсам — соринчим, титробим, Ватан.  
Боболарим сингтиб кеттан мұқаддас ер,  
Осмон десам, кўксимдаги торим, Ватан.  
Токи шундай фарзандларинг заҳмат чеккай,  
Завол билмас, мангу сўлмас борим, Ватан.

Аҳмад фермер деганлари Деновдадир,  
Ҳар бир куни меҳнат билан синовдадир,  
— Бойлик нима? — дейди фермер.— Қўлнинг кири,  
Бугун сенда, эрта эса бирордадир.  
Жийрон отдай учкур умр ўтаверар,  
Яхшилик қил, токи қўлинг жиловдадир.

2004

## ФАРЗАНД

Фарзанд учун лаҳзалари йил бўлган,  
Тирноқлари, бармоқлари дил бўлган.  
Кўкрагида юраклари сел бўлган,  
Кўпайлашиб тилаклари әл бўлган.  
Тирикликнинг номи асли Мұҳаббат,  
Мұҳаббатнинг меваси Шоҳмуҳаммад.

Ота-она бу дунёда қўрғондир,  
Бу қўрғонлар фарзанд бирла омондир.  
Бағрим менинг қўшиқ бирлан осмондир,

Меҳринг берсанг уй-жойинг ҳам бўстондир,  
Тирикликнинг номи асли Муҳаббат,  
Муҳаббатнинг меваси Шоҳмуҳаммад.

Муҳаббатсиэ кўқда ой ҳам оҳ бўлгай,  
Ёмонларнинг босган изи чоҳ бўлгай.  
Яхшиларнинг фарзандлари бор бўлгай,  
Бешиклардан тушиб султон, шоҳ бўлгай,  
Тирикликнинг номи асли Муҳаббат,  
Муҳаббатнинг меваси Шоҳмуҳаммад.

2004.7.04

## ЭЛЛИКҚАЛЪА ТАШБЕҲЛАРИ

*Неъматулла оғага*

Азиэ бўлди бу тупроқ ҳам —  
дилимдан сахфалар кўмдим,  
Сахифа сингари сахросида ҳам  
қалъалар кўрдим.

Куюк хатлар каби мозийси  
узра қарғалар кўрдим,  
Ҳазин бир лоласи маъвосида ҳам  
қалъалар кўрдим.

Ҳилолидан фалак дарвозасида  
халқалар кўрдим,  
Унинг Ерга яқин Зухросида ҳам  
қалъалар кўрдим.

Тилимга Ақчакўлнинг мавжларидан  
лаҳжалар сўрдим,  
Сополининг синиқ имлосида ҳам  
қалъалар кўрдим.

Кўзим юмдим, азим дарё аро  
Вақт сингари чўмдим,  
Бугун ҳам Эртанинг маъносида ҳам  
қалъалар кўрдим.

Куёшли қалъалардай қалбларин  
кошида ўй сурдим,  
Азиз инсонларин сиймосида ҳам  
қалъалар кўрдим.

2003

## БУ ДУНЁДА

Завол нима билмайди,  
Куюн, селлар юлмайди.  
Эгаси бор бодомлар  
Бу дунёда сўлмайди.

Гоҳ кора, гоҳ оқ инсон,  
Эзгулик қил, оҳ, инсон!  
Риёси бор рақамлар  
Бу дунёда унмайди.

Имконинг осмон қадар,  
Имондан бергил хабар.  
Сафоси бор қаламлар  
Бу дунёда синмайди.

Ўқинмагил, бўз бола,  
Ўзга хаёл туз, бола.  
Вафоси бор санамлар  
Бу дунёда бўлмайди.

Ҳар на бўлсанг бор бўлгин,  
Тутал номус, ор бўлгин.  
Зиёси бор қадамлар  
Бу дунёда сўнмайди.

Дилда кўпдир фирғинг,  
Ёниқ қолар чироғинг:  
«Фарзанди бор одамлар  
Бу дунёда ўлмайди»<sup>1</sup>.

1994

\* \* \*

### **Хуршид Давронга**

Гул билан гул ўртасида сехо — лабхандлар керак,  
Дил билан дил ўртасида меҳопайвандлар керак.

Бузмагай оламни, обод айлагай дил тошқини,  
Дил билан дил ўртасида, айтмагил, бандлар керак.

Дил билан гул қони ҳамрангдир, vale ишқ йўлида  
Дил қони бирлан битилган онту савгандлар керак.

Кўрди ҳар турлук шиорларни бу юрт пештоқлари,  
Энди унга Мир Алишердин битик, бандлар керак.

Турли пешволарни бошдин бирма-бир ўткарди эл,  
Элга ҳар хил оталармас, энди фарзандлар керак.

Фаҳро учун момиқ эмас, ҳар бир кўнгилнинг қонида  
Дил била эл қонидин бўлган Самарқандлар керак.

1989

### **ҲАЙИТ ФАЗАЛИ**

Ҳаётни Сен ҳаёт эттан  
умидларда муборак эт,  
Ўғил-қиз, оналар ҳам  
мўйсафидларда муборак эт.  
Сано эт тилларини ҳам  
Саловат эт, Таборак эт,

<sup>1</sup> Каждор баҳши айттаи.

Азиу авлиё азмин  
муридларда муборак эт.  
Мунаввар эт Жалолиддин  
жалоли-ла кўнгилларни,  
Фаридиддин каби фазли  
фаридларда муборак эт.  
Дуолар айлагай бир эл,  
дую толе калитидир,  
Бу эл мушкулларин шундай  
калитларда муборак эт.  
Саодатлик бу кунларда  
сабоҳатлик, саодатлик  
Сатрларни Сирожиддин  
Саййиндларда муборак эт.  
Синовлар, ранжу заҳматлар  
аро берган шу умрингни  
Илохи, барчамизга ийд —  
хайитларда муборак эт.

1999

## ЗАМОННИНГ ЭГАСИ

*Замондан койинманглар, зеро  
замоннинг эгаси Оллоҳдир.*

Ҳадис

Оллоҳ сизга берган ой ва йил учун  
Арзир ҳар лаҳзанинг нақши бўлсангиэ.  
Азалдан ёмонга ёмондир замон,  
Замон яхши зрур — яхши бўлсангиэ.  
Ҳар кимга дилдаги нияти йўлдош,  
Эзгу мақсадлари бир умр ёрди.  
Замондан ҳеч қачон койинмангиэким,  
Замоннинг эгаси Парвардигордир.

## КИЧИКЛАР ВА КАТТАЛАР

*Кичикларимизга раҳм-шафқат қылмаган ва  
катталарнинг шарафинни билмаган кишилар  
биздан эмасдир.*

Хадис

Ота-онадандир асли тарбия,  
Садоқат бир ўғил-қиздан эмасдир.  
Лекин кичикларга шафқат қылмаган  
Кимсалар, билингким, биздан эмасдир.  
Билингким, норасо фарзандидир, улким  
Элнинг улуғларин дилдан севмасдир.  
Яъни, катталарнинг шарафин билмай,  
Изват қылмаганлар биздан эмасдир.

2001

## ИЛИНЖ

Юртим, менга зар керакмас зарларингдан,  
Киприкларим ўпсалар бас гардларингдан.  
Мен бир насим бўлиб келдим, мен бир насим,  
Айтиб ўтсам дейман кўхна дардларингдан.

Алмашдилар сени ному рутбаларга,  
Мунглур бўлиб қолдинг ботиб шубҳаларга.  
Ҳилолларинг қайтар яна қуббаларга,  
Мозийларга сўйлаб-сўйлаб зорларингдан.

Менга қадим минорлардан бир сас етар,  
Шул сас менинг кўнглим охир серфайза этар.  
Менга дунё керак эрмас, бир хас етар  
Яссавийлар ёттан азиҳ ерларингдан.

Оқсанойга қай кунки юз бургандим мен,  
Сўнмас шону шавкатинг деб тургандим мен.  
Шеър айтишини сал-палгина ўргандим мен  
Чинорларда йиғлаб ёттан баргларингдан.

Бу дунёда кўнтилларга чироқ ёксам,  
Мозорларинг сукутидан сабоқ олсам,  
Тиниккина булоқ бўлиб оқиб қолсам  
Оллоёрлар назар қилган жарларингдан.

1991

## КЕЛИБ КЕТМОҚ

Сахар туриб оламга боқ:  
жилғалари равондир,  
Чараклаган төрлар боши  
шомга бориб тумондир.  
Тойчоқларинг қаёндиру  
кулунларинг қаёндири?  
Күрганларинг ўзингники,  
күрмаганинг гумондир.

Инсон бўлиб бу дунёning  
бозорини кўрдингми?  
Зарлари ҳам зорларию  
озорини кўрдингми?  
Сахар туриб ўз отангнинг  
мозорига бордингми?  
Борганларинг ўзингники,  
бормаганинг гумондир.

Келиб кетмоқ ўйин эрмас,  
саёҳат ё эиёрат,  
Умр йўли заҳматлару  
межнатлардан иборат.  
Кўнгилларга курдингми бир  
кўприкми ё иморат?  
Курганларинг ўзингники,  
күрмаганинг гумондир.

Атрофингта қараб боргил,  
англааб боргил йўлингни,  
Кўз бўлсанг гар, қароғ деб бил  
она Юртинг, элингни.  
Бергил унга эътиқодинг,  
мехронинг, жону дилингни,  
Берганларинг ўзингники,  
бормаганинг гумондир.

2000

## **ХАЁТ ҚҮШИГИ**

Кимлар алвон кийдилар,  
Кимлар армон кийдилар.  
Кимда бору кимлар зор,  
Буни **хаёт** дейдилар.

Кимлар гул деб сүйдилар,  
Кимлар тушга йүйдилар.  
Оку қора ранглари,  
Буни **хаёт** дейдилар.

Кимлар ёнмай куйдилар,  
Кимлар қонмай түйдилар.  
Ким бемору ким безор,  
Буни **хаёт** дейдилар.

Гулларини жийдалар  
Күзёшингтә чайдилар.  
Бунча азиэ ислари,  
Буни **хаёт** дейдилар.

Канду новвот дейдилар,  
Лек ичларин ейдилар,  
Күролмайнин ким-кимни,  
Буни **хаёт** дейдилар.

Яна эсиб келдилар  
Шамолларинг — дайдилар.  
Кимлар бору кимлар йўқ,  
Буни **хаёт** дейдилар.

Бўлса ҳамки бедиллар,  
Баланд яшант, эй диллар.  
Канотлари қайрилмас,  
Буни **хаёт** дейдилар.

2001

## ШАРАФ ДОСТОНИ

*Ватан ўғлонлари хотирасыга*

Жилгалар жилдираб сойга келгайлар,  
Кошлар камол топиб ёйга келгайлар.  
Бир аччик аламлар ўйга келгайлар:  
Жангларда ўлган ул ўғлонлар гүё  
Хозир қаторлашиб тўйга келгайлар.

Умр таронасин тузиб туэмайин,  
Иигитлик онида қувнаб кезмайин,  
Тириклик боғидан бир гул уэмайин,  
Гулдайин муаттар кеттан ўғлонлар  
Боқарлар биэлардан кўнгил уэмайин.

Боқарлар Самарқанд минорларидан,  
Урганчу Хеванинг деворларидан,  
Кўз уэмай Дашибод анорларидан,  
Боқарлар Сурхоннинг самоларию  
Тошкент, Фарғонанинг чинорларидан.

Оламнинг талошу урҳоси надир?  
Фалакнинг гулдурос гурроси надир?  
Бир йигит ўлса гар, дунёси надир?  
Олис осмонларда уйғоқ руҳингиз,  
Уларнинг Сурайё, Зухроси надир?

Сизга буюрмади уйлар, айвонлар,  
Сизга тож керакмас, сиз — кемтиқ ноңлар,  
Абдулло, Исмоил, Жума полвонлар,  
Мўлтираб бокарсиз шабнамлар бўлиб,  
Эсиз, шабнамларга айланган жонлар.

Эслан шамол балки сўзларингиздир,  
Отган тонг эҳтимол юзларингиздир.  
Япроқлар излаган изларингиздир,  
Тоғу тошлардаги гирён булоқлар  
Сизнинг зор, нигорон қўзларингиздир.

Ҳаргиз тўхтамагай ҳаёт карвони,  
Унда номингизнинг ёду армони.

Сизга авлодларнинг шараф достони,  
Хурмат эҳтироми Сизгадир юртнинг,  
Сизга бу Ватаннинг шавкату шони.

1999

## ЭГАСИ БОР ЮРТ

Очсанг давронларнинг китобларини  
Канча карвонларнинг эртаги бордир.  
Тингла доноларнинг хитобларини:  
Эгаси бор юртнинг — эртаси бордир.

Дунёнинг манзилу маконларида  
Бир рӯзғор бут бўлса, тўрттаси хордир.  
Бокқил ўз юртингнинг кўрғонларига:  
Эгаси бор юртнинг — эртаси бордир.

Бунда ой, қўёшдан чехоалар олган  
Ўғил ҳам қизэларнинг вркаси бордир.  
Ҳар айтган сўзидан Ватан туғилган,  
Эгаси бор юртнинг — эртаси бордир.

Милёнлаб ўзбекнинг умидлари жам  
Милён бу овозлар — номус ҳам ордир.  
Чопдим шеърларимни қўлтиқлаб мен ҳам:  
Эгаси бор юртнинг — эртаси бордир.

Қалдириҷочларга бер айвонларингни,  
Кушнинг ҳам бек билан бекаси бордир.  
Сингилжон, экавер районларингни,  
Эгаси бор юртнинг — эртаси бордир.

Умр гоҳи ширин, гоҳи талҳ бўлгай,  
Улуғ ниятларга Оллоҳ ҳам ёрдир:  
Эгаси бор юртнинг эли ҳалқ бўлгай,  
Эгаси бор юртнинг — эртаси бордир.

2000

## ВАТАН АБАДИЙ

Баҳрайн сувларига чайдим юзимни,  
Насимлар эсдилар илиқ, арабий.  
Бир осмон түлдириб келди кўксимни,  
Ватан қолар экан, Ватан абадий.

Не зотлар ўтдилар Ватандин айро,  
Севинчи савдою соғинчи сахро.  
Кўксимни тўлдириб келди бир дарё,  
Ватан қолар экан, Ватан абадий.

Бобо қирлардаги бир хас ё тикан,  
Шу ҳам кимларгадир зўр армон экан.  
Кўп экан зар топиб, зор бўлиб юрган,  
Ватан қолар экан, Ватан абадий.

Ким ахир бу даҳри дундан утмагай?  
Ким ахир бир куни асо тутмагай?  
Тандан жон кетар, лек Ватан кетмагай,  
Ватан қолар экан, Ватан абадий.

Ҳар тепа, ҳар дўнглик турбат эмасдир,  
Ҳар қандай айрилик турбат эмасдир.  
Юртдан кетган ҳар зот Фурқат эмасдир,  
Ватан қолар экан, Ватан абадий.

Олмон тупроғида бир немис аёл,  
Кўзда ёш, ўзбекча айлади савол.  
Ҳалқим, нону тузинг ҳамиша ҳалол,  
Ватан қолар экан, Ватан абадий.

Ҳар кекса, ҳар ёшнинг заҳматларида,  
АЗим чинорларнинг ҳикматларида,  
Ҳазрат Яссавийнинг хилқатларида  
Ватан қолар экан, Ватан абадий.

Айб эмас аввалий ва ё сониймиз,  
Агарчи инсонмиз валие фониймиз.

Барчамиз ушбу кун Туркистониймиз,  
Ватан қолар экан, Ватан абадий.

Аста барг тўқмоқда зархал оючлар,  
Умр гўё тўлар божу хироҷлар.  
Келиб кетар экан қанча Сирожлар,  
Ватан қолар экан, Ватан абадий.

1995

## БИТИРУВЧИЛАРГА

Бул Ватаннинг қошу кўзи,  
Мижгонлари сиз бўлгайсиз.  
Чехоалари гулдай, кундай  
Хандонлари сиз бўлгайсиз.

Бу тонг оппоқ дафтарлардай  
Шаҳрим тўлди капитарларга.  
Тизсам буни сатрларга,  
Осмонлари сиз бўлгайсиз.

Бир мамлакат тиниқ кулгу,  
Бир мамлакат севинч, орезу,  
Бу ҳаётнинг гўзал аҳду  
Паймонлари сиз бўлгайсиз.

Елриз қолиб кеттан чирой —  
Мактабларингиз узра ой  
Бу оқшом йиғлар хойнаҳой:  
Армонлари сиз бўлгайсиз.

Китоблари кўксидаги...  
Мехро балқсан сўзидалги,  
Устозларнинг кўзидалги  
Маржонлари сиз бўлгайсиз.

Кўксингизда баланд ору  
Номус бўлса — бўлгай бари,

Бул Ватаннинг кўрар давру  
Давронлари сиз бўлгайсиз.

Йиллар утар турли-турли,  
Умр йўли — қирли, ўрли.  
Ниятларнинг нурли-нурли  
Нарвонлари сиз бўлгайсиз.

Кўрки бордир ҳар ниҳолнинг,  
Ҳар боғдан бир ибрат олинг,  
Илм олинг, ҳикмат олинг —  
Келажакнинг, истикъболнинг  
Кўргонлари сиз бўлгайсиз.

2000

## СИЗНИНГ ШАЪНИНГИЗ

*Ватан пособиёнларига*

Кўлга олмок-чун бир юлгич, қаллобни,  
Еки бир муттаҳҳам, ўғри, қаззобни,  
Сизга матонатдан илдизлар керак,  
Қанчалар кечаю кундузлар керак.

Мен-ку шеърим узра озиб-тўзарман,  
Бугун ёзмасам гар, эрта ёзарман.  
Сиз бир қабоҳатни этмок-чун ошкор  
Қанча тунларингиз кечгайдир бедор.

Чой узра хотиржам ўй суриб, сурмай,  
Ўғил-қизингизни гоҳ кўриб, кўрмай,  
Бир зум уйқусида бокиб кетасиз,  
Ҳали уйга кирмай чиқиб кетасиз.

Сизга сокингина тонг бошламоқ йўқ,  
Болишга бемалол ёнбошламоқ йўқ.  
Ташвишли ҳар хату хабар ичрасиз,  
Ҳамиша хавф ила хатар ичрасиз.

Дунёда яхшилар кўпдир мукаррар,  
Ёмон ҳам кўп экан солсанг гар назар.  
Шод этиб хун бўлган дилларингизни,  
Сизга ким қайтарар йилларингизни?

Шараф деган сўзга шон берган ҳам сиз,  
Тинчлик замонида жон берган ҳам сиз.  
Токи яшар экан бидъат, жаҳолат,  
Сизда ором бўлмас, бўлмас ҳаловат.

Шул сабаб энг гўзал дил сўзларини,  
Осмоннинг энг ёрқин юлдузларини.  
Сизнинг шаънингизга ўқилсин дейман,  
Сизнинг елкангиэга тўкилсин дейман.

1998

## ҒАЛАБА!

Яна нима керак:  
Жаҳон майдонига чиқди бир ўзбек,  
Тупроқ томларимда улрайган лолам.  
Бутун юрт бир қуёш,  
Бир порлок юздек,  
Жингалак сочингдан айланай, болам!

Азал ор-номусдан келган юртим-ей,  
Бу оқшом бир яйраб,  
Яшнаб юрдим-ей!  
Ким айтди:  
Ташнаю зор юрганлармиз?  
Жаҳон майдонида от сурғанлармиз.  
От сурған қўлингдан айланай, болам,  
Ўзбекча кулгунгдан айланай, болам!

«Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз» каломи,  
Ҳикмат давомидай унинг давоми,  
Эврилиб Ватанга тимсоллар бўлгай,  
Фарзандлари ғолиб инсонлар бўлгай.  
Ному нишонангдан айланай, болам,  
Ёруп пешонангдан айланай, болам!

Темур бобо соглан кўргонларгача,  
Анхоринг, сен ўсган айвонларгача,  
Ўйлади ҳаккингта дуолар айлаб,  
Сингиллардан тортиб султонларгача.  
Шон. гурур — кўркингдан айланай, болам,  
Туз ичган юртингдан айланай, болам!

Яна нима керак:  
Буни фарзанд дейдилар!  
Она, Ватан, фарзанд пайванд дейдилар.  
Бу ёруғ дунёда ҳали синовлар керак,  
Ақлу заковатлар,  
Калби оловлар керак.  
Ватан ўз-ўзидан Ватан бўлмагай,  
Милён-милён Рустам Қосимжоновлар керак!  
Ҳаддинг, шахматингдан айланай, болам!  
Калду қоматингдан айланай, болам!

2004.13.07

## БАФИШЛОВ

Куёшу ой кеча-кундуз  
азал посбони бўлган юрт,  
Гўзал Чўлпонларию ҳам  
гўзал осмони бўлган юрт,  
Сен, эй шаъни баланду ҳам  
баланд айвони бўлган юрт,  
Тикилсам гар, севинчдандири  
кўэимдан кетмагай намлар.

Сени мен хасларингдан,  
сасларингдан ўрганиб ўсдим,  
Чинорлардай сабогинг,  
дарсларингдан ўрганиб ўсдим,  
Бешикдан мен сенинг  
хикматларингта бурканиб ўсдим,  
Дилимда Яссавийлар,  
Термиэйлар ёқдилар шамлар.

Аэиз сингилларим янглиғ  
ниҳолинг, толларинг ўпсам,  
Гулу гулшанлар ичра гул,  
гул ичра холларинг ўпсам,  
Дилу дилбандларинг айтсам,  
асал ҳам болларинг ўпсам,  
Менга шул анжуман басдир,  
на даркор ўзга ҳамдамлар.

Жаҳон ичра гараз кўтири,  
ғалат иш кўпу ғулгул кўп,  
Ватан танҳо бўлур, гарчи  
жаҳонда шоҳу дулдул кўп,  
Бу гулшанга бизим янглиғ  
келиб кетгувчи булбул кўп,  
Ватан, сен мангу бўстонсан,  
баётим — сенга шабнамлар.

Саломат бўл, чекан жабру  
ғаму оғриқларинг етгай,  
Кўлинг еттай жаҳонларга,  
кошу киприкларинг етгай,  
Урил ҳам қизларинг етгай,  
йўлу кўприкларинг еттай,  
Тилай сенга саодатлар,  
хуш айём, мангу байрамлар.

2000

## ОНА ЮРТ

Баланд-баланд тоғларда  
Бекорларга қор бўлмас.  
Чирқираган полапон  
Бежиз бир кун сор бўлмас.  
Бўталари изидан  
Келмаса гар нор бўлмас,  
Юртинг — сенинг юзингдир,  
Юртнинг ўзи бор бўлмас.

Оламга бок — қанча бое,  
Қанча гулу чамандир.  
Бир томони Чин-Мочин,  
Бир томони Ямандир.  
Бир жисм — жону тандир,  
Ватан битта Ватандир,  
Қаён борсанг — онангдай  
Иўлларингта зор бўлмас.

Ўзингники шу гулшан  
Ё куйинсанг ё суйсанг.  
Дил кўзига жойлаштири  
Ҳиллоларин «ё» син сан,  
Атласлибос бир ёрнинг  
Зулфларига осилсанг,  
Бу дунёда бўйнингта  
Бундан гўзал дор бўлмас.

Оқ ҳавога бурканмиш  
Арикларнинг бўйлари.  
Софинч бўлиб тараалмиш  
Сингилларнинг ўйлари.  
Бунда — кўнглинг тўйлари,  
Бунда — кўнглинг куйлари,  
Терагингдай ёр бўлмас,  
Толингдай дилдор бўлмас.

Ном колдирсанг, изингдан  
Шавкат ҳам шан колдирсанг.  
Тупроғига орингни  
Сен тан-батан колдирсанг,  
Ҳар бир ўғил-қизингта  
Эрку Ватан колдирсанг,  
Мардлар минган отларинг  
Номардларга хор бўлмас.

2001

## **БАХОР СУРХОНДАН БОШЛНАР**

\* \* \*

Оlamda соғинчлар  
Нақадар бисёр,  
Хар бир соғинчнинг ҳам  
Ўз ранг, туси бор.  
Хар йил «Ахборот»да  
Бир хабар тақрор:  
«Бодомлар гуллади —  
Сурхонда баҳор.»

Хар йил қиши ўртаси,  
Хар шому сахар,  
Мен хабар кутгайман  
Сурхондан — хабар.  
Бир дамим минг йиллик  
Сабрлар бўлгай,  
Кунларим зер ила  
Забарлар бўлгай.

О, ҳёт! Мен сенга  
Тармашганим рост.  
Сен билан рангу бўй  
Талашганим рост.  
Сенинг бор айрилиқ,  
Ҳасратларингни  
Битта бойчечакка  
Алмашганим рост.

Оlamda ғамлар бор  
Ниҳояси йўқ  
Қанча дард, аламнинг  
Ҳикояси йўқ  
Билинтирмайгина,  
Аста, беозор,  
Ажиб якун ясар  
Барига баҳор.

Бу тонг Бойсундаги  
Тоғлардан эниб,  
Бир ел бир севинчни

Еткизди келиб.  
Кеч пайт «Ахборот»да  
Шу бўлди тақрор:  
«Сурхонда бодомлар  
Гуллади. Баҳор.»

О, баҳор! Мен сени  
Куттанларим рост.  
Иўлингта кўз тикиб  
Уттанларим рост.  
Дилни сувлар қилиб,  
Дилни сел қилиб,  
Яна ўз ичимга  
Ютганларим рост.

Бу кеч шамоллар ҳам  
Эрка, хуркаклар.  
Бу кеч қаламларим  
Ёзгай куртаклар.  
Менинг соринчларим  
Гуллаган диёр —  
Онам айвонидан  
Келдингми, баҳор?

Бир тандир хизмати  
Бутун элга тан.  
Бир ноннинг тафтида  
Канчалар Ватан.  
Бир сингил дийдори  
Гул янглиғ тансик,  
Бир юрт муҳаббати  
Күёшдай иссиқ.

Йигитлигин кўмсаб  
Боботорим ҳам,  
Кўкармиш, ёшармиш  
Бобо боғим ҳам.  
Майсаларин силаб,  
Бермайин озор,  
Отамнинг бошидан  
Келдингми, баҳор?

Келдингми ул ёюч  
Сүриларимдан,  
Кумрилар севишган  
Мүриларимдан?  
Унда зуволалар  
Туттай супралар,  
Офтобга чиққайлар  
Барча кўрпалар.

Чимилдиқдан чиққан  
Келинчак янглиғ,  
Бир кунлар бошланар  
Ифорлиғ, ранглиғ.  
Эсгандада муаттар  
Боди саболар,  
Ер ~~хам~~ кўкка килгай  
Нозу иболар.

Мен бу кеч кўнглимни  
Торлар айладим.  
Бир чечак васлида  
Зорлар айладим.  
Баҳорим — умидим,  
Зори жонимсан,  
Сен — менинг дилдорим,  
Ёри жонимсан.

Ирмоқдаги сув ~~хам~~,  
Қадрига етсанг —  
Етгайдир бир юртни  
Гар обод этсанг.  
Озурда жонлар бор,  
Зор кўнгиллар бор,  
Обод айлагайсан  
Энг аввал, баҳор.

Заҳматлар сунбулу  
Суманлар бўлгай.  
Фарзандлар соҳиби  
Чаманлар бўлгай.  
АЗИЗ ЭЛДОШЛАРИМ,

Сизнинг соринчлар  
Менинг кўкрагимда  
Ватанлар бўлгай.

Тошкент осмонида  
Ажиб түрёнлар:  
Етиб келмиш бу кеч  
Абри найсонлар.  
Келинг, ёмғирларим,  
Қалдироочларим,  
Бағримда очиқдир  
Барча айвонлар.

Мен бу кеч рухимни  
Зангор айладим.  
Сен бирлан умримни  
Рангзор айладим.  
Менинг йўлларимга  
Зору интизор  
Зангор қирларимдан  
Келдингми, баҳор?

О, ҳаёт! Мен сенга  
Тармашганим рост.  
Сен билан рангу бўй  
Талашганим рост.  
Сенинг бор айрилик,  
Ҳасратларингни  
Битта бинафшага  
Алмашганим рост.

\* \* \*

Минг йиллик ҳадислар  
Гуллаган диёр.  
Ҳикмат келтиргайсан  
Энг аввал, баҳор.  
Яъни, инсон умрин  
Бори ҳикматин:  
Эзгулик қийматин,  
Умр зийнатин.

Дунё — бир томони  
Енгинга тұла,  
Бир томони меҳоу  
Соринчға тұла.  
Нур ўйнар ўтларнинг  
Киприкларида,  
Ел кезар Ҳайратон  
Кўприкларида.

Ҳирот ёқларга ҳам  
Утдингми, баҳор?  
Кўқдан раҳматларнинг  
Тўқдингми, баҳор —  
Навоий бобомнинг  
Мозорларига,  
Мозорлари чеккан  
Озорларига?

Мангулик сорига  
Айлаган сафар,  
Мирзо Бобурдан ҳам  
Олдингми хабар?  
О, баҳор, бу дунё  
Сотилган дунё,  
Шоҳу султонларим  
Сочилган дунё.

Мен бу кеч бир азиз  
Онларга қайтай,  
Шомлардан сўз сўраб,  
Тонгларга қайтай.  
Ковак ёғочлардай  
Яшаб, оламда  
Бир бор гулламаган  
Жонларга айтай:

Ўтмаса кўкламнинг  
Чақинларидай,  
Ўшал чақинларнинг  
Елқинларидай,  
Умрин нечун яшар,

Нечун, одамзот?  
Унинг ҳаётидан  
Унга не мурод?

Чўпонлар ўй суреб  
Олгунча мудроқ,  
Таёри кўкариб  
Кетгувчи тупроқ,  
Наҳот ибрат бўлмас  
Одамга, наҳот?  
Наҳот тупроқчалик  
Эмас одамзот?

Тақир чўлларни ҳам  
Айладинг бедор,  
Бизга ўргаттгани  
Келдингми, баҳор?  
Шўртан тупроғининг  
Ёлқинларида  
Сенинг хосиятинг,  
Хислатларинг бор.

Кеча Самарқандда  
Сочиб ифорлар,  
Зангор гумбазлардан  
Ювдинг губорлар.  
Эртан бўй таратиб  
Андижонларга,  
Атлас кийгишурсан  
Марғилонларга.

Гулбаданбегимдай  
Безангай ҳаёт,  
Бир нурлар кўйнида  
Исингай ҳаёт.  
Бу гулшан диёrim  
Гулхона бўлгай,  
Мендай шоирларинг  
Девона бўлгай.

Майсажон, ай, тонгти  
Табрикларингдан!

Етиблар ўпайин  
Киприкларингдан.  
О, юртим! Оламга,  
Рўйи заминга  
Факат баҳор ўттай  
Кўприкларингдан.

\* \* \*

Нечун биз дунёда  
Ор-номус деймиз?  
Нечун максадларга  
Дил фонус деймиз?  
Нечун «Ватан» биэда  
Энг кутлуғ қалом,  
Темур деб қўйгаймиз  
Фарзандларга ном?

Ҳар бир гўдак бунда  
Султон, улудек,  
Юлдузларга боқар  
Юз минг Улурбек.  
Бағринг тўла сенинг  
Дарду оҳ, жаҳон,  
Қара, ўсар бунда  
Қанча Шоижажон.

Нечун бу тупрокда  
Ҳар бир лола — шеър?  
Юз минг боладан сўр,  
Бари — Алишер.  
Сўнмас турур, шондан  
Берид хабарлар,  
Ўсиб улғаймоқда  
Қанча Бобурлар.

Кечакаршидан бир  
Полвонча келди,  
Ўзи тўккиздаю  
Осмонча келди.  
Исми ҳам Алномиш,  
Кўкраги — баланд,

Улгайсам оламни  
Енгаман, дейди.

О, хәёт! Мен сента  
Тармашганим рост.  
Сен билан рангу бүй  
Талашганим рост,  
Сенинг бор айрилиқ,  
Хасратларингни  
Битта гул бешикка  
Алмашганим рост.

Осондир Ватан деб  
Фарёд айламоқ,  
Гап сотиб шаънини  
Барбод айламоқ.  
Лекин улуг ишдир —  
Ташвишин торта,  
Ватанда Ватани  
Обод айламоқ.

Эх-хе, хали қанча  
Түгёнлар керак!  
Канча пок түйгулар,  
Илҳомлар керак.  
Канчалар шерюрак  
Темурхонлару  
Канча арслонюрак  
Исломлар керак!

Нечун биз дунёда  
Ор-номус деймиэ?  
Нечун мақсадларга  
Дил фонус деймиэ?  
Баҳордай сертошқин,  
Баҳордай озод  
Яшаб ўтмаса гар,  
Нечун одамзот?

Бу элнинг кўксига  
Саболар келгай,  
Имом Термизийдан

Дуолар келгай.  
Эрта қүёш ўзи  
Ерларга тушиб,  
Сен учун ризқ әккай,  
Насиба әккай.

Бу кеч ҳаволарда  
Дийдор иси бор.  
Бу кеч умидларим  
Барг ёзар такрор.  
Менинг соринчларим  
Гуллаган диёр —  
Онам айвонидан  
Келдингми, баҳор?

О, хаёт! Мен сенга  
Тармашганим рост.  
Сен билан рангу бүй  
Талашганим рост.  
Сенинг бор айрилик,  
Ҳасратларингни  
Битта қалдирғочга  
Алмашганим рост.

2002

# **М**ұхаббатни ташлаб кетманг боғларга



## ЁШЛИК. БАХОР. МУҲАББАТ

Асрлар бор — рўёдай,  
Фасллар бор — мувакқат.  
Доим зангор дарёдай  
Ёшлик. Баҳор. Муҳаббат.

Умримда уч саҳарим,  
Уч гўзал хуш саҳарим,  
Менинг уч хушхабарим  
Ёшлик. Баҳор. Муҳаббат.

Софингчлари қанотли,  
Ёмғирлари новвотли,  
Армонлари ҳам тотли,  
Ёшлик. Баҳор. Муҳаббат.

Айтсам дилда зоримдан  
Гуллар унгай қорингдан.  
Нишон йўғу боримдан  
Ёшлик. Баҳор. Муҳаббат.

Сен, эй синглим, сен оғам,  
Ўттай алам, ўттай ғам,  
Оlamда энг олий дам  
Ёшлик. Баҳор. Муҳаббат.

Мангу карвон тириклиқ,  
Дарду ҳижрон тириклиқ,  
Надир, инсон, тириклиқ  
Ёшлик. Баҳор. Муҳаббат.

Бўйу басти гул Ватан,  
Бош-оёқ кўнгил Ватан,  
Отин сўрсанг, бул Ватан —  
Ёшлик. Баҳор. Муҳаббат.

Дунё арчаси ёлрон,  
Қанча-канчаси ёлрон.  
Шудир ёдимда қолган:  
Ёшлик. Баҳор. Муҳаббат.

2003

\* \* \*

Кора кўэли Гулпари,  
Шунчалар суюкмисан?  
Холанг сени эркалар,  
Кизмисан, кийикмисан?

Ерга боқсанг ер — қуёш,  
Кирга боқсанг қир — ойли.  
Сен холангдан гўзалу  
Холанг сендан чиройли.

Бир савдо бор, мен уни  
Дилга ҳавола қиласай.  
Кўчангдаги толингта  
Мен бориб нола қиласай.

Кизғиши бўлар осмонлар,  
Кизил — асли қиз ранги.  
Кўчангдаги толдан ҳам  
Холанг сени қизғанди.

Дардларимни ўйноклаб  
Ариқчалар куй қиласар.  
Кора кўэли Гулпари,  
Холанг сени тўй қиласар.

Нурга тўлар уйлару  
Баланд-баланд айвонлар.  
Мен севаги деб кеттгайман,  
Юрагимда ҳижронлар.

1985

## ЎЗБЕКНИНГ «ЁР-ЁР»И

Ота уйнинг эшигидай эшик йўқ  
Оlamни кез, Фарҳодингдай ошиқ йўқ.  
Бу кеч тошу деворларинг сел бўлар,  
Бу дунёда «Ёр-ёр»ингдай қўшиқ йўқ.  
Ўстирганинг қизмиди ё гулмиди?  
Киз кўнглидан жаннатларга йўлмиди?

«Ёр-ёр»ингдан титроқ тушиб ойларга  
Кўшилишиб оқиб кетар сойларга.

Хеч юртда йўқ қайрилмақош янгалар  
Остонангга сочса тилло тангалар.  
Ота эшик, қанча ифорларинг бор,  
Кизинг билан кетар баҳорларинг бор.

Бу кеч тошу деворларинг сел бўлар,  
Қанча нозик кўнгилчалар дил бўлар.  
Не кечгайдир бундан кейин ҳолларинг?  
Инглар бу кеч теракларинг, толларинг.

Бошинг узра нурли фалак айланар,  
Осмон ўзи туттай сенга ойналар.  
Дуо энди отангдандир, халқдандир,  
Киз болага бахту толе Ҳақдандир.

Майли, етти иқлимларда тўй бўлсин,  
Ҳар қарич ер ўлан бўлсин, куй бўлсин.  
Оlamни кез, бешигингдай бешик йўқ,  
Бу дунёда «Ёр-ёр»ингдай қўшиқ йўқ.

2001

## ЁДГОР ГУЛ

Бу ёруғ оламда бир гул турилди,  
Үртаб тирикларнинг жону жисмини.  
Боғда бор гулларнинг боши эгилди,  
Ёдгора деб қўйдилар бу гулнинг исмини.

О, ҳаёт, бир ширин кулчаларинг бор,  
Бешиклардан чиқкан кўлчаларинг бор.  
Қатор қилгин энди сен бор гулингни,  
Қабул қилиб олгин ёдгор гулингни.

Бу дунё аслида алвон рангли гул,  
Ёдгора, Ёдгора, гўзал, мунгли гул.  
Кимни кутиб ўсдинг гуллар аро зор?  
Капалакларнинг ҳам оталари бор.

Сенинг хаёлингми тонгти шабнамлар,  
Мехрдан сўйлашса — кўзингда намлар.  
Эй, сен тоза ифор,  
Бокира, эй гул,  
Севгию соғинчдан хотира, эй гул!

Бизлар хаммамиз ҳам гулга ўхшаймиз,  
Гул суйиб, гул сочиб, гуллар тўшаймиз.  
Ҳаёт, муҳаббатдан кўйлак олиб бер,  
Шу ёдгор гулингта бахту толе бер.

2001

## ОЙ ИЗИДАН

(халқона)

Ой бу кеч сайҳондадир,  
Нур тўла хирмондадир.  
Ойни бу кеч кўрмаган  
Бир умр армондадир.

Оҳ, бунчалар тўлиндир,  
Ун тўрт кунлик келиндир.  
Ой десам, эртакда йўқ,  
На ҳуру гилмондадир.

Киз боради сой билан,  
Челагида ой билан,  
Килиқлари, нозлари  
Каклигу жайрондадир.

Киз десам, ойча экан,  
Балдори ёйча экан.  
Коматию соchlари  
Жанжалу исёндадир.

Иил кечару ой кечар,  
Сувингдан ким ой ичар?  
Сенга еттан кўнгилнинг  
Савлати қўрғондадир.

Жамолингга Яратган  
Тўлин ойни қараттан.  
Ерда сарсон қанча кўз,  
Қанча кўз осмондадир.

Оҳ, бу қандай ой, дилим?  
Кўксимдаги сой дилим.  
Вой дилим,вой-вой, дилим,  
Тошкану Сурхондадир.

2001

## ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ФАЗАЛИГА МУҲАММАС

Булут эрмас, кўк узра тарқаган кўнгил гумонидур,  
Гумон қилмак бу дамда бетумон дилнинг зиёнидур,  
Кўкарган хор ила хаслар тирикликининг нишонидур,  
Бахор айёнидур дағи йигитликнинг авонидур.  
Кетур соқий, шароби нобким, ишрат замонидур.

Нигорнинг чехраси гоҳ ишқ нақлидин эрур гулгун,  
Гаҳи ҳусну латофат, гаҳи ақлидин эрур гулгун,  
Букун боғим менинг ёр қадди нахлидин эрур гулгун,  
Гаҳе саҳро узори лола шаклидин эрур гулгун,  
Гаҳе саҳни чаман гул чехрасидин аргувонийдур.

Яна кўнгил қатидин кетди бир-бир занг гуллардин,  
На хушдур етса кўксингта муаттар чанг гуллардин,  
Яна ўқсук жаҳоннингда талошу жант гуллардин,  
Яна саҳни чаман бўлди мунаққаш ранг гуллардин,  
Магарким сунънинг наққошига ранг имтиҳони дур.

Кўйингда ончалар даҳро ичра қилмишдир бу дил зори,  
Ки яхлит лоларанг ўлмиш харобот бирла кулэори,  
Аламлар тарқалиб буткул, тутанимиш ранжу озори,  
Юзинг, эй сарв, жоним гулшанининг тоза гулэори,  
Кадинг, эй гул, ҳаётим боянинг сарви равонидур.

Рұхимга иштіең солған зумуррад майсаси қирнинг,  
Гүзәл түшдір бу айёмлар, баёниң қилма таъбирнинг,  
Букун етмоқдаман зимнига аста-аста бир сирнинг,  
Не ерда бўлсанг эй гул, андадур чун жони Бобурнинг,  
Фарингта тараҳхум айлагилким, анда жонидур.

1991

\* \* \*

Баҳор бу йил ажиб пинҳона келмиш,  
Кўнгиллар розига ин, хона келмиш.

Келиб ёр зулфини райҳон этиблар,  
Кейин — гул, сунбулу райҳона келмиш.

Чечаклар бирла етмиш давру даврон,  
Сарою боғу дашт жавлона келмиш.

Назокат ичрадир олам, мисоли  
Малика оқ кийиб султона келмиш.

Ҳилол чиқмиш бу кеч кўк сийнасидан,  
Кўрингким, ул нечук шарқона келмиш.

Кетар дил бул кеча минг дилрабодан,  
Келинлар гўра еб турёна келмиш.

Сенинг, эй лоларух, пинҳон хаёлинг,  
Кўэ ичра айланиб, мижгона келмиш.

Адиrlар лола жомидан тутар май,  
Табиат хуш бўлиб, риндана келмиш.

Ёронлар, бу — баҳор эрмас, билингким,  
Тириклик номидан шукронна келмиш.

2001

## ГИЛОСЛАБ

Тошкент гилосидай сенинг лабларинг.  
Бундай неъмат битмиш ҳёт боринда,  
Мұхаббат боли бу — самар чөғинда.  
Шом чоги, тун чоги, сахар чөғинда  
Тошкент гилосидай сенинг лабларинг.

Назокат нұқтасин жим шивирлашиб,  
Аста пичирлашиб, секин сирлашиб,  
Қүш гилос яралмиш гүё бирлашиб,  
Тошкент гилосидай сенинг лабларинг.

Титраб тегинсалар — сўэки, яраштай,  
Уларга сукут ҳам сеэги яраштай,  
Бу лабларга факат севги яраштай,  
Тошкент гилосидай сенинг лабларинг.

Күнгил деганларин шулар жоними  
Е ҳусн мулкининг шараф-шоними?  
Мен орзу қылганим — гилос қоними?  
Тошкент гилосидай сенинг лабларинг.

Дилни не ҳавою не рангдан узай?  
Ҳижронга шувалган шевангдан узай.  
О ҳёт, шу асал мевангдан узай!  
Тошкент гилосидай сенинг лабларинг.

Бир кун япрогимни узгайдир фалак,  
Жоним олиб кетар самовий малак.  
Шунда ҳам күкларда ўйласам керак:  
Тошкент гилосидай сенинг лабларинг.

2001

## **ҚУВОНЧ**

Япон шамсияларин остида  
 Намхушгина юрган малаклар,  
 Карапт: ёмрир эмас, аслида  
 Қувонч ёғдиримоқда фалаклар!

1980

## **ГЎЗАЛЛАР ЗИЁФАТИ**

Ҳарир-ҳарир кўйлакларда юзиб келдилар,  
 Лаганларга юрагимни сузиб келдилар.  
 Нозик-нозик ўлтиришиб, сўнг ҳаммалари  
 Менинг кабоб юрагимни буткул едилар.

1991

## **ЭЙ ОЙ**

Ҳаёт бир най бўлди, дил чалар бўлди,  
 Менинг ҳар бир дамим йилчалар бўлди.  
 Қилдай белларингта етгунча, эй ой,  
 Жон ҳам нозик тортиб қилчалар бўлди.

## **БОҒДА**

Анор юзларингта не бўлди, анор?  
 Сенга ким бунчалар тикилди, чарос?  
 Нега бир ёноғинг олдир, шафтоли?  
 Гилос лабларингдан ким ўпди, гилос?

## **БАҲОР ОҚШОМИ**

Бу — баҳор оқшоми, фол, роми йўқдир,  
 Ҳеч юртнинг бу юртдай оқшоми йўқдир.  
 Қанча гуландомдан гул иси келгай,  
 Қанча дилоромнинг ороми йўқдир.

## СЕНИНГ БИР ХОЛИНГ...

Фалак ўз ишини пухта қилмишдир,  
Накшими жисм ила руҳда қилмишдир.  
Менинг бор хорлигу сарсоналигимга  
Сенинг бир холингни нұкта қилмишдир.

## ИККИ ЮЛДУЗ

Бу оқшом менингдир, бу айём менинг,  
Бу соқий менингдир, бу Хайём менинг.  
Күкдан жилва қылса Сурайём менинг,  
Ерда ишва айлар Мұхайём менинг.

1999

\* \* \*

Инжа, нозик хол тушибдур  
инжа бу лаб остида,  
Тушмиш ул андиша айлаб  
үңг эмас, чап остида.

Ушбу холнинг ҳолатидин  
сен менинг ҳолимни күр:  
Калб аро минг битта доғу  
мингтаси қалб остида.

Кошу мижгонлардин ул  
холнинг қатор жаллоди бор,  
Охир ўлгумдир, ёронлар,  
бу қатор саф остида.

Эл аро овоза бўлдим  
холга мен кўнгил бериб,  
Ўттай умрим, қолгум энди  
бир умр гап остида.

2002

## БҮСА

(Чүлпөндөн иккى сатр)

Кипригинг, кокилларинг тундан узун бир кечада,  
Сочларинг киприкларингга сўйлаган сир кечада,  
Тушдайин оний, гўзал ҳам мисли тақдир кечада,  
«Кел малак, кел, кел пари, кел, кел ўпай бир эркалаб,  
Кел қуёш чиккунча ўптири, кел ўпай бир эрталаб».

Кел ўпай сайёralар ҳам ою юлдузлар қадар,  
Ҳеч тутганимас эсдаликлар кеча кундузлар қадар,  
Дарду хижрону фирогу дилда илдизлар қадар,  
Кел малак, кел, кел пари, кел, кел ўпай бир эркалаб,  
Кел қуёш чиккунча ўптири, кел ўпай бир эрталаб.

Қош билан киприкларинг, кокилларингдан тенг ўпай,  
Қўэларингни зулфларинг, бўйинларингдан сўнг ўпай,  
Юзларингдан юз ўпай, лаб, тилларингдан минг ўпай,  
Кел малак, кел, кел пари, кел, кел ўпай бир эркалаб,  
Кел қуёш чиккунча ўптири, кел ўпай бир эрталаб.

Гул ёноғинг қолмасин, балдокларинг ҳам қолмасин,  
Қафтларингда тафтларинг, бармоқларинг ҳам қолмасин,  
Бир ўпайки тонгтача титроқларинг ҳеч қолмасин,  
Кел малак, кел, кел пари, кел, кел ўпай бир эркалаб,  
Кел қуёш чиккунча ўптири, кел ўпай бир эрталаб.

Беркиниб турган қаро холингни ҳам охир топай,  
Сўнг авайлаб мен уни киприкларим бирлан ёпай,  
Қўэларим бирлан ўпай, киприкларим бирлан ўпай,  
Кел малак, кел, кел пари, кел, кел ўпай бир эркалаб,  
Кел қуёш чиккунча ўптири, кел ўпай бир эрталаб.

Кел малак, сўйлаб адо қилгил мени бул қиссадин,  
Ўлмагум оламда мен дарду балою ғуссадин,  
Бўсадин кулдири мени, куйдир ва ўлдири бўсадин,  
Кел малак, кел, кел пари, кел, кел ўпай бир эркалаб,  
Кел қуёш чиккунча ўптири, кел ўпай бир эрталаб.

Сүнгра шириндән шакар сүэ, гапларингга күм мени,  
Күзларинг, киприкларинг ҳам лабларингга күм мени,  
Кафтларингта күм мени, сүнг қалбларингга күм мени,  
Кел малак, кел, кел пари, кел, кел ўпай бир эркалаб,  
Кел күёш чиккунча ўптири, кел ўпай бир эрталаб.

1999

## БИР ТУРЛАНГУВЧИ ГУЛ

Бу қандай гул? Бу қандай гул?  
Гахи қор, гохи қондай гул.  
Мен унга гапларим айтсам,  
У менга баргларин бергай.

Кади ҳам бўйни зархал гул,  
Якоси, кўйни зархал гул.  
Мен унга зорларим айтсам,  
У менга зарларин бергай.

Қабори уэра нурлар бор,  
Қабоси ичра дурлар бор.  
Анга ашкимдин арз айтсам,  
Манга шабнамларин бергай.

Паришон ҳолу боғимдан,  
Куйиб кеттан димофимдан,  
Десам дилда ямогимдан,  
У менга барларин бергай.

Жудолик исли эпкинлар  
Буқун боғимда эркинлар.  
Мен унга доғларим айтсам,  
Менга анбарларин бергай.

Тун ичра чирма ёлкин гул,  
Гахи тинч, гохи тошқин гул.  
Мен унга дардларим айтсам,  
У менга лабларин бергай.

1990

## ХОРАЭМЧА

Бир гул кўрдим нақши ниғор шаклинда,  
Камзулари бору баҳор шаклинда,  
Қаро кўзи лайлу наҳор шаклинда,  
Икки зулфи мор, аждахор шаклинда,  
Бул иккиси тун-кун бедор шаклинда.

Баланд борнинг олмаю оранжи бор,  
Боғ ортинда Хеваю Урганчи бор.  
Бир сўз десам андаккина ранжи бор,  
Бул санамнинг икки ниҳон ганжи бор,  
Барглар аро икки анор шаклинда.

Гунча лаби гунчаларни сўлдуур.  
Асли гунча деганлари шулдуур.  
Кулгичлари куйдуурор ҳам кулдуур,  
«Гадингизми» дейишлари ўлдуур,  
Курбонлари қатор-қатор шаклинда.

Куёш чиқса шул санамнинг юзиндан,  
Оlam кечар ойиндан, юлдузиндан,  
Даъво килмай дилнинг ёзу кузиндан,  
Гурлангача кетай анинг изиндан  
Гоҳи хазон, гоҳи губор шаклинда.

Энди биза бир гап бўлса гул сабаб,  
Хораэм, ай, ҳолимиза кўй қараб.  
Энди билдик, ишқ элина ўт қалаб,  
Ҳофизларинг кўйласалар, шул сабаб  
Шамойили селу себор шаклинда.

1998

## ҚУЁШ ҚИЭИ

Бу қиэнинг офтобда қорайган юзи  
Раңг олиб яшади қиши бүйи қордан.  
Бу қиэнинг офтобда қорайган юзи  
Кордай оппоқ бўлиб келди баҳорга.

Офтобда қорайган елкаларини  
Қиши бүйи қорлардан яширди бу қиз.  
Офтоб нури эмган билакларини  
Қиши бүйи қорлардан яширди бу қиз.

Қиши бүйи бу қиэнинг баданларини  
Корлардан яширди иссиқ палтолар.  
Барибир, бажарди айтганларини,  
Қизни оқартириди барибир қорлар!

Бу қиз ечинаркан кўэгу олдида  
Лол қотиб термулди ўзига у кун:  
— Елкамни қай йўсин кўриб қолди-я,  
Қорлар баданимни кўрмаганди-ку?

Қуёш ўт пуркайди. Ёз. Кўриб қолдим  
Кирғоқда бу қиэнинг кўйлакларини.  
У куёшга тоблаб, қорайтиарди  
Кордай баданини, елкаларини.

1978

## СЕВГИ ҲАЗИЛИ

Сен гўзал, нозанин, дилрабо, дилдор,  
Нега тушунмайсан гапга, билмайман,  
Бутун ҳаётимда энг севикли ёр,  
Мен сени ҳеч қачон хафа қилмайман.

Сенинг-чун япнайман оламда, ишон,  
Шунинг-чун дунёни чаппа қилмайман.  
Мен хафа қилмайман сени ҳеч қачон,  
Сенга ўхшаганларни ҳам хафа қилмайман.

2003

\* \* \*

Чараклайди тун ичра юзлар,  
Кулгулари шарқырайдилар.  
О, бу қызлар,  
Бу оғат қызлар  
Киличлардай ярқырайдилар.

Камон қошлар,  
Бу камон қошлар,  
Тигсиз, ўқсиз яралайдилар.  
Жаллад күэлар,  
Каттол қараашлар  
Киличлардай чараклайдилар.

Сүйган күнгил — саодатлидир,  
Султонга ҳам кулсин омадлар.  
О, бунчалар назокатлидир  
Килич күллар,  
Килич коматлар!

Үз дилимни кулдиrolмаган  
Мени — севгим ёди сүлдирап —  
Хеч қандай дард ўлдиrolмагай,  
Киличдайин қызлар ўлдирап.

2002

## ИККИ ДИЛ ФАЗАЛИ

Бул кеча шаҳду шакар бирлашдилар,  
Икки дил, икки шаҳар бирлашдилар.

Бир-бирига етди охир икки хат,  
Бул кеча зеру забар бирлашдилар.

Икки дарё, икки юлдуз, икки нур,  
Мисли икки хушхабар бирлашдилар.

Бул кеча шому сахарсиз кечадир,  
Икки оқшому сахар бирлашдилар.

Бүлмагандай барча ҳижрону алам,  
Икки дил охир агар бирлашдилар.

Икки жон, икки жаҳон бир тан бўлиб,  
Икки оғуш бир камар бирлашдилар.

Осмон ҳам бехабар қолмиш, ажаб,  
Бул кечада шамсу қамар бирлашдилар.

1998

## ТАКЛИФНОМА

*Укам Фурӯзатта*

Шафтолилар баргидан  
ранглар кетар, ёр-ёр,  
Ҳовлимизда оппоқ, ойдин  
тонглар отар, ёр-ёр.  
Ёшлик ҳам бир тўй сингари  
ўтар-кетар, ёр-ёр,  
Сиз келсангиз кўнглимиздан  
занглар кетар, ёр-ёр.

## ТИЛАҚ

Кўчалардан кўтариб  
ўтганинг бешик бўлсин,  
Уйингдан чиқкан овоз  
алла ҳам қўшиқ бўлсин.  
Киз кўрсанг, Ширин каби  
ширин бўлсин, озода,  
Ўғил кўрсанг, камида  
Фарҳоддай ошиқ бўлсин.

1993

\* \* \*

Шаҳр аро шарҳи дилимни битта дилдош билса бас,  
Ер билан осмон аро уд менга сирдош билса бас.

Ранг-барангдир одамининг зоҳиро ботини,  
Аслини қайдин билурсан, сабру бардош билса бас.

Лола бағрида ниҳон доғларга завқинг келмасин,  
Ишқини Лайлого Мажнун айлади фош, билса бас.

Жоми баҳтим ичра курсам изтиробим жилвасин,  
Ўзлигимни ўзгалар кўзинданаги ёш билса бас.

Равзаи жисмим аро минг андалибнинг охи бор,  
Андалибни андалиб дўсту қариндош билса бас.

Етти қат ер, етти қат кўк, водийи ҳижрон дилим,  
Водийи ҳижрон дилимни битта дилдош билса бас.

1998

\* \* \*

Мен ишқ элининг нолаю афронида куйдим.  
Кўнгил уйининг оташи армонида куйдим.

Мехрин тилабон ўтса агар ошики зорлар,  
Мехримни бериб мен эса товонида куйдим.

Мушкул эди йўл, ранж ила изҳориға етдим,  
Сизлар кўйида, мен эса домонида куйдим.

Ташбеҳига, ҳолим будурур, ўзга қиёс йўқ,  
Соч толасидай чоки гирибонида куйдим.

Ишқ аҳди фирғинда фирон этса агар, мен  
Ёнида юриб, ёнида ҳижронида куйдим.

Дунёйи азалнинг ғазалий матлаъи булдур:  
Бошлаб ҳама ишни они поёнида куйдим.

Ҳам меҳнати, ҳам миннати, ҳам заҳмати — борин  
Жон жомира жамлаб, даги уммонида куйдим.

1988

## ТОТЛИСАСНИНГ ҚЎШИФИ

Кетмай ҳали найсон атри,  
Келиб келмай ҳазон фасли,  
Бахтсизманми ва ё бахтли,  
Ёшлигим, тарк этма вактли,  
Куним дардли, кечам дардли.

Мухаббатим сиймоблари  
Кўкнинг юлдуз моҳтоблари.  
Фуборлидир офтоблари,  
Дилим доғли, гулим гардли,  
Куним дардли, кечам дардли.

Соринчларим шигил-шиғил,  
Ярми сориг, ярми яшил,  
Үз ишқимдан ўзим хижил,  
Қани ёрлар садоқатли?  
Куним дардли, кечам дардли.

Дил баргидан кўчган оҳим,  
Менинг куйга тушган оҳим.  
Соз куйларсан эй, Иброҳим,  
Қўшиқ ҳам бир армон асли:  
Куним дардли, кечам дардли.

1998

# ҮЙҚУЛИҚ БАХТ

M.H.C.H.

На хүш бүләйки бир күн  
үйқулик баҳтимни үйгөтсам,  
Кечалар тори мүйиздек  
белига чирмашыб ётсам.

БОБУР

Жоми баҳтим эрди доим гоҳ курум, гоҳ қунқалиқ,  
Нозанин күрдим у күн, бир нозанинким үйқулик.

Қошу мижгонлар қабоқлардан хабар олмас эди,  
Үйқусида айлагим келди анга бир хуш қилиқ.

Оқ бүйинда ухлаган зулфлар аро олдим нафас,  
Оқ бүйинда холининг атрофлари бир хуш, илиқ.

Кафтларим оташ эдию ул санам оташ эди,  
Қўл юборсан ҳам куярдим, гар юбормам — куйгулик.

Мен унинг ноз үйқусидан жон била олдим ҳаво,  
Үйқуси дарё эди, ул нозанин бир оқ балиқ.

Сочларидан тола-тола танладим дил торига,  
Шунгача бўлган ҳаётим риштаси қолди юлиқ.

Олгил умрим боғидан бор гулларинг, тақдири ҳак  
Сўйгулик қиласанг мани қилгил шу гулга сўйгулик.

Кўрганим бул бари, дўстлар, туш эди, рўё эди,  
Ул менинг баҳтим эдию, баҳтим эрди үйқулик.

1998

## БИР ГУЛ ҚИССАСИ

Неки хурлик бор эди сен шул эдинг,  
Факатина ўз хуснингга кул эдинг.  
Хатто шабнам ўлмаган бир гул эдинг,  
Бир бедардга хотин бўлдинг сен, Раъно.

Дунёданми шундоқ кунгил узарлар,  
Бу дунёда фақат кўнглинг бузарлар.  
Ўтганингда жимиб қолса гузарлар,  
Зоҳир кулдинг, ботин сўлдинг сен, Раъно.

Шунча йиллар дилда нени асрординг?  
Эй пок чашма, қай кумларга сачрадинг?  
Чой дамласант, чойдай аччиқ ҳасратинг,  
Ўз рамингта отин бўлдинг сен, Раъно.

Сочлар ўксук — ул шўху шан жилгалар,  
Надин титрар зулфлар аро сирғалар?  
Алар тунлар ҳали узоқ йигларлар,  
Кисмат шўрин тотин билдинг сен, Раъно.

Кўксинг ичра доринг — лоланг бир томон,  
Нигоҳингда пинҳон ноланг бир томон,  
Кизинг бир ён, маъюс боланг бир томон,  
Оҳ, бунчалар нотинч бўлдинг сен, Раъно!

Ким айтадир бу дунёда дил харжин?  
Надин гул чехрада бир тола ажин?  
Ачингил, ўз ҳаётингта сен ачин!  
Бул азобнинг отин билдинг сен, Раъно.

...Мен бир гулдан айтдим, баҳри бутунлар,  
Бул қиссани гул баргига битинглар.  
Бағрим ёрсам, ўрлаб чиккай тутунлар,  
Қай уйларга ўтин бўлдинг сен, Раъно?

1993

## АЛАМЛИ ДУНЁДА

Күлларым шохлардай зор қолган күнлар,  
Дил кетиб, валекин ор қолган күнлар,  
Үзүн мижгонларда қор қолган күнлар,  
Сен кетдинг, музлади ўнг ила сўлим,  
Аламли дунёда аламли гулим.

Сунларда садосиз синдишлар ойлар,  
Афсундай жим, сокин оқдишлар сойлар.  
Тутунларин ечиб йиллар ва ойлар  
Үтдишлар, сен ҳамон тили тутуним,  
Аламли дунёда аламли гулим.

Сендин сўнг кўнглимни беомон янчиб,  
Не санамлар ўтди ўзича ранжиб,  
Баланд пошналарин кўксимга санчиб,  
Бевакт сўлдирдилар сехро жунуним,  
Аламли дунёда аламли гулим.

Мунгайиб қолдилар умид боғлари,  
Мангу эирқираиди бағир доғлари,  
Боғларнинг дудлари ҳамда зоғлари  
Менинг фиронимдир ҳам менинг кулим,  
Аламли дунёда аламли гулим.

Бу ҳолим кўрганлар тақдир, дейдилар,  
Тақдир азал-азал ҳақдир, дейдилар.  
Чин қалблар ҳамиша тоқдир, дейдилар.  
Қандай санъатдир бу, қандайин илм?  
Аламли дунёда аламли гулим.

Сенга хотиралар мунглар келтириб,  
Менга тирикликтан айтиб, билдириб,  
Куйган кўкламларим ўрнин тўлдириб,  
Кўксимда яшайди энг гўзал ўлим,  
Аламли дунёда аламли гулим.

1991

## ХОЛ

Сокин сайҳонликда толғин тол құнған,  
Толнинг шохларига ҳилол дол құнған.  
Ишкнинг кирчиллама иқлимларида  
Жон қуши жисм аро бемажол құнған.  
Жон қушин бир четта қүйиб ўйлайман:  
Зулфларинг остида битта хол құнған.

Айланиб айлона қошларинг аро,  
Юзларинг яшнатиб ёшларинг аро,  
Тола-тола бўлиб соchlаринг аро  
Тонг чори кетгувчи бир шамол құнған.  
Шамолни бир четта қүйиб ўйлайман:  
Зулфларинг остида битта хол құнған.

Кечалар майсаси — узун мижгонлар,  
Юлдузлар чашмасин кўқдан ичганлар,  
Дилдан тошқин чиқса алар кечганлар.  
Аларда бул замон ажиб ҳол құнған:  
Ё савол құнгандир ё малол құнған.  
Аларни бир четта қүйиб ўйлайман:  
Зулфларинг остида битта хол құнған.

Сен билан дунёни келишолмадик,  
Юлдузни осмонга алишолмадик,  
Сенинг бир холингни бўлиншолмадик.  
Шундай бўлса ҳамки құнгил тубида  
Холингга хайриҳоҳ бир хаёл құнған.  
Дунёни бир четта қүйиб ўйлайман:  
Зулфларинг остида битта хол құнған.

1990

## СОФИНЧ ТАХЛИЛИ

*Бяровнинг соғинччи ээзи кўп ёмон,  
Дўстим, бу фоже бир ўзимга аён.  
(Эски дафтардан)*

Бировни соғинмай яшамоқ оғир,  
Соғиниб яшамоқ ундан ҳам оғир.  
Бу ҳам етмагандай, уч кундан буён  
Ёмириу ёмғир.  
Соғинч дийдирайди лойгарчиликда,  
«Чилл-чилл» товуш келар.  
Иллар ўприлар.  
Дарёлар тошади,  
Беланчаклардай  
Жим оқиб кетгайлар осма кўприклар.  
Тошлар шу соғинчнинг ёшлари зур,  
Соғиниб-соғиниб тошга айланган.  
Кўнглим тутунларин ечолмайман мен,  
Улар соғинч билан бойланган.  
Мен қачон чалиндим ўзи бу дардга,  
Бу соғинч касалин юқтиридим қачон?  
Қора булат янглир соғинч йилларки  
Рухимда муаллақ турибди ҳамон.  
На тарқаб кеттайдир ва на йиглади,  
Ойлар ўтган сайин у қуюқ, қуюқ.  
Шул сабаб музлайман саратонларда,  
Ёмирлар остида кеттайман куйиб.  
Соғинч айрилмайди мендан бир нафас,  
Доим бирга борар меҳмонга, тўйга.  
Мени ўтиргани қўймайди соғинч,  
Эзилиб кетяпман, кетдик дер, уйга.  
Дунё пойафзалдай пойгакда қолар,  
Ёник қолдираман дахлиз чирогин.  
Соғинч ўзгаларни кўкартирса гар,  
Мени кўйдиради охир бу соғинч.  
Узимни силкитсам — барглар тўкилар,  
Хазонимни кўргил, хазонрез борим!  
Умр ўтмоқдадир.

Лекин бир умр  
Үтмай сил қиласы мени бу соғинч!

Сени соғинмасдан яшамоқ оғир,  
Соғиниб яшамоқ ундан-да оғир.  
Сени соғинаман ёнингда юриб,  
Бу хам етмагандай — ёмғири ёмғири.  
Соғинч пустин янглиғ босар елкамдан,  
Бўйнимга шарф янглиғ ўраладир у.  
Кураб ташлаш мумкин ёқкан қорларни,  
Соғинч — мангу қордир.  
Кураалмайди у.

1988

## БИР МУҲАББАТ ҚИССАСИ

*Чўпонқулаға*

Бу дунёда бир мунгли куй  
Бир ғамгин қўшиқ бўлдим.  
Ўзга юртда, сизга айтсам,  
Бир қиэга ошиқ бўлдим.

Бу мамлакат зартак азал,  
Бу мамлакат бир титроқ,  
Қайинлари қиэдай гўзал,  
Қиэлари қайнадай оқ.

Далаларда қорайган бир  
Усмир эдим, ёронлар.  
Ўзга юртда дилга тақдир  
Солди ажиг бўронлар.

Маринани кўрган куним  
Хушлар учди бошимдан.  
Мендан кечди жону таним,  
Маза кетди ошимдан.

Гоҳи чақин, ипакдай гоҳ  
Майин эди Марина.

Оқ қайнилар ичра танҳо  
Қайин эди Марина.

Ўзга юртда ўа дилимга  
Овчи бўлдим мен ўзим.  
Ўзим гувоҳ, ўз гулимга  
Совчи бўлдим мен ўзим.

Ишлар келса бароридан,  
Мадад бергай Оллоҳ ҳам.  
Ўзга юртнинг бозоридан  
Топилди бир мулло ҳам.

Бу мамлакат эртак азал,  
Бу мамлакат бир титроқ.  
Қайнилари қиздай гўзал,  
Қизлари қайниндай оқ.

Таровату чиройига  
Бойланди бор тоқатим.  
Бу диёрда ишқ-мухаббат  
Бўлди фақат овқатим.

Олтингдарё сочларига  
Сочдим олтин ғазаллар.  
Маринанинг лабларидан  
Ичдим фақат асаллар.

Унинг учун адo бўлдим,  
У-чи, менинг адойим.  
Туккис ою туккис кунда  
Ўнил берди Худойим.

Бу дунёда энди мену  
Сенга тараф йўқ, ўрлим.  
Кошу сочи қол-қораю  
Кўзлари кўм-кўк ўрлим.

Ўзга юртнинг қўширини  
Айтиш керак бир куни.  
Канча гўзал бўлмасин у,  
Кайтиш керак бир куни.

Оқ қайинлар чайқаларди,  
Оlam яшил, нофармон.  
Калдирочлар келган сахар  
Иўлга чикдик учовлон.

Бу мамлакат эртак азал,  
Бу мамлакат бир титроқ.  
Кайнинлари қиздай гўзал,  
Кизлари қайниндай оқ.

Бунда кўнглим япроқ ёэди,  
Яшнади гул баҳори.  
Алвидо, эй Ларисалар,  
Наташалар диёри!

Дарё бўлиб тўлдим сенда,  
Балки бошқа тўлмасман.  
Бир кун қайтиб келгум балки,  
Балки қайтиб келмасман.

Салом сизга, бир замонлар  
Шабнам ичган ерларим.  
Товонимда тафти колган  
Сўқмоқларим, қирларим.

Кириб келдик, бошимиздан  
Онам сочди тангалаар.  
Таомил деб, дойра чалди,  
Улан айтди янгалар.

Отам аввал аразлаб, сўнг  
Ағдардилар ҳўкиэни.  
Маълум килиб, ош бердилар  
Чакириб эл-улусни.

Кунлар шундай ўтаверди  
Сокин-сокин сойлардай.  
Ёрим менга ҳамдам эди  
Осмондаги ойлардай.

Аста-секин тил чиқарди  
Полапоним, полвоним.  
Колмаганди гўё менинг  
Хеч фамим, хеч армоним.

Бироқ не ҳол, суйганимнинг  
Бағрин бир күн хун кўрдим.  
Кўзларининг тубларида  
Ўқиб бўлмас мунг кўрдим.

Бунда кунлар зерикарли,  
Ҳаммаёқ тупроқ деди.  
Мен шахарга ўрганганман,  
Бул эса қишлоқ деди.

Бу дунёда бир мунгли куй,  
Бир ғамгин кўшиқ бўлдим.  
Нечун, дўстлар, ўзга юртнинг  
Қизига ошиқ бўлдим?

Кетди ёrim, бу савдони  
Тақдир деб йўйиб кетди.  
Уғлим кетди бирга, юрак  
Бағримни ўйиб кетди.

Кунлар шундай ўтаверди  
Сокин-сокин сойлардай.  
Ёrim мендан йироқ эди  
Осмондаги ойлардай.

Юпатгайман баъзан хомуш  
Бўлиб қолган онамни.  
Бир дардим бор лекин, айтсан  
Ёндиргайдир оламни.

Софигтиргай гоҳи-гоҳи,  
На тўйлар, на ўйинлар —  
Қизлар янглиғ сарвикомат,  
Қизлардай оқ қайнилар.

Баъзан эса тушларимга  
Кирап дўмбоқ, шўх ўғлим.  
Қошу сочи қоп-қораю  
Кўзлари кўм-кўк ўғлим.

1995

\* \* \*

Тахир бўлди мухаббатим мевалари,  
Губор ичра қолди яшил тепалари.  
Қаёнларга тарқаб кетди тевалари?  
Сарсондирман тополмайин карвонимни.

Дунё ҳазин, дунё ҳазин кўзларима,  
Одамлари ҳайрон ғамгин сўзларима.  
Боқиб алам из қолдирган юзларима,  
Ҳеч ким билмас дардимни ҳам дармонимни.

Шудринг эмас, тун ичра кўнгил йирлаган,  
Бир тун эмас, бу кўнгил минг йил йирлаган.  
Сингилларим сўйлашиб сел-сел йирлаган,  
Исми надир, билмайдирман, армонимни.

Уни гулу савсанлардан тиклагандим,  
Ҳаёллари равшанлардан тиклагандим.  
Ярқираган оҳанглардан тиклагандим,  
Мунг босдику чараклаган қўрғонимни.

Жимирилайди кўкда кузак юлдузлари,  
Зирқирайди кўксимда ишқ илдиzlари.  
Нола қилсан кечалари, кундузлари,  
Қайдин топгум кеттан давру давронимни?

Ё раб, нечун бағрим бунча тилкаладим?  
Лолаозорга айландику елкаларим.  
Елкаларим узра бўйлар укаларим,  
Аларга бер мен бой берган имконимни.

1991

\* \* \*

Эсиз, эпкинларинг, эсиб кетдими?  
Сендин шиква айлаб, безиб кетдими?  
Тошлилар дил қасрингни бузиб кетдими?  
Вайронам, ўзингни ўнглай олмайсан.

Дунё мунириаган бир ғаридир.  
Аввали, охири кўринмас куйдир.  
Сен ўзингни куйдир, мени ҳам куйдир,  
Куймасанг бу куйни тинглай олмайсан.

Тұнлар бүйнідеги ёқут маржоним,  
Ярми қоним бұлса, ярмиси жоним.  
Күйнімда тұлғонган гүзәл илоним,  
Сен буни хеч қачон англай олмайсан.

1990

## ДЕВОР

Үртамиәда ўсди девор, ўсди девор,  
Мени сендан, сени мендан түсди девор.  
Иккимиәда надир бўлди, сезди девор,  
Охир бизнинг кўнглимиәни бузди девор.

Сен деворга нолон күшдай урилгайсан,  
Йўл тополмай юлингайсан, куйингайсан.  
Билмам, яна қанча йиллар урингайсан,  
Ёлғизликнинг ёздиғини ёзи девор.

Бу деворга кор қилмагай хижронларинг,  
Юзинг юлиб, бўйнинг юлиб ҳам жонларинг,  
Гилам узра қондай сачрап маржонларинг,  
Қизил гулни шамшир бўлиб кесди девор.

Девор аён, қолган бари ниҳон кетди,  
Бизнинг кўнгил бу йўлларда ёмон кетди,  
Үртадаги гүзал парда қаён кетди?  
Үртадаги ипларни ҳам уэди девор.

Мисданмиди асли тилло узугимиз?  
Уй ўрнига девор берган тузумимиз.  
Кўксимиәда йиргаб ўтар узумимиз,  
Бул узумдан шарбат қилиб сузи девор.

Йирламагил, қўшигимиз девор бўлди,  
Бирга қурган әшигимиз девор бўлди,  
Орез эттан бешигимиз девор бўлди,  
Иккимиәни гиёҳ янглир эзи девор.

1990

## ПУШАЙМОН АЙВОНИДА

На айвондир пушаймоннинг айвони?  
Кўлдан кетган ёшлигингнинг жайрони.  
Гули гулмас, ифор сочмасрайхони,  
Бунда дарду оғриқларинг кайвони,  
На айвондир пушаймоннинг айвони?

Сен ичган ҳам ичмаган жом, сөгарлар,  
Булут янглиғ хотирангни сөгарлар,  
Ёмирлари юрагингга ёғарлар.  
Хазон тўшаб, хазон сочар ҳар ёни,  
На айвондир пушаймоннинг айвони?

Кўрганларинг қадр билмас ёрлардан,  
Онанг чеккан зорлардан, озорлардан.  
Сўрай десанг томидаги қорлардан,  
На томи бор, на-да бордир наровони,  
На айвондир пушаймоннинг айвони?

Ким кўргайдир хатоларин, ким кўрмас,  
Бу айвоннинг пештоқлари кун кўрмас.  
Қалдироchlар бунда ҳаргиз ин курмас,  
Иморатми ва ё кўнгил вайрони,  
На айвондир пушаймоннинг айвони?

2001

\* \* \*

Умр аста айланмоқда азиятга,  
Ёзганларим ўҳшаб борар насиҳатга.

Қай гўшага борсам ундан боқар дардим,  
Ўз онамнинг соchlарини оқартирдим.

Деворларни тирнаганда барги хазон,  
Нечун жисмим зирқирайди ўша замон?

Кўнгил, кўнгил, қай йўлларда тўкилдим мен?  
Сени охир ўз майлимга қул қилдим мен.

Нечук хирмон бўлди уйган бу хирмоним,  
На буғдойим аёндиру на сомоним?

Юлдузларга боксам совуқ ел келади,  
Юзларимдан шу он қайноқ сел келади.

Туттан янглиғ хору хаснинг уволлари  
Жой сўрайди мендан кузак шамоллари.

Лек мен ўзим қай ҳолда ва қайдадирман?  
Адирларда қолиб кеттган чайладирман.

Чайладан ҳам тушади-ку ойнинг нури,  
Не ҳолларга солдинг мени фалак ҳури!

1993

\* \* \*

Ой нурлари ёйилади сайҳонларга,  
Томлар оша ўтар сўнгра айвонларга.  
Айвонларда ниҳолдайин келинчаклар  
Нечун маъюс тикилади осмонларга?

Бу айвонлар кўз олдимдан кетмай қолди,  
Ойлар, йиллар тўхтаб, гўё ўтмай қолди.  
Кўнгил, сенинг гўзал додинг битмай қолди,  
Нечун бунча дўст бўлдинг сен армонларга?

Мен онамнинг тушларига кирган ўтил,  
Кўксим ичра аламларим шигил-ширил.  
Эй дунё, сен меҳру муруватинг қўйги,  
Йўргакладинг мени ҳажру ҳижронларга.

Ой нурлари ёйилади сайҳонларга,  
Томлар оша ўтар сўнгра айвонларга.  
Айвонларда ниҳолдайин келинчаклар  
Нечун маъюс тикилади осмонларга?

Канча раён хаёлларим пайхон бўлар,  
Сайҳонлар қир, қирлар текис сайҳон бўлар.  
Эй дил, бир кун теграларинг раён бўлар,  
Ишим бўлмас менинг ул кун раёнларга.

1992

## БОЙСУН ҚҰШИГІ

*Фарход Аъзамга*

Армонардан юрагимда дөглар-ей,  
Бу дөгларим мени буқун дөглар-ей.  
Мен баҳт әдим, мен баҳт әдим, баҳт әдим,  
Само айттил, қани үшал чөглар-ей?  
Армонардан юрагимда дөглар-ей,  
Бошим олиб кетай сизга тоғлар-ей.

Кимгаки ёр бўлдим — дилим оғриди,  
Оразулар хор бўлди — дилим оғриди.  
Кафтларимга қадалмоқда юлдузлар,  
Дўстлар, менинг қизил гулим бор әди.  
Армонардан юрагимда дөглар-ей,  
Бошим олиб кетай сизга тоғлар-ей.

Ошиқ бўлдим, қўшиқ бўлдим, ишқ бўлдим,  
Ишқим бирлан осмонларга хеш бўлдим.  
Нима бўлди бу дунёйи бечора,  
Мен минг бор ёз, минг боралар қиши бўлдим.  
Армонардан юрагимда дөглар-ей,  
Бошим олиб кетай сизга тоғлар-ей.

Кўзларми ё қаро қошлар азиэрек<sup>1</sup>  
Кулгуларми ё кўзёшлар азиэрек<sup>2</sup>  
Бу кўнглимни буюк тоғлар тушунгай,  
Менга буқун тоғу тошлар азиэрек.  
Армонардан юрагимда дөглар-ей,  
Бошим олиб кетай сизга тоғлар-ей.

1984

## АЙРИЛИҚ

Барҳаётман, демагил,  
Дунёга келган кунинг  
Илк бор чинқириб түккан  
Ёшингдадир айрилиқ.

Бир кун дарё сочларга  
Дарё бўлиб еттунг бор.  
Дарё ўтар, ўн саккиз  
Ёшингдадир айрилиқ.

Мажнундай кетолмайсан,  
Бирор жонзот топилмас.  
Охулари йўқ тору  
Тошингдадир айрилиқ.

Иигитликнинг шомида  
Ногоҳ англаб колурсан:  
Ичган ҳар қултум сувинг,  
Ошингдадир айрилиқ.

Шунинг учун бардам бўл,  
Умринг — эҳсондир. Чунки  
Азалдан осмон каби  
Бошингдадир айрилиқ.

1988

## ГУНГЛАР ТҮЙИДА

*Менинг оқ атиргулим,  
Чиқиб келгил уйингдан.*

(Ўша тўйда айтилган қўшиқдан).

Ҳеч ким чақирмади мени.  
Мен ўзим келдим,  
Гувоҳ бўлмоқ учун тилсиз тақдирга.  
Келиннинг онаси — қартайган ҳасрат,  
Суяниб ўтирас эди тандирга.

Бунда ҳамма тинмай тапирад эди,  
Ким иш буюарди, лоф сотарди ким.  
Шакаргүфтор эди диёнбегилар.  
Келиннинг онаси ўтиради жим.  
Бунда ҳамма нарса чинқирад эди,  
Учоқлар, пичоқлар бари — чинқирик.  
Чинқириб ётарди сўйилган қўйлар,  
Козонлар қайнарди чатнаб, чинқириб.  
Куёв турад эди айбдордай абгор,  
Бийрон жўраларнинг куршовида гунг.  
Унинг кўэларида чинқирад эди  
Гўёлар тушуниб етмайдиган мунг.  
Бу қандай қисматким, кўрмасараво  
Мехро такалумин ёрига ёрнинг?  
Торларинг юлинсин, бераҳм рубоб!  
Тошибир чилдирма, ёрлесин қорнинг!  
Сўнгра чиқиб келди ул оқ атиргул,  
Атиргулларин ҳам билмай, эшитмай,  
Ҳеч кимга қарамай, энг аввал бир зум  
Онасига боқди тўхтаб эшикда.  
«Қизим!» деб бўйнига осилди ҳасрат.  
Атиргул титгради қўллари хино.  
Сен бу оқ хаёлнинг тилсиэ дардини  
Англаб етармидинг, сўзфуруш дунё!  
Уша тун ҳофизлар хониш қылдилар,  
Ширинзабон қизлар айтдилар тилақ.  
Булар термилибон ўтирад эди,  
Булар ўтиради қўз билан тинглаб.  
Булар ўтиради қўз билан айтиб,  
Қўллар билан сўйлаб сеҳларини.  
Мен эса дилимда дағн этар эдим  
Севги ҳақидаги бор шеърларимни.

1988

\* \* \*

Яхши бўлди бу дунёда суйганларим,  
Кўрдим гоҳи мурувват ҳам ёрлигини.  
Яна билдим, севиб қўнгил қўйганларим  
Орасида шунчалар мард борлигини.

Яхши бўлди бу дунёда куйғанларим,  
Кўрдим гоҳи муҳаббат ҳам хорлигини.  
Яна билдим, севиб кўнгил қўйғанларим  
Орасида шунча номард борлигини.

2002

\* \* \*

Ақлу ҳушимни дилларга солдим,  
Лочин қушимни қўлларга солдим.

Миндим оловдай ишқ аргумоқин,  
Қирлардан оша чўлларга солдим.

Гоҳи фалак ҳам қилди карамлар,  
Отимни чўлдан гулларга солдим.

Қайта яралдим ёр ишвасидан,  
Ҳижрон уйини елларга солдим.

Бўйнимга олдим кокилларини,  
Занжирларини қўлларга солдим.

Савдоларини бошимга тушган  
Қилдан ҳам нозик белларга солдим.

Куй бўлди жоним, сув бўлди жоним,  
Мен ўзни бундоқ селларга солдим.

Бундан қолар сўнг овозаларни  
Иэимдан сўйлар тилларга солдим.

Бошдин оёқ бир йўл бўлди умрим,  
То бу кўнгилни йўлларга солдим.

2002

## ОҚ ЁҚАЛАР

Ишим тушди сенинг оппоқ ёқачантга,  
Иил қанчага чўэйлдию ой қанчага?  
Фаслларни алмаштириб ранглар синди,  
Мен йирлаган майсаларга чанглар инди.

Талабалик йилларимдан қолган хаёл,  
Сен бир ниҳол, нозиккина бир нағниҳол.  
Мен соғиндим, қанча ёзу қишим учди,  
Сенинг оппок ёқачангта ишим тушди.

Ҳар тонг нағис капалақдай пайдо улар,  
Бир күрмасам, ўртанаңман: қайда улар?  
Ёқаларинг охир шайдо қилди мени,  
Талабалар ичра гадо қилди мени.

Менинг тоза, оқ, муаттар япроқларим,  
Оқ хаёлдай кечди дарсу сабоқларим.  
Ёқаларинг қандай гүзәл фунун бўлди,  
Дорилфунун менга дорилжуунун бўлди.

Фаслларга ранг алманиб синди ранглар,  
Мен йиглаган варакларга инди чанглар.  
Диллар кўрдим — мисли сувнинг лойқалари,  
Кўнгилларга йўлиқдим — кир ёқалари.

Гилосларнинг гулларидай оқ мухаббат,  
Ёшлигимнинг тонгларидай пок мухаббат,  
Кўлдан роғим, қўлларимдан қушим учди,  
Яна оппок ёқачангта ишим тушди.

2002

## ҚИРҚ БАҲОР РИВОЯТИ

Кўна дўстларингдай кўкда ой, куёш,  
Кирқ ёш, соғинчмидинг ва ёким бардош?  
Ярми иссиқ, ярми совуб қолган ош,  
Сойми, соҳилми ё сайхонми, кирқ ёш?  
Бари бир-бирига ҳайронми, кирқ ёш?

Сен тонг деб куттанинг шом чиққандайин,  
Ўрган арпаларинг хом чиққандайин,  
Ҳам тинган ёмғири ҳам чакиндайин,  
Ранги сал униқкан кўйлагим, кирқ ёш,  
Эрта нелар дея ўйлагум, кирқ ёш?

Ярми оқ, ярмиси зангор тепалик,  
Унда гулхан ёнар, ёни — капалик.  
Бир йўлчи отланар — қундуз телпаклик,  
Бир тунда зор-маҳзун бўлганим, қирқ ёш,  
Кирларда қолганим — гулханим, қирқ ёш.

Изҳор дейинмикин ва ё изтироб,  
Севинчми, саодат, севгими, сароб?  
Ярим кўнглим обод, ярмиси хароб,  
Яшил ҳам заъфарон кўкламим, қирқ ёш,  
Ичи тула хижрон тўпламим, қирқ ёш.

Бу — бир кенг сахрова қолган пайтдайин,  
Армон, күшларингта не деб айтайнин?  
Олдга юрайми ё ортта қайтайин?  
Менинг висолим ҳам фирогим, қирқ ёш,  
Шабнамга гарқ бўлган қарорим, қирқ ёш.

1999

## ҚЎКСИМДАГИ ЗАНГОРЛАРИМ

(Ҳазрат Яссавийдан бир сатр)

Тонглар кетди, кунларимдан тонглар кетди,  
Кеттан тонглар йилларимни онлар этди.  
Бир жонимни севгим юз минг жонлар этди,  
Кўнглим, сенинг давлатингдан шонлар кетди.  
Бу муттасил меҳнатларим битармукин,  
«Қўксумдаги зангорларим кетармукин?»

Қўзёшимдан майса бўлган бўйроларим,  
Шомларимда жимирилаган Эухооларим,  
Кеэзган ерлар, адирларим, сахооларим,  
Эшигимга чайқалибон дайроларим  
Келса, бул ҳам фиронимга етармукин,  
Қўксумдаги зангорларим кетармукин?

Сўйкансанг гар юз йил кўэу қошинг билан,  
Уринсанг, ёр, юз йил қулда тошинг билан,  
Сўнгра силаб мижгонларинг, сочинг билан,  
Яна юз йил ювиб ўтсанг ёшинг билан,  
Тадбирларинг дардимга кор этармукин,  
Кўксумдаги зангорларим кетармукин?

Уч минг йиллик чинор яна куртаклади,  
Эрта-индин яшил куйга буркалади,  
Охуларим — тогларимнинг журкаклари  
Кечалари таним ҳидлаб суркалади,  
Уларнинг ҳам дунёлари хатармукин,  
Кўксумдаги зангорларим кетармукин?

Бу дунёда ёр изладим дилга лойик,  
Бу дил энди елга лойик, селга лойик.  
Нур тараттан соchlарини ёйиб-ёйиб,  
Бошим узра йирлаб турса минг малойик,  
Аламларим булултлардай ўтармукин,  
Кўксумдаги зангорларим кетармукин?

1990

## МУҲАББАТ КОШОНАСИ

Муҳаббатни ташлаб кетманг боғларга,  
Эрмак бўлар, хор бўлар у зоғларга.

Азал гўзал нишонаси бир гулдир,  
Муҳаббатнинг кошонаси кўнгилдир.

Марвариддай асраб юрса қиз уни,  
Хазонларга ташлаб кетманг сиз уни.

Ҳаволардан танлаб Момо Ҳаволар  
Юборгандир тонгда боди саболар.

Шабнамлардан олмиш рангу атрини,  
Пайпокларга тенг этмангиз қадрини.

Азал ифор эшиклари бор ҳаёт,  
Асал, бедор бешиклари бор ҳаёт.

Диллар кейин етишмагай дилларга,  
Мұхаббатни ташлаб кетманг йилларга.

Күнгіл шу деб күз очур ҳам күз юмур,  
Бутун умр, бори умр, бир умр.

Күксингизда олиб үтинг доғларни,  
Мұхаббатта ташлаб кетинг бояларни.

2002

## ЛАЙЛАКҚОР ВА ОДАМЗОТ РИВОЯТИ

Жұмлайи оламга лайлакқор ёғар,  
Безиён, безахму беозор ёғар.

Ул ёғар оппок ұнкоят сингари,  
Одамизотдан ривоят сингари.

Ул ёғар шукру шарофатлар бўлиб,  
Ерга осмондан шафоатлар бўлиб.

Ул фараҳдар сингари ёғмоқдадир,  
Оқ ва рақлар сингари ёғмоқдадир.

Оқ алам ё оқ кадарлардирми бу?  
Одамизотдан хабарлардирми бу?

Бахтмидир, толемидир ё идбор?  
Айрилиқдирми ва ёким дийдор?

Ул ёғар шавкатлару шонлар каби,  
Ору номус, тоза имонлар каби.

Хайру хайрият мисол ёғмоқдадир,  
Оразую ният мисол ёғмоқдадир.

Кимнинг умри ёки субху шомидир?  
Үттан инсонларнинг исму номидир.

Ул ёғар пок хотиротлар сингари,  
Севгию севинччу ёдлар сингари.

Күнгли кемтикларга бир овунчмидир  
Ё тасалли бергучи соринчмидир?

Көр ёғар, файзу фароғатлар ёғар,  
Хам фасоҳат, хам нафосатлар ёғар.

Илтижолар, аҳду паймонармидир?  
Е висол, ёинки ҳижронлармидир?

Эй самовий хат, эй зеру забар,  
Менга ёшлиқ оламидан бер хабар.

Не битик бор менга қисмат килкидан?  
Муждалар бергил мухаббат мулкидан.

Айланиб хам чирманиб ёғмоқдадир,  
Эврилиб хам эмраниб ёғмоқдадир.

Жумла риндлар, жумла хайёмлар каби,  
Ул ёғар ўткинчи айёмлар каби.

Беомон рафторидан ҳайрон бўлиб,  
Бекалом гуфторидан гирён бўлиб,

Дилга бундин сирру асрор айлабон,  
Қўхна бир ташбеҳни такрор айлабон,

Ёду хотир юртига қилдим сафар,  
Жумлайи оламга мен солдим назар.

Жумла олам бори лак-лак хонадир,  
Қанчалар лайлакка лайлакхонадир.

Борми, йўқми мақсаду маслаклари,  
Кеб кетарди оқу оқ лайлаклари.

Бирларидан қолмайин жоҳу жаҳон,  
Бирларидан бўлмайин ному нишон,

Бирлари ё бир дараҳт ўтқизмайин,  
Бирлари бир коса сув тутқизмайин,

Бирларидан боғлар ёдгор қолиб,  
Бирларидан доғлар, озор қолиб,

Бирлари бир дилга кўприк солмайин,  
Бирлари бир дилдан овриқ олмайин,

Бирлари куз, бирлари фасли баҳор,  
Бирлари тўқ, бирлари очу наҳор,

Талхми ё шириинми ё тақдирлари,  
Бирлари келса, кетарди бирлари.

Мен бу қатновга қараб ғамлар билан,  
Кўз ва дил баргида шабнамлар билан,

Ботининг ҳам зохирингни ўйладим,  
Аввалинг ҳам охирингни ўйладим.

Келдингу қайдин, кетурсан қай томон?  
Қайда манзил сенга ҳам қайда макон?

Қайда тўрвант, қайда қолгай кашкулинг?  
Ўйладингми, қайда биттай мушкулинг?

Турлидир гар рамзу рафторинг сенинг,  
Ўйладингми, қайда асроринг сенинг?

Қайда сендан қолди бир сўқмок йўл?  
Қайда шодлик қолди сендан ё малул?

Ўз саволингга жавобинг қайдадир?  
Ҳам гунохинг, ҳам савобинг қайдадир?

Қайсиdir тўйингу қайси мотаминг,  
Ўйладингми, ўйладингми, одами?

Гарчи зурёдинг сенинг лак-лак эрур,  
Бор-йўринг бир кеб кетар лайлак эрур.

Яъниким, онийлигингни бил ўзинг,  
Кордайн фонийлигингни бил ўзинг.

Кўз очиб юмгунча умринг ўтгуси,  
Булбулинг, сайроқи қумринг ўтгуси.

Ҳар даминг Ҳакдин иборат айлагил,  
Яхшиликлардин иморат айлагил.

Бир-билингга бир-билингдан зорлар  
Ўрнида қосин факат гулэорлар.

Ўз дилингда доғларинг қосин сенинг,  
Эзгуликдан боғларинг қосин сенинг.

...Кор ёғар, файзу фароғатлар ёғар,  
Ҳам нағосат, ҳам фасоҳатлар ёғар.

Мен бу қордан қанча хислат англадим,  
Қанча панду қанча ҳикмат тингладим.

Бегараз бесўзу bemиннат бўлиб,  
Жумлайи оламга оқ зийнат бўлиб,

Ул ёварди мисли оқ парвоналар,  
Сўйлабон оламга оқ афсоналар.

Ўйламанг: мен йўқдин бор айладим,  
Асли бор гапларни такрор айладим.

Ўйламанг ҳам бир вазият деб буни,  
Панду ҳикмат ё насиҳат деб буни.

Мен насиҳатнинг ўзим мухтожиман,  
Панду ҳикматнинг ўзим мухтожиман.

Кўхна бу чархнинг гурунги гаплари  
Аслида айтиб бўлингандир бари.

Бўйла даркор сўз такрор бўлгуси,  
Бўлса ҳам такрор даркор бўлгуси.

Мен бу важх ўз мушкулимдан сўйладим,  
Шикваю шархи дилимдан сўйладим.

Ҳар бирингиз ҳар хилу ҳар накшлир,  
Ҳар бирингизга тилай мен яхшилир.

Яшнатингу яшнангу озод бўлинг,  
Элу юртингиз ила обод бўлинг.

Қордайин оппоқ тилаклар бирла сиз,  
Оқ умидлар, пок юраклар бирла сиз,

Юз очингиз ёруғ истиқболга,  
Ёр бўлингиз баҳт ила иқболга.

Гулласин деб умрингизнинг ҳар куни,  
Мен, Сироҳиддин Сайид, айтдим буни.

1998

C

үзүүлүү



## ТО НАВОЙ БОР...

Биз Навоий борининг боғбонимиз,  
Боғбондирмиз, vale мезбонимиз.

Бул — «Насойим ул муҳаббат» боғидир,  
Беш асрким биз унинг ҳайронимиз.

Қанча меҳмон ўтди, лек мезбон ўшал,  
Барча меҳмон ичра биз нодонимиз.

Мир Низомиддин Алишер, яъниким  
Сўз аро осмонимиз, уммонимиз.

Тил — «Ҳазойин ул маоний»дан келур,  
Бошланур шундан адаб карвонимиз.

Паст эрурмиз билмасак ул зотни гар,  
Қанча юксалган билан қўргонимиз.

Не хавотир ичра эл шоирлари,  
Гар савол этгай букун сultonимиз.

То Навоий бор — муҳаббат дилдадир,  
Сўлмагай ҳаргиз кўнгил бўстонимиз.

Шул исмдан юрт аро юз минг умид,  
Шул исмдан нурланур давронимиз.

Қадр этайлик нону туздай ҳар сўзин,  
То ризо бўлгай улут мезбонимиз.

2002



Ўрта мактаб. 8-синг.  
1972 йил.



Талабаликнинг биринчи йили. 1975 йил.



Талабаликнинг сўнгги йили.  
1979 йил.



«Тошкент оқшоми»да. 1986 йил.



Ёшлик. Рассом  
Одил Бобоҷон  
чиған сурат.  
1982 йил.



«Оқшом»да кечган оқшомлар.  
1986 йил. Мұхаммад Юсуф:  
*Шундай кунда ноз қилиб  
Қарамаса бизларга,  
Атиргулга мурч сепиб  
Улашамиз қизларга.*



«Бу шеърлар янграган уйлар чиронида Ватан бўлгай». Устоз Абдулла Орипов хузурида. 2003 йил.



Домла Озод Шарафиддинов билан. 1988 йил.



Ёш ижодкорларнинг Зомин семинарида. 2002 йил.



Полвон ва полвончалар. Истроил полвон хонадонида.  
Карши 2001 йил.



«Каратэ бу — қараб төпгин деганидир».  
Ўзбекистон Каратэ Миллий Федерацияси  
раиси Нурхон Нафасов билан. 2002 йил.



Қадрдан мактабдаги учрашув. 2004 йил.



«Панохингта ол Худо ёлғизгина онамни». 1999 йил.



Бобо қирларда. 2005 йил.





**Асал қызим Нигина. 2005 йил.**

## СҮЭ ЙÜЛИ

Зим-зиё кечалар — сиёхдонларим,  
Сомоним қайдаю қайда донларим?

Яшил адирларим тепа бўлдилар,  
Кирларим энкайиб капа бўлдилар.

Кутиб қолаверди мени туш қўриб  
Бир лойшувоқ уй ҳам бир ёроч сўри.

Ўриклар баҳорда гулин тўккандай,  
Утиналар ўчоқда кулин тўккандай,

Мен шундай тўкилиб, олислаб кетдим,  
Бир сўз айтмолмайин сўз излаб кетдим.

Бунда — бир муштипар, бир ғариф тандир,  
Менинг ҳаётимга тополмай тадбир,

Қараб қолаверди йўлларимга зор,  
Изимда синглимнинг кирқ баҳори бор!

Оlamда энг оғир — Сўзнинг йўлидир,  
Бу — тўкилиш йўли, кузнинг йўлидир.

Бу йўлда не ранжким кўрмиш жонларим,  
Энг аввал тортмишлар қадрдонларим.

Бориб бағрим очай тандир қўрига,  
Бошим қўйиб йирлай ёроч сўрига.

Канча соғинчларни дилларим ичди,  
Бир шеър хижронида йилларим кечди...

2001

\* \* \*

Менинг шеърим нима?  
Калдирюч охи.  
Майсадек синглимнинг  
Шабнам нигохи.

Отам қуриб кеттан  
Үй синчларидир.  
Онамнинг кирқ йиллик  
Соринчларидир.

Канча бор дилимдан  
Кучар-да кетар.  
Калдирюч ҳам бир кун  
Учар-да кетар.

Шеърим балки севги  
Сатрларидир.  
Беор санамларнинг  
Атиrlаридир.

Баланд пошналарга  
Санчилган кабоб.  
Харир кўйлакларга  
Уралган сароб.

Она, бошим қўяй  
Изларингизга.  
Ажинлар экдим мен  
Юзларингизга.

Не топдим дунёдан  
Айтиб тарона?  
Сўэга ўғил бўлдим,  
Сиэга бегона.

Айтинг, бу лолазор  
Кирни не қиласай?  
Кўнгил — бу меҳросиз  
Ерни не қиласай?

Ёмғирли күнларда  
Сизга бир калиш,  
Патак бўлолмаган  
Шеърни не қилай?

2001

## ШОИР БЎЛАМАН ДЕБ КЕЛГАН БОЛАЛАР

Дашту далаларда унган лолалар,  
Яшил қирлардаги шабнам, жолалар.  
Тоғларда яралган соф шалолалар —  
Шоир бўламан деб келган болалар.

Оlamча аламни баҳт эттудайин,  
Гулу чечаклардан таҳт эттудайин,  
Дунёни шеър билан забт эттудайин,  
Шоир бўламан деб келган болалар.

Тиник булоқлардай пок бўлар бари,  
Орзулари мўлу йўқ хунарлари,  
Мовий осмонларнинг оқ турналари —  
Шоир бўламан деб келган болалар.

Шарқираб оккувчи тоза ирмоклар,  
Ҳали гард қўнмаган майса, япроқлар,  
Ун етти, ўн саккиз ёшли чақмоклар —  
Шоир бўламан деб келган болалар.

Гўё ёлқинланган олов уюрлар,  
Оҳ улар бегараз, бекин куюрлар,  
Гулдайин қизларни танлаб суюрлар  
Шоир бўламан деб келган болалар.

Кейин йиллар ўтар варақлар бўлиб,  
Бир дараҳтдан кўчган япроқлар бўлиб,  
Кеттайлар ҳар ёнга тўэғиб, тарқалиб,  
Шоир бўламан деб келган болалар.

Энди синовларин бошлагай ҳаёт,  
Энди тоблангуси бардош ва сабот,

Абдулла Орифни ёд билган авлод,  
Шоир бўламан деб келган болалар.

Неки бор, қисматнинг ҳукмига кўра  
Рўй берар: бирлари амалдор, тўра,  
Бирлари ҳали ҳам пишмаган ғўра,  
Шоир бўламан деб келган болалар.

Бирларин кўксига ин қуриб ҳасад,  
Кўнгил гунчаларин сўлдирап агад.  
Юз жилд севинч эди, эх, юз жилд ҳайрат,  
Шоир бўламан деб келган болалар!

Бирлари бек бўлиб майхоналарга,  
Яна ҳайрон боқар ҳайроналарга,  
Айлансалар экан тароналарга,  
Шоир бўламан деб келган болалар.

Менинг бу ҳаётдан кўпdir қарэларим,  
Узим не йўқотиб, нени асрадим?  
Эсиз, сиз-ла кечган гулгун пайтларим,  
Шоир бўламан деб келган болалар.

Ҳар бир сатр узра алвидо айта,  
Дафтар очгандингиз у ёшлик пайтда.  
У шараф қайда, у шеърият қайда,  
Шоир бўламан деб келган болалар?

Шунча соф жилғадан исмсиз, изсиз,  
Қолмиш йиллар ўтиб бир ё иккиси,  
Қани у чаманзор кунларнинг иси,  
Шоир бўламан деб келган болалар?

Фалак айланади ҳам давру замон,  
Тақдир саралайди бизни беомон.  
Шеъру қўшиқларсиз қолмагай жаҳон,  
Шоир бўламан деб келган болалар.

Бир тонг поездлардан тушар кўп гуллар,  
Жилғалар, гиёҳлар, насимлар, еллар,  
Уларни асрагил, эй тақдир, улар —  
Шоир бўламан деб келган болалар.

## ЭХТИРОМ

Жаҳон бўлмас муҳорибсиз,  
замон бўлмас муҳолифсиз,  
Яшаб бўлмас бу дунёда  
вале шеъру маорифсиз,  
Ким айтур энди яйрабсиз,  
ким айтур энди ҳорибсиз,  
Ҳамон Абдулла Орифсиз,  
ҳамон Абдулла Орифсиз.

Туманлар, барча ёмғирлар,  
fasllar suҳbatи ichra,  
Жунунлар, изтироблар ҳам  
асрлар suҳbatи ichra,  
Қасрлар ҳайъати ichra,  
вазирлар suҳbatи ichra  
Аён Абдулла Орифсиз,  
ҳамон Абдулла Орифсиз.

Бу йўллардан неча устоз,  
неча соҳибкалом ўтган,  
Улут Шайхзода ҳам Ойбек,  
улут Faфур Fuлом ўтган,  
Уларнинг ному ёдин ҳам  
баётин бардавом эттан,  
Нишон Абдулла Орифсиз,  
ҳамон Абдулла Орифсиз.

Ҳаволар, сарзаминаларда  
бу шеърий кайфият бордир,  
Ватан бордир Ватанда то  
бу янглиғ шеърият бордир.  
Бу янглиғ шеърият то бор.  
Ватанда қадрият бордир,  
Макон Абдулла Орифсиз,  
ҳамон Абдулла Орифсиз.

Тузумлар узра чакнаб,  
кўкда чакмоқларни сўндирган,  
Муҳит деворларига дил  
билин чечаклар ундириган,  
Кўмир дилларни куйдириган,  
темир йилларни синдириган  
Фирон Абдулла Орифсиз,  
хамон Абдулла Орифсиз.

Бу шеърлар янграган уйлар  
чириғида Ватан бўлгай,  
Уларни ёдлаган авлод  
сабоғида Ватан бўлгай,  
Дилу жону қабори ҳам  
қарорида Ватан бўлгай,  
Замон Абдулла Орифсиз,  
хамон Абдулла Орифсиз.

Улуг кунлар баҳорида,  
тирикликнинг наҳорида,  
Улуг эл бирла дардлашган  
улур зотлар қаторида,  
Жаҳон ахлига юз туттган  
бу ўзбеклар диёрида  
Жаҳон Абдулла Орифсиз,  
хамон Абдулла Орифсиз.

2001

## ВОЗНЕСЕНСКИЙ БИЛАН УЧРАШУВ

Фасллар умумлашди,  
Қайдা ғам? Қайдা севинч?  
Ун уч йил ўтиб кетди,  
Андрей Андреевич!

Радиони титтандай  
Роботлар мени титди.  
Андрей Андреевич,  
Ун уч йил ўтиб кетди.

Үн уч чинқириқ, үн уч  
Фарёд, үн уч самолёт.  
Туну кун гувлаб ёттан  
Аэропортдир хотирот.

Етмиш бешинчи йил. Киши.  
Тунлар узун, беохир.  
Шеърингизни тушунмоқ  
Сапроматдан ҳам оғир.

Менга у пайт керакди  
Озроқ пул, озроқ меҳр.  
Қарс этиб синди орзу,  
Тошдай қаттиқ эди шеър!

Паргорнинг игнасидаӣ  
Санчилиди тилга сатр.  
Шеърият — қурбонликдир,  
Шоирлик — мангуб сабр.

Сизнинг «Аксилдунёлар»  
Дунёлар бўлди асиљ.  
Андрей Андреевич,  
Учиб кетди үн уч йил!

Мана, Москва. Мени  
Қучар мармар соҳиллар.  
Бир-бирига ўхшайди  
Сувлар, кўприклар, йиллар.

Үн уч оқ тулпоримга  
Яна ташбех излайман:  
Останкино минорини  
Үндөв белгиси янглиғ  
Илларга қўйсам дейман!

1988

\* \* \*

Шеърият, сен абадий  
Ранжу озор йўлимсан.  
Дарду хижрон даштида  
Узатилган қўлимсан.

Тиниқ осмон чоримдан  
Сўкилдим чок-чокимдан.  
Ҳам севинч, ҳам охимдан  
Яралган оқ гулимсан.

Вомиқ Уэро фирони,  
Лайли Мажнун армони.  
Не кўнгиллар ҳазони,  
Сен барибир сўлимсан.

Яссавийдек қадимиј,  
Насимијнинг насими,  
Гоҳ Машраб, гоҳ Ҳазиний,  
Гоҳи Махтумкулимсан.

Үтди шоҳлар, вазирлар,  
Номсиз кетди нозирлар.  
Колди Усмон Носирлар,  
Сен — барҳаёт ўлимсан!

Мен бор-йўғи бир товуш,  
Турибман абгор, хомуш.  
Сен менга балки бир туш,  
Балки олов, кулимсан.

1994

## ШЕЪРИЯТ

Бунчалар улугсан,  
Оддий шеърият.  
Сен илохийсан, биз  
Моддий, шеърият.

Сен — мұхаббат күшки,  
Ишқнинг айвони.  
Кўнгил билан руҳининг  
Мовий осмони.

Сен — безавол гулшан,  
Мангу яшил бор.  
Қанча шоир ўтди  
Юраклари дөғ.

Улар олам юзин  
Ҳайрон этдилар.  
Кўнгил қони бирлан  
Алвон этдилар.

Кўкларни тўлдирган  
Оҳларга қуллук.  
Навоийни суйган  
Шоҳларга қуллук.

Токи бу чаманзор  
Гулдир, райхондир.  
Қанча Бобурларинг  
Барги хаzonдир.

Куиди, куяверди  
Юлдузлар куиди.  
Усмон Носир кетди,  
Гул сўзлар куиди.

Яшаб юрибдику  
Қанча мурдорлар.  
Кетди Шавкат Раҳмон,  
Аскад Мухторлар.

Бир элнинг кўзини  
Ёшлади кетди.  
Мухаммад Юсуф ҳам  
Ташлади кетди.

Бу шеърни ёзмокка  
Бормади қўлим,  
Эй сен, гўзал ҳаёт,  
Эй гўзал ўлим!

Юлдузлардан келар  
Дил уришлари.  
Тингланг, бу дунёning  
Сўзфурушлари:

Ким сўз деб нафсига  
Нон берар фақат.  
Ҳақиқий шоирлар  
Жон берар фақат.

2001

## МАРСИЯ

Мухаммад Юсуф...  
Мухаммад Юсуф...  
Лабимда қолди  
Таронам менинг.  
Ҳавода қолди  
Қўлим гул узиб.  
Энди керакмас  
Баҳонам менинг.

Бунчалар қалин  
Дунёning пўсти.  
Буғдойдай хоксор  
Бир шоир ўсили.  
Ногоҳ бир хабар  
Тонгимни тўсили.

Титради олам,  
Инглади онам:  
— Боламнинг дўсти...  
— Боламнинг дўсти...

Сенми, шеърият,  
Сенми жон қадар!  
Дилдаги сўнгти  
Томчи қон қадар.  
Тупроқдай азиҳ  
Ҳам осмон қадар.  
Кўкни ўша кун  
Қалдириҷ босди  
Хоразмдан то  
Андижон қадар.

Ҳаёт — гоҳ бир баҳт,  
Бир омадгача.  
Ё мингта номард  
Ё бир мардгача.  
Тошкентдан токи  
Марҳаматтacha,  
Кета кеттунча,  
Қиёматтacha —  
Тераклар, толлар  
Қолди бўй чўэиб,  
Мухаммад Юсуф...  
Мухаммад Юсуф...

Куйлари қолди  
Тоғу тошида,  
Үйлари қолди  
Ой, қуёшида,  
Булоқ бошида,  
Хирмон бошида,  
Ўзбекнинг қора  
Кўзу қошида.  
Бир шоир кетди,  
Бир шоир ўтди

Бобур ёшида,  
Бобур ёшида.

Эй булбулларга  
Куй-ғазал, Ватан.  
Сен — абад Ватан,  
Сен — азал Ватан.  
Ким сендан юлди,  
Ким — ўсал, Ватан.  
Гул, асал Ватан,  
Сен юксал, Ватан,  
Сен юксал, Ватан,  
Үйлади боланг,  
Куйлади боланг,  
Эй, гүзәл Ватан!  
Эй, гүзәл Ватан!

Биз уни — ёшу —  
Тупрокқа күйдик.  
Тупрокни кошу  
Қабоққа күйдик.  
Тушми, деб аввал  
Рүёга йүйдик.  
Үзи сүйган шу  
Тупрокқа күйдик  
Сүнгги сабр бу,  
Сүнгти сафар бу —  
Күпрокқа күйдик,  
Күпрокқа күйдик.

Чирқираб құнмай  
Маконларига —  
Отадин ёдгор  
Айвонларига.  
Сингиллари ҳам  
Райхонларига.  
Армоналарига,  
Хижронларига —  
Күшиб жүнатди

Рух, жонларига.  
Олиб кетдилар  
Калдиричлари  
Осмонларига,  
Осмонларига.

Айланар чархнинг  
Чархпалаклари,  
Алмашиб рангу  
Камалаклари.  
Қолди она уй  
Сумалаклари,  
Мажнунтолларнинг  
Жамалаклари.  
Нозима қолди,  
Мадина қолди —  
Капалаклари,  
Хандалаклари.

Дўсту ёр йўли  
Доим йироғдир.  
Гоҳи дийдору  
Гоҳи фироғдир.  
Дилбандларига  
Ватан қароғдир.  
Чин фарзандлар ҳам  
Учмас чироғдир.  
Ҳозир ҳам балки  
Жим ўйлаётир.  
Юртига шаъну  
Шавкатлар ёғдир,  
Ё. қодир Олмоҳ  
Тупрокларига  
Рахматлар ёғдир,  
Рахматлар ёғдир.

2001, август

## БҮЮК ШОИРЛАР

### *Хази*

Буюк шоир бўлмоқ бу не жазодир?  
Афзалмасми тирик юрган чумоли?  
Лутфий бобо, Мир Алишер ва Бобур  
Жавонларда туришибди қамалиб.

Боқаверсанг тириклик наҳоридан,  
Фунчаларнинг очилмоги бир зебо.  
Маймуналару бойкушлар дийдоридан  
Бебахоадир бунда Гулханий бобо.

Фурқат чекар айрилиқдан оҳ-фиғон,  
Ҳануз айро қисматлари умумий:  
Мавлоно деб сийласалар-да, ҳамон  
Муқимгина бўлиб яшар Муқимиј.

Мўлтирайди бечора Усмон Носир,  
Чўлпон кўрмас кўкдаги чўлпонларни.  
Барчалари зиндандан чиқиб охир  
Банд этмишлар шу тигиз жавонларни.

Нелар кўрди Ойбек ёруғ жаҳондан?  
Бунда ҳам у ўз сукути, ўйида.  
Faфур Фулом чиқиб кетиб жавондан,  
Сайр этолмас анҳорларнинг бўйида.

Нима керак сенга бундоқ буюклиқ,  
Қалам тафтин сезмаса гар барморинг?  
Қандай яхши шон-шуҳратсиз тириклиқ,  
Ялло қилиб шеърлар ёзиб юрмогинг!

1998

## КЕТИШ ҚҰШИГІ

Тоғлар қаён, сувлар қаён?  
Кетмоқдалар, кетмоқдалар?  
Боглар қаён, гүвлаб қаён  
Кетмоқдалар, кетмоқдалар?

Гир айланар чархи фалак,  
Қанча куну тунлар ҳалак,  
Ранг олмайин илк ҳандалак,  
Ёзлар қаён, куалар қаён  
Кетмоқдалар, кетмоқдалар?

Кимларни дир армонлари  
Шафакларнинг алвонлари.  
Булутларнинг карвонлари  
Бўёлаб қаён, бўёлаб қаён  
Кетмоқдалар, кетмоқдалар?

Иллар кетарлар зорланиб,  
Диллар қолар озорланиб,  
Гоҳ қорайиб, гоҳ қорланиб  
Юзлар қаён, юзлар қаён  
Кетмоқдалар, кетмоқдалар?

Мижгонларнингда минг фирон,  
Колгайму ҳуснингдин нишон?  
Эй зори жон, эй, ёрижон,  
Зулфлар қаён, кўзлар қаён  
Кетмоқдалар, кетмоқдалар?

Очгил кўзинг, эй одами,  
Умри равонинг ҳар дами,  
Кўпі қани? Ози қани?  
Излар қаён, излар қаён  
Кетмоқдалар, кетмоқдалар?

Охир шукр қил борига,  
Рағбатлари, рафтoriga,

Бегоналар қай сорига,  
Дүстлар қаён, дүстлар қаён  
Кетмоқдалар, кетмоқдалар?

Дил қонидан чоирлари,  
Үтгай замин шоирлари.  
Күрнмайин охирлари  
Сүзлар қаён, сүзлар қаён  
Кетмоқдалар, кетмоқдалар?

1998

## ТАБИАТ

(*бөлаларға*)

Меванинг ширини бола бўлади,  
Бола бўлмаса гар нола бўлади.

Корамол аслида коп-кора эмас,  
Ярми кора, ярми ола бўлади.

Ёз кузга сингилдир, куз қишига амма,  
Қиш эса баҳорга хола бўлади.

Баҳор ерга берган ҳар томчи ёмрир  
Ё равоч бўлар, ё лола бўлади.

Буларнинг барчаси тириклик, бунга  
Шоирнинг юраги вола бўлади.

Шоир юрагидан ер қилса агар,  
Минг биттага ҳўкизга дала бўлади.

1995

## БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ВА ШЕЪР

Бир шабнамга зор бўлиб турган пайтинг  
Ёмғир бўлиб қирларингга ёғайми?  
Бисотимда бор-йўғи бир қоп байтим,  
Тўрт килоча қофиям бор, оғайнини.

Таъм бермас балки кечки шўрвангга,  
Гоза, тиниқ сатрлардан ўрайми?  
Ёки ғариб, шалвираган тўрвангга  
Ярим кило тўртлик солиб берайми?

Шоир яшар дард ютиб, юлдуз қусиб,  
Ҳосил олмоқ учун бир бет, ярим бет.  
Гунчадайнин сўзларимдан сен узиб,  
Атиргулдай қушиқлардан харид эт.

Ҳеч ким хор ўлмаган ҳали оч қолиб,  
Чорласалар олтин, зангор соҳиллар.  
Менга ҳам унча хуш эмас, бош қолиб,  
Корин билан ўйласалар шоирлар.

Дўконим борми ё йўқми — қарамай,  
Тонг еллари сўраб келса ҳолимни.  
Ўз кўнглимни қоғозларга ўрамай,  
Шамолларга ҳадя эттум молимни.

Қашқарбалдоқлардай тўрт ташбехим бор,  
Билагузук янглиғ беш-олти разал.  
Ошу нондан иборат эмас рўзғор,  
Бул ҳақда ҳам топиб берай кўп масал.

Ажабланди аввал у мен хастадан,  
У ён боқди, бу ёнга солди назар.  
Аста ўтиб сўнгра қўшни растандан  
Икки кило гўнгит об кетди, баччагар!

1997

## ИСТАСАНГ

Истасанг зүр бүлгин.  
Менга нима ғам,  
Мен — кеча қүйнида қолган бир чирок.  
Йүлиңгэ қүз тикиб сарғайди онам,  
Райхондай синглимни күйдирди фирок.

Сендан бир ишора, бир имо басдир,  
Арикдаги сув ҳам айланар зарга.  
Дунёң бощдин оёқ тайру ғараздир,  
Мен шеърлар ўқибман бу энагарга!

Умримни жиэғанак эттан қайруни  
Үйласам, зирқирар манов ерларим.  
Үз кулимга күмдим яшил орзуни,  
Барги хазонимга ўхшар шеърларим.

Надир бу күнгилнинг майлу матлаби?  
Кўринмас кўнгил ҳам, гул ҳам кўзимга.  
Рости гап, бир дўстим айттани каби  
Менинг шоирлигим бир пул ўзимга!

Сен қасрлар қургин. Бойвучаларинг  
Яшасин тегрангда хушхол, мастона.  
Хипча белларига камарлар таққин,  
Бергил ҳар бирига битта кошона.

Шоирлик шухрату шонидан кечдим,  
Нечун энди менга бу байту ғазал?  
Мен шайтон қўлидан шароблар ичдим,  
Мен ҳурлар тилидан сипқордим асал.

Сира ўзгармади бу кўхна олам,  
Эсиз, увол бўлди покиза меҳрим.  
Мен шоир эмасман, ростини айтсан,  
Сариқ чақага ҳам арзимас шеърим!

## ШАМ

### *Шафоат Радматулло Термизийга*

Менинг мухаббатим — тупроғимдадир,  
Тупроқ кўчмас бўлур, мен ҳам кўчмайман.  
Бир жуфт қалдирғочим қароғимдадир,  
Улар учиб юрар, мен-чи учмайман.

Асли мушкул ишга мен кўнгил қўйдим,  
Умримни гоҳ хаёл, гоҳ тушга йўйдим.  
Сўз ичра кўкариб, сўз ичра куйдим,  
Ўздан кечдим, лекин сўздан кечмайман.

Ёшлик ўтди кетди — ул оппоқ тулпор,  
Ўндан қирлар аро қолмиш оқ ғубор.  
Юзларинг лолага ўҳшарди, эй ёр,  
Гулгун шаробингдан энди ичмайман.

Гарчи хасдан баланд, касдан камдирман,  
Дўстим, сенга ёндош қувонч, ғамдирман.  
Термизий бободан қолган шамдирман,  
Минг йил пуфласанг ҳам асло ўчмайман.

2002

\* \* \*

Мен ўзбекнинг бир штатсиә шоириман,  
Шеър айтмоққа гоҳ нўнок, гоҳ моҳириман.  
Берсин дейман ҳар кимнинг ҳам толеини,  
Ҳаёт Зуҳро бўлса унинг Тоҳириман.

Мени қирдан топиб олган ул кун баҳор,  
Бу дунёда менинг бор-йўқ юким баҳор,  
Ҳовлингизга томингиздан тўккум баҳор,  
Мен гуллар ва шамолларнинг шофириман.

Ёмғирларда ивиган оқ күйлакларим,  
Тикилсангиз, күрингайдир юракларим.  
Бир лоланинг доги айтар даракларим.  
Улку пинҳон, мен-чи шунинг зохириман.

Дардим үшшар гоҳ қизим, гоҳ боламга ҳам,  
Айвони кенг, саҳни баланд оламга ҳам,  
Үшшар гоҳи ўйчан, ёлииз онамга ҳам,  
Ўз онамнинг мен паришон хотириман.

Иигитликми ва ё умр ҳазонида  
Тинчи бўлсин ҳар кимнинг ҳам маконида.  
Бу ҳаётнинг ғала-ғовур дўконида  
Бахтга навбат турганларнинг охириман.

1998

## МАСЛАҲАТ

Менинг шеърим кўнгилнинг қони,  
Лайли зори, Мажнун фиғони.  
Ёзганимни боялар ҳазони,  
Даштлардаги лола ўқисин.

Билмам ошиқ бўлдим қай куни,  
Унутдим сўз, гуфтор, кулгуни.  
Менинг шеърим бир бола, уни  
Бешикдаги бола ўқисин.

Ўйсам факат ўэ бағрим ўйдим,  
Бир кечада кўкардим, куйдим.  
Мушкул ишга мен кўнгил қўйдим,  
Ҳар бир кўнгли вола ўқисин.

Майса унса, вужудим оғирир,  
Гўёки у хокдир, тупроғдир.

Менинг шеърим баҳорги ёмғир,  
Найсонағи жола ўқисин.

Изҳор истаб пайваста қошлар,  
Ойлар күйиб, ботиб қуёшлар,  
Ой чекхалар узра ул сочлар  
Бўлиб тола-тола, ўқисин.

Юлдузларга тутиб юзимни,  
Қалам билан сўйдим ўзимни.  
Менинг шеърим, менинг сўзимни  
Диллардаги нола ўқисин.

1995

## COBFA

Дунёнинг ярмиси — нур ва зиёдан,  
Ярми — ёзув-чиезув, ярмиси — гавро.  
Қалам келтирдингиз Ёпониёдан,  
Дедингиз: Бу мендан сизларга совра.

Оlam мусофиirlар билан бедордир,  
Сайёҳлар ичра ҳам сиз мулло, ака.  
Дунёнинг энг гўзал қисми дийдордир,  
Дийдор кутлуг бўлсин, Абдулло ака!


Бундай пайт кўргали дўсту ёрон ҳам  
Ўниллари келгай, қизлари келгай.  
Сиздан, кучоқ очиб пешвоз олган дам,  
Япон ёмғирларин ислари келгай.

Биз-чи, биз қаламни чўнтакка урдик,  
Гёй бўй қўшилди қад, бўйимизга.  
Олис эллар ҳакда сухбатлар қурдик,  
Сўнгра тарқаб кетдик уй-уйимизга.

Шоирлик нимадир?  
Дард билан хижрон.  
Қалам ҳам бир нени илгаса керак.  
Биз ухлаб қолганда, тұнлари пінхон  
Билдірмай японча йиғласа керак.

2003

# **C**оғинч төрлари



## ЁФОЧ СҮРИ

Ёфоч сүри, бу дунёда нима кўрдинг?  
Нима кўрдим бу дунёда, ёфоч сүри?  
Кечалар сен ёлғиэгина ўйлар сурдинг,  
Менинг эса адо бўлди қалбим қўри.

Онам янглиғ мушфиқ ойлар ёруғида  
Ўқимагай эди синглим ёзган хатим.  
Қай бир азиҳ деворларнинг ёриғида  
Ҳазон янглиғ қолиб кетди мухаббатим.

Бошинг уэра олтин тўккан ўрик қани?  
Қани отам ўтқизган ул тойфи узум?  
Мунгайтирмиш йиллар ёмғирлари сени,  
Ариқдарга кўмилмишдир менинг юзим.

Мана бу — мен онам билан тушган сурат,  
Отам билан суратларга тушмабман ҳам.  
Умр надир? Бир лаҳзалик сұхбат факат,  
Бу сұхбатта мен бир ҳикмат қўшмабман ҳам.

Куз келганды ҳовлимиэга очиб эшик,  
Не сўйладинг дийдираган чумчукларга?  
Мен кўнглимни роз-роз этиб, ипдай эшиб,  
Топширмишман бир шафқатсиз урчукларга.

Болалик йўқ. Йўқдир сирли қутичалар,  
Қайда қолди баҳоримнинг жолалари?  
Ҳовлидаги пасту баланд мусичалар  
Мусичамас, бу — акамнинг болалари.

Бунда ўғсан гуллар ҳар қайга сочишган,  
Сен уларни маҳзун, хомуш ўйладингми?  
Бир кечада ҳовлида оппоқ очилган  
Олча гули опамнинг чит кўйлагими?

1995

## ЁРУГ ДУНЁ. СОЯЛАР

Чинорлар кулайды, одамлар, лекин  
Иллар сояларни йиқмайды.  
Тупроқ ховлимида болалигимда  
Колиб кеттган соям менинг хеч эсимдан чиқмайди.  
Олапар ўлмаган —  
Сояси тирик!  
Ховлимини қўриклиди хануз кечалар.  
Тунлар хотирамда унинг занжири  
Ипак ип сингари сассиз ечилар.  
Яна бир жуфт яшил толу ток бўлар эди,  
Ховлимининг фавораси кеча ва кундуз.  
Кесилмишлар,  
Лекин улар жизранак ёдим  
Саҳросига соя ташлаб турибди хануз.  
Бедазорда шитирламай юрибди отам,  
Ханузгача ўрогида яркирайди шудринглар.  
Илларим, сершовкин йилларим, келиб  
Овоз чиқармасдан жим ўтиинглар.  
Ана у сўрида ханузга қадар  
Бир соя ўлтирап — юзлардан ошган:  
— Э, сен Ойбиининг неварасими,  
Шоир бўламан, деб шахарга қочган?..  
Яхши-ёмонларнинг исканжасида  
Одамзод тақдири гоҳ сув, гоҳ тупроқ.  
Теграмга қарайман — нафаслар сийрак,  
Одамлардан кўра соялар кўпроқ.

Качонлардиш шу феруза осмон остида  
Сочларингнинг соясида ўтирган эдим.  
Энди соchlар, қўллар, кўзлар ўрнига  
Соянг келаверар куйдириб этим.  
Шамол — кўйлагингнинг кўлкаси эрур,  
Хонтахта кафтида қалқиб учар шам.  
Бизлар учрашмаймиз энди хеч качон,  
Сояларимиз сўзсиз учрашар.

## БОЛАЛИКНИ ҚҮМСАШ

Дилсиз танларга ҳам  
Диллар қайтадир.  
Тилсиз жонларга ҳам  
Тиллар қайтадир.  
Фақат мен қайтолмам  
Сенинг бағрингта,  
Қайтмокқа ушбу күн  
Илож қайдадир?

Сенинг уфқуларинг,  
Кирларинг чексиз,  
Зангори, анвойи  
Сирларинг чексиз,  
Эсиә, сайхонларинг,  
Сойларинг, эсиә,  
Букун қучай десам,  
Кулоч қайдадир?

Ювсин деб бор дарду  
Оғриқларимни,  
Кеча сүроқладим  
Емғирларингни.  
Күзга суртай десам  
Томирларингни,  
Исмалоқ қайдадир?  
Равоч қайдадир?

Бир тоғ гиёх янглир  
Биз бирга ўсдик,  
Эй, бүйдош жўралар,  
Тарқадик, тўздик.  
Қайларда қолдинг,  
Эй покиза дўстлик?  
Букун сенга мендай  
Мұхтож қайдадир?

Момомдан қолган,  
Эй бору баҳорим,  
Отамдан ёдгор,  
Эй тупроқ диёрим,  
Сенинг соғинчингиз  
Бўлмас барорим,  
Менинг муродимга  
Ривож қайдадир?

Мен йигиб кеттаним  
Сомон ўшандай,  
Юлдузларинг ўша,  
Осмон ўшандай,  
Дашту далаларинг  
Ҳамон ўшандай,  
Факат Сирож қайда,  
Сирож қайдадир?

1998

## СУРХОННИНГ ҚАНТАК ЎРИГИ

Барглар аро олтин-олтин  
Ой томади.  
Сўримиэга кечалари  
Бол томади.

Болалигим, соғинчларинг  
Олдири сенинг.  
Болишимда сўлакларим  
Болдири менинг.

Мен шоҳ әдим бир бор қизу  
Ҳам арига.  
Сени териб бердим Гулнор,  
Гулпарига.

Етар эди уларга бир  
Имогинам.  
Мехр эди бу дунё ҳам  
Момогинам.

Тилло дейми сени ёки  
Тилложонми?  
Кантак ўрик, энди сен ҳам  
Бир аромонми?

Сўримизга кечалари  
Ой томади.  
Ортга боқсам юзларимни  
Сой кўмади.

Кантак ўрик, қайда қолди  
Кўнризларинг,  
Гулкезларинг, гулюзларинг,  
Гулқизларинг?

Ўз боридан кимки тонди,  
Ўсал бўлди.  
Сени тоттган қизлар бари  
Асал бўлди.

2001

## БОЛАЛИК. ҚЎШНИ ҚИЭИ ГУЛПАРИ

Жангалзордай куюқ бор,  
Ғўнриллаган қўнризлар.  
Девор устида туриб  
Гилос терамиз бизлар.

Ол кўйлагинг — мисоли  
Деворда унган лола.  
Сен кичкина қиз эдинг,  
Мен — бир кичкина бола.

Гилослар аросида  
Илк бор илғаб күрганим:  
Ёшингта хос бўлмаган  
Катта-катта кўзларинг.

Ёшимга хос бўлмаган  
Сезги кечди кўнглимдан.  
Гилосларинг тўкилди  
Челак чиқиб қўлингдан.

Гўё силкинди девор,  
Сен ҳам сескандинг нохос.  
Лабларингда қонади  
Катта, қоп-кора гилос...

Бор-йўғи шу. Сўнг йиллар  
Фирорида мунг ютдим.  
У гилослар кесилди,  
Мен ҳам сени унуддим.

1988

\* \* \*

Бизлардан бўлмади ҳеч ким чемпион,  
Спортни тарқ этди болалар кўли.  
Ҳануз мени қийнар у стадион,  
Ҳануз мени қийнар у футбол тўпи.

Ҳануз мен қўмсайман йиллар кетида  
Мендан айро тушган ул тетик ҳисни,  
Ҳануз мен қўмсайман майдон четида  
Чемпион бўлишим истаган қизни.

Ғолиб келганимда турди олқишилаб,  
Мағлуб келганимда эгилди боши,  
Чемпион бўлмадинг барибир, мактаб,  
Чемпион бўлмадинг, командадошим.

Хайқирди радио, телевизорлар,  
Кўкларга кўтариб Пелеларини.  
Таъзирин берарди ота-оналар  
Футбол, деб юрган болаларини.

У пайтлар қуш каби учиб юардим,  
Кеталар — оёққа бойланган қанот,  
Бугун: катта майдон, лодdir қудратим —  
Онир пойафзаллар кийгизди ҳаёт!

Мактаб, доим маъюс қўраман сени,  
Кани олқишиларинг, кутловчиларинг?  
Чангларга беланган командам, қани  
Чемпион бўлмаган футболчиларинг?

Футбол унутилди. Бирор йўқолди  
Яшашнинг бепоён майдонларида,  
Бирор илк севгим, деб йирлади, толди,  
Сўнг «чемпион» бўлди майхоналарда.

Футбол унутилди. Бирор ташлади  
Тақдирнинг тош каби елкасига қўл,  
Бирор пулдор бўлиб яшай бошлади,  
Бирорнинг баҳтига етмай қолди пул.

Бўғзимга тиқилиб қолганда умрим,  
Беғам кунларимни қўмсаган дамда,  
Тизилиб келасан олдимга туриб  
Йилларга сочилиб кетган командам!

Қарайман ҳайратни қўзимга йириб,  
Қарайман, нимадир тирнар қўксими:  
Тизилиб келасан — ўн битта йигит,  
Майдон чеккасида турган қиз, қани?!

1978

## КОПТОКЛАР

*Исматулла Комилов хотирасынга*

Хайр, Исмат ака!

Үйин тугади.

Иллар ўлым билан тугади.

Бу майдон ҳеч қачон энди тўлмайди,

Синфдошлар футбол деб келмайди.

Мактаб.

Сўнгти қўнғироклар чинқирав,

Ойналар ҳеч қачон энди синмайди!

Энди умр бўйи кўз ўнгимдан кетмай

Оёқсиз кеталар мени қийнайди.

Хайр, Исмат ака!

Югурап ойлар,

Коптокларни олиб кунлар югурап.

Коптоклар.

Коптоклар колар,

Коптоклардан юлқиб олар мени орезулар.

Сўнг бир кун,

Фам билан қўкка қарайман:

Узук-юлуқ юзиб юрган оёқлар — надир?

Англайман:

Самода булатлар эмас,

«Пахтакор»нинг портлаб кетган коптоклариридир.

Теграмда нидолар, фарёдлар, ёдлар,

Видоларга тўлди ўсмир жаҳоним.

Мен ҳам коптогимни қўкларга тепдим,

Қайтариб бермади уни осмоним.

Сизни излаб юрар қўклам еллари,

Сизни кўрмоқ истаб гуллар бутоқлар.

Мени қалбда қолган сўзлардек қийнар

Илларнинг тўрида қолган коптоклар.

1983

\* \* \*

Тескарига оққан дарёлар қайтди,  
Төгларда йүқолган садолар қайтди.  
Мени излаб кеттан нидолар қайтди,  
Болалик қайтмади. Қайтмади.

Сомонлар янчилмай қолган күз пайти  
Адирлар зәйфарон алвидо айтди.  
Мени олиб кетган подалар қайтди,  
Болалик қайтмади. Қайтмади.

Бу күча, бу ховли, бу уй, бу тандир  
Бир кун сесканади, сассиз сиктайдир:  
Үн йил ғойиб бүлган олапар қайтди!  
Болалик қайтмади. Қайтмади.

Кордириб кетдимми уни даштларга?  
Еки топширдимми шиддат, шаштларга?  
Бүзлаб чорласам-да битиб хатларга,  
Болалик қайтмади. Қайтмади.

Калдирғочлар қайтди. Тойлар от бүлди.  
Юртнинг тоғу тоши менга ёд бүлди,  
«Ух» деганим менинг хотирот бүлди,  
Болалик қайтмади. Қайтмади.

Йилларни ағдарар бу кун сүрорим,  
Қайдадир ул менинг әрка сүкморим?  
Дилга жо бүлди бор яқин-йирогим,  
Болалик қайтмади. Қайтмади.

1986

## СОФИНЧ ТОРЛАРИ

(*Муаллималарга*)

Боқсам йилларимнинг сардафтариға  
Сиз мудом камтару хоксор тургансиз.  
Менинг юрагимнинг кабутариға  
Ватан деган сўзни хатлаб берган Сиз.

Күёшдан заррин ҳам зарҳалларига,  
Боқсам у йилларининг сахарларига:  
Менинг энг мунааввар, гўзал онларим —  
Она деган сўзни ёзган тонгларим.

Биз кетдик — севинч қувончларингиз,  
Фасллар, кечаю қундузлар бўлиб.  
Колмиш оптимиздан кўзёшларингиз  
Мактаб томи уэра юлдузлар бўлиб.

Шарҳлаб бермоқ учун меҳнатингизни —  
Сизнинг бир соатлик заҳматингизни,  
Кирқ минг чироғ билан кўп шамлар керак,  
Кирқ баҳор яна кирқ кўкламлар керак.

Илму эзгуликдан зиналар тиклаб,  
Ҳар ўтил — болангиз, ҳар қиз — кумрингиз,  
Утдингиз дафтари китоб қўлтиқлаб,  
Дарсу сабоқларда кечди умрингиз.

Боқсам у йилларининг сарҳадларига,  
Бирдан қайттим келар сахарларига.  
Соринч торларини чертар дилларим,  
Муаллималарим, муаллимларим.

Бутун Жаҳонгиrlар мактабга борар,  
Мехро чироғидир қарорларингиз.  
Оламда энг улуғ, камтарин зотлар,  
Ҳеч қачон ўчмасин чирорларингиз.

2001

## РҮЭИ ЧОРИЕВ. ҚУМҚҮРГОН ОЛМАЛАРИ

Күмкүрғоннинг олмалари тилсим экан,  
Оқинми ё қизилини олсаммикан?  
Ва лекин у олмасини олдирмайди,  
Бирорларга зор қилдириб қолдирмайди.

Кўзни олиб жилвалари тарағандир,  
Ярми ою, ярми кундан яралгандир.  
Бу дунёда меҳро қолган бўлса агар  
Шунда қолган, улар шундан яралгандир.

Бу олмалар борин барбод келтирмаган,  
Ўз номига ҳеч вақт иснод келтирмаган.  
Мен шундайин бир олмага етолмадим,  
Кўнгил борин ҳаргиз обод этолмадим.

Ҳар бирининг ўз наъши, ўз ранг-туси бор,  
Булғанмаган тиник кўнгил кўзгуси бор.  
Деворлари пастаккина бўлса ҳамки,  
Бирорларга эгилмайди — номуси бор.

1991

# ТҮПОЛОНДАРЁ БИЛАН ХАЙРЛАШУВ

(Достон)

## ТАВАЛЛО

Одамларни даъват этиб инсоф, имонга,  
Гоҳида шодмону  
Гоҳ мотамсаро,  
Куруқликда сурон солди менинг бонгларим,  
Сенга ёлбораман энди, жон дарё!

Кимдан боғлар қолди.  
Кимдандир доғлар...  
Кимдан ҳасрат қолди — тап-тақир сахро.  
Ўзинг армонимга оби ҳаёт бер,  
Сенга ёлбораман энди, жон дарё!

Тўлкинлар чўққилар пойини ювди,  
Гиёхлар юз очди тармалар аро.  
Коттан юракларнинг муэзиларида  
Ўзинг қўлла энди мени, жон дарё!

Максадим зар, шонга ўраниш эмас,  
Инсон камол топсин еру кўк аро.  
Йўлимда ястанган ружий чўлларда  
Ўзинг қўлла энди мени, жон дарё!

Одамлар кўрдим мен — хасдек бенишон,  
Одамлар — замину замондан айро.  
Ҳаёт дарёсидан четроқда қолсам,  
Ўзинг қўшиб қўйгин мени, жон дарё!

Энди тирикликнинг ўзанларида,  
Түғёнлар жонимга киргайдир оро.  
Дардларнинг гов босган тўронларида  
Ўзинг түғён бергил менга, жон дарё!

# МУЛЛА ОҚИЛНИНГ БЕТОБ ЁТТАН ВАҲОБ ШОИР БИЛАН СУҲБАТИ

(XX асрнинг ўттизинчи йиллари.  
Тўполондарё қирғозидаги чайла)

— Биз қаридик, бу дарё тинмади, тинмади. Умр — дарё дегувчи эдилар, бу дарё

— Икки ўғлим бор эди, мулла. Каторда турган нор эди, қизлар уларга зор эди. Кўксим тўла дор эди. Уғилларим тов эди. Ай, дунё! Нима қилдинг-а! Юрак-бағрим тилдинг-а! Тўнгичим ўн тўққиз ёшда эди, мулла! Бўйнига тош бойлаб шу дарёга чўқтиридилар. Кўз ёшимни тўқтиридилар. Ай, дунё!

— Биз эрта-индин ўтамиз. Бу дарё

— Бу дарё менинг ўғлим, мулла!

— Бу дарё туман йиллардан бери оқяптими-ей, биз унинг соҳилига келиб кетгич бир шамол эканмиз-да...

— Бу дарё ўн тўққиз ёшда, мулла!

— Биз яшадик, ували-жували бўлдик, бу дарё

— Бу дарё уйланмаган, мулла!

— Улларимиз ҳам улғайиб уйланиб, ували-жували бўляпти, бу дарё

— Бу дарёning фарзанди йўқ, мулла!

— Мен сизга айтсан, армоним кўп, дармоним йўқ, бу дарё

— Бу дарё менинг армоним, мулла!

— Мен сизга айтсан, қарилликка даво йўқ экан, бу дарё

— Бу дарё менинг дармоним, мулла!

— Мен сизга айтсан, оэми-кўпми гуноҳимиз бор. Элга нима деймиз? Элни нима дейсиз? Эл... Нима дейсиз?

— Ҳеч кимни элдайин етим қиласин, мулла!

Давроннинг далровини  
Мен кўрдим десам бўлар.  
Она юртим соғ бўлса,  
Беармон кетсан бўлар.  
Мен балки эрта-индин

Килгайдирман жон таслим.  
Она юртим соғ бўлса,  
Улмагай менинг наслим!  
Уз юртин кўксига уқ  
Отганларни кўрганман.  
Элдан чиқиб, элини  
Соттанларни кўрганман.  
Колса мендан СЎЗ қолар,  
Дондай сочиб юрганман.  
Буюк хали бирлан буюк  
Мухтожликни кўрганман.  
Бунда менинг ўрлим йўқ.  
Лекин менинг кўнглим тўқ:  
Фарзандлари соғ бўлса,  
Ватанинга ўлим йўқ!  
Момо тандирларимга  
Биздан салом айтгайсиз.  
Мен қолдим энди чори,  
Сиз манзилга еттайсиз.

...Тоғларда акс садо,  
Зириллайди осмонлар,  
Мен ётибман,  
Кўксимда  
От сурмоқда замонлар.

## НИҲОНДАРА

Ниҳондара — сирлар дараси,  
У очиқ сўзларни севмади.  
Тарихдан яшириди тарихларни у,  
Хеч кимга айтмади. Бермади.

Йигирманчи йиллар. Узун чакмонлар,  
Чакмонлар остида — милтиқлар.  
Ўқ янграр. Тулпорлар кишнайди.  
Кўзида замонлар — кимдир иккилар.

Ким эди? Нимага? Аёл учунми  
Е Ватан учунми у бердими жон?  
«Чакмонлар» ким эди? Дара биларди,  
Аммо у сир саклар. У гапирмайди.

Үттизинчи йиллар. Ханжарлар.  
Кимнидир сүйишар. Шариллаган қон.  
Отларнинг қўрқинчли кишинаши. Тамом!  
Не учун сўйиши? Аёл учунми  
Е Ватан учунми у бердими жон?  
Хеч ким билмас. Нега? Кимларди?  
Дара гапирмайди. Хеч ким билмайди.

Дарам, гапирмагин, сўйлама тиэиб  
Уттан сотқинлигу рирромликларни.  
Мен бўш қўлларимни юзимга босиб,  
Инглайман ёд этиб йироқ йилларни.

## НИДО

«Мен сизга айтсам, елкамда болам, қўлимдаги тугунчада бир сиқим тутмайиз, дарё ёқалаб кетяпман, кетяпман. Дарёки, аждарҳодай тўлғонади, вишиллайди. Қурқиб кетяпман денг, елкамдаги чирқиллаб «нон» дейди. Мен эса кетяпман, кетяпман. Хеч зор йўқ. Фақат дарё. Калима қайтариб йўл юраман, йўл юраману пичирлайман. Уша маҳаллар йўллар ҳам узун экан-да. Дунёда мендан бошқа хеч ким йўқдай, гўёки дунёнинг ўзи ҳам йўқдай, кетяпман. Қаерга кетаман — билмайман, нимага кетяпман — билмайман, лекин кетяпман. Бир маҳал сохида нимадир ялт этди, яна қўрқаяпман денг, яқин бориб карасам — бешик, олтин бешик! Сувда чайқалиб, қалқиб турибди. Каракт бўлиб қолибман. Фойибдан «Ол!» деган садо келгандай бўлди. Болани ерга қўйиб, довдираб қўл узатдим, етолмадим. Ҳар қанча уринсам ҳам қўлим етмади. Чайқалиб, чайқалиб оқиб кетди. Ҳай, аттанг-ай, аттанг!

Шундан кейин түрт болам очликдан ўлиб кетди. Сизлар курмагансизлар-да, билмайсизлар...»

(Хумор амма хотираларидан)

\* \* \*

Очликдан жон берган болалармиз биз.  
Туршак шимиби,  
Гохи атала хўплаб  
Юрган бўлсак ҳамки барибир ўлдик.  
Мана бу муштдайин тепа — Тошпўлат.

Мана бу — Роҳила.  
Буниси — Қодир,  
Очликдан жон берган болалармиз биз.  
Ёроҷ қошиклардай қатор қўлчалар...  
Дунёнинг энг ҳазин нолаларимиз.

Турдининг отаси ўлганда жангда,  
Бунда укаси ҳам ўлди — қўнир сочлиги.  
Қўрдик:  
Теграмизни куршади бирдан  
Улур Ватан уруши билан  
Улур Ватан очлиги!  
Жангда ярадорни куткармоқ мумкин.  
Бунда очлик «яраласа» ўлдирап эди.  
Уввос соганида қартанг жувонлар,  
Биз мўлтирап эдик.  
Мўлтирап эдик.

Мўлтираб-мўлтираб ўтдик дунёдан.  
Ҳайр, келажакнинг иссиқ нонлари!  
Шамоллар уйротар буғдоийзорларни  
Тонглари. Тонглари. Тонглари.

Фақат оқибатдан хавотирдамиз,  
Бағрин кенг очаркан пурнеъмат ҳаёт,  
Бизни ҳам ёдига келтирармикин  
Ҳеч қачон оч қолмаган авлод?..

## ХОТИРА

«Уруш экан-да, 43-йил, госпиталдан чиққанимда уйга бориб келишга рухсат берипди, келдим. Йўлхалтамда яримта нон. Вокзалда бир муштипарга кўзим тушди, ёнида боласи — иккови ҳам зор-зор термулади. Яраланган суюкларим яна ўқ егандай зирқираб кетди. Нонимни бердим. Ўзим дарё ёкала тахтакунжара чайнаб кетдим. Йўловчилар берган тахтакунжарани. Айтсан ишонмайсизлар.

Итнинг бошига солмасин у кунларни, итнинг!»

(Отам айтиб берган)

\* \* \*

Тинчликда кун кечирим,  
Ҳаётим-чун бежирим,  
Ота, мени кечиринг!  
Мусаффо осмон учун,  
Миллионлаб қурбон учун,  
Яшолдимми Эътиқодни тирикликка кўчириб?  
Ота, мени кечиринг!  
Кўкрагимга санчилади аламларнинг ханжари,  
Кўряпман:  
Зор кетяпсиз — қўлингиэда кунжара...  
Ота, мени кечиринг!  
Кечиринг, чун умрингизнинг  
бори дарду ғам бўлди.  
Нега бугун нон кўп,  
бироқ меҳру хотир кам бўлди?

Ному мансаб, шону шуҳрат  
жангларида қурбонлар  
Бериб, нечун инсонлигин  
йўқотар бу инсонлар?  
Саҳро бўлиб ўтганларнинг ёди мени ўртайди,  
Дарё бўлиб ўтганларнинг ёди мени ўртайди.  
Шунинг учун кўз олдимда тўлиб-тошиб ҳозир ҳам  
Ўтаверар Тўполондарё —  
Ҳеч тутанмас Хотира.

## ДАРЁ

Булоқлар ёшидан пайдо бўлдим мен,  
Чуккилар «тожи»дан пайдо бўлдим мен.  
Турдим чакинлар тўполонидан,  
Шунданми Тўполондарё бўлдим мен.

Кўклам селларининг хўйи мендадир,  
Асл гиёҳдарнинг бўйи мендадир.  
Бағримга босдим мен қалдироқларни,  
Тошқинларнинг «сайил-тўйи» мендадир.  
Минг йиллик чинорлар фарзандим менинг,  
Хайқирап ҳар тошу харсангим менинг:  
Асраниз балиқлар, ўсимликларни,  
Табиат — энг сўнгти асрандим менинг.

Беиз ўқолмасин то охуларим,  
Токи зангор қолсин бу соҳилларим.  
Булғамай қолдиринг соф бир жилғамни,  
Токи уруғ очсин гулмоҳиларим.

## ХАЙРОНБОФ

Шундай бое бор эди бу қирғоқларда,  
Дараҳтлар ўрнида юзлаб дое энди.  
Дунёда бор бўлиб нима кўрдинг сен,  
Хайронбое, нимага хайронбое эдинг?

Ваҳший қоялар ҳам анграйди қолди,  
Қани ул заранглар, метин ирғайлар?  
Хайронбое, дунёга ҳайрон бокма сен,  
То дунё бор экан қирқиб, қиргайлар.

Бағрини тонеллар ўйган тог бир ён,  
Бир ёнда ор-номус,  
Бир ён — зинолар.  
Асрү замонларнинг устунларида  
Чинорлар иккилди,  
Буюк чинорлар!

Мана бу дили йүк тошлар ҳам билди:

Ҳайронбоғ, инградинг.

Бунда доғман мен.

Илдиэлар фифони жонимда, кеттум —

Кезиб юргуячи бир ҳайронбоғман мен.

Дўстлар қушлар каби тарқ этди мени,

Чинор туйгуларим хас бўлди, кўргин:

Руҳимда ҳаёндай ёнмоқда номлар,

Ҳайронбоғ, мендан ҳам бир ахвол сўргин!

Наҳот шовулламас кўнгил боғлари?

Ҳар ён бок ҳар он бок, ҳайрон бок.

Бир жуфт уя каби бўм-бўш кўзларим.

Шу ҳам гап бўлдими энди, Ҳайронбоғ?

## ТЎГОН

Тўғон қад кўтарар Нижондарада,

Нижон замонлардан хотира тўқиб,

Қоялар кўксисда сирғалар шамол,

Унг томонда — чўкки,

Чап ёнда — чўкки.

Шамолим, неларни сўйлаётисан,

Аданиган қиз янглиғ тентираб сарсон?

Балки ҳув қорлардан пинҳон хатинг бор,

Уни ўқий олмас ҳеч ким ҳеч қачон.

Тўғон.

Менинг сирли дарам ошкор ларзада,

Ҳарсанглар ағанар сувга, чанг-тўзон.

Экскаваторлар — темир динозаврлар

Тўрт ёндан ҳамлага шайланар,

Тўғон.

Түрөн, асрларим күм бўлиб оқди,  
Боболарим чопди:  
— Жон даштим, уйғон!  
Курғоқчил замонлар, камчил давронлар,  
Катма-қат армонлар ҳаммаси — түрөн.

Неки айттан бўлсан рост айтдим факат,  
Лекин англаб етдим:  
Ҳар неки ёлрон,  
Фосиқлик, дабдаба, сўзбоэлик, гараз —  
Бари Ватан камолоти йўлида түрөн!

Тўрөндир мунофиқ, худбин тўралар,  
Юртдан фойда пойлаб юрганлар — түрөн.  
Муқаллас сўзлардан шиорлар тузиб,  
Ўзи виждан пуллаб турганлар — түрөн.

«ҚрАЭ», «БелАЭ»ларнинг шовқини аро  
Кўксимга урилди ногоҳ зўр туёён:  
Ёмонликка қарши огоҳ, жонфидо  
Инсонлар тўрөндир,  
Мен ҳам бир тўрөн.

Гоҳи тингч дарёдай ҳайрон кетдим мен,  
Унг томонда — ёлрон,  
Чап ёнда — ёлрон.  
Инсоний бир меҳр, бир кафт, бир калом  
Билан сиз ёлронга бўлдингиз тўрөн.

Менинг умрим надир —  
Тошқиндир, селдир,  
Оккувчи кўнгиллар кўклами томон.  
Ёмонлик ёмондир — кулфатлари бор,  
Ундан ҳам бетугён омонлик ёмон.

## ФАРЗАНД

Сен дарё бўйида дунёга келдинг,  
Дарёю замоннинг тўфонларида.  
Исмингни ёзишди осто наларнинг  
Хали қуримаган бетонларига.

Хайкириб турарди у пайт қоялар.  
Осмонларда — чақмоқ, гулдурак.  
Сен тошқин қўйнида дунёга келдинг.  
Демак: Кўнглинг тошқин,  
Ўзинг тошқин бўлморинг керак!

Сенинг бешигингни тебратди еллар,  
Гиёхлар безатди уйқуларингни.  
Анов чўққилардан охулар тонгда  
Кўрди лабингда илк кулгуларингни.

Буларнинг барчаси Ватандир, Ватаи!  
Товонинг ўпажак ҳар бир тош — Ватан.  
Сен ҳали билмайсан — янги айвоннинг  
Шифтини танлаган қалдироҷ — Ватан.

Тилларинг сувлардай равон бўлганда,  
Бургутлар учганда тоғдай дилингдан,  
Юракнинг энг юксак чўққиларида  
Бир кун учрашасан сен Ватан билан.

Унинг бир кунига ярамоқ учун,  
Оғир дамларида бўлмоқ-чун тирак,  
Озлик қиласар фақат жим севиб юрмоқ,  
Ўзинг огоҳ  
Кўнглинг огоҳ бўлмори керак!

Ўзинг имон,  
Кўксинг имон бўлмори керак!  
Ватан, деб ўзини ёқлаб, алдаса,  
Нопоклар алдаса,  
Чапаклар алдаса,

Ҳамма ҳар йўсинда уни таласа,  
Сен ўз юрагингни юлморинг керак!

Сен ўз юрагингни юлморинг керак!  
Виждон тешасини уриб бефарёд,  
Ватани манзилга элтмогинг керак.  
Жуда қийин йўллир бу йўллар, Фарҳод!

Шунданми, бу ерда улкан қояда,  
Оппоқ ҳарфлар билан безаб жисмини,  
Курувчилар ўрнатишибди  
Сенинг Навоийдан колган исмингни.

## УЙ

«Менга ҳам тинчлик керак. Танка миниб келсанг ҳам ҳеч қаерга кетмайман. Етти пуштим шу ерда кўмилган бўлса... Душох чўккисига чиқиб чодир тикиб ўтираманки, илло бу тоғлардан кетмайман. Урушда қатнашган бўлсам, индивалид бўлсам, катта ўғлим муаллим, кенжам ўқувчи бўлса. Яна бирори армияда юрибди. Эрта-индин кириб келса-ю «Ота, уйимиз қани?» деб сўраса, сенинг булдузўрингни кўрсатаманми?!..»

(Уруш қатнашчиси Нарзиқул Норовнинг маҳалла йиғинида айтган сўзидан).

\* \* \*

Сизнинг ҳаётингиз бус-бутун бўлсин,  
Насиб этсин Сизга шодлик ила куй.  
Кўз олдимдан кетмай мени ўртайди  
Отам ярмисини қуриб кетган уй.

Отам ярмисини қуриб кетган уй  
Тиззалақ келади сўзлари билан:  
«Мендан шу уй қолар...»  
Ва йиргайди уй  
Ойнасиз ромларнинг кўзлари билан.

Эшиклар ҳангу манг.  
Кесакиларда  
Болғасини кутиб михлари қолди.  
Отам қайга кетди?  
Биттан дунёда  
Битмаган ёлриз уй йиглади қолди!

Устивор устунлар,  
Сиз нима дейсиз?  
Нега жим турибсиз, битмаган шифтлар?  
Чала хоналарда армоним менинг,  
Бүгүлларда эса дардларим қишлиар.

Умрлар умидин сарф этди бунга,  
Отам йиллаб қурди бу иморатни.  
Хәёт нихояга етмаган ишлар,  
Кемтик қувончлардан ё иборатми?

Отам ярмисини куриб кеттан уй...  
Шул сабаб умримда согинчлар ярим.  
Елкадош бўламан устунларингга,  
Остонангда эзилар бағрим.

Дил билан оқлайман деворларингни,  
Отам ярмисини курган уй — юртим.  
Гарчи бир меҳога зор бўлиб баъзан  
Кўча-кўйларингда ҳайрона юрдим.

Кўнглимда фироғу аразим йўқдир.  
Отам ярмисини курган уй — юртим.  
Мен ҳам бир меъморман.  
Юксак тоглардай  
Юксак туйғулардан мен сени кургум.

Мен бир қурувчиман.  
Бунёд эттайман  
Сени кўксимдаги ёлкинларимдан.  
Сўзма-сўз, қадма-қад, заррама-зарра  
Кўрк бергум дилдаги тошқинларимдан.

Деворлар қургайман ишончларимдан,  
Кувончларим билан кўчаларингни  
Чироқлар сингари мунаввар этгум.  
Нурларга тўлдиргум кечаларингни.

Сўнгра кириб боргум бунёдкор каби  
Кўнгли яримларнинг кўнгилларига.  
Сўнган умидларнинг чироқларини  
Алмаштиргум янгиларига.

Токи ҳар бир уйда Бахт тўйи бўлсин.  
Токи ҳар бир тўйда Бахт бўйи бўлсин.  
Токи ҳар бир орэу Бахт куйи бўлсин.  
Токи ҳар бир кўнгил Бахт уйи бўлсин!

## ЭСДАЛИК

Кирроқлар сўроғидан  
Қароғимга ёш олдим.  
Тўлқинларнинг кафтидан  
Етти дона тош олдим.

Кўзу қошим шу дарё,  
Мавжлардан қуёш олдим.  
Балиқларни қўйвориб,  
Етти дона тош олдим.

Мангу тўполонингта  
Жон-дилим пайванд, дарё.  
Фарзандлар қаторида  
Мен ҳам бир фарзанд, дарё.

Кояларни қайрадинг,  
Харсанглар — равон-равон.  
Мени қайради йиллар,  
Юрагимда — тўполон.

Сени бошқа күрмайман!  
Хотирам — сув, тош, күмлар.  
Сен қолурсан,  
Мени-чи,  
Олиб кеттай тошқинлар!

Хув бокқан охуларнинг  
Рухимдадир оҳлари.  
Бир зум чайқалиб қолар  
Боболарим боғлари.

Энди бу ерларда мен  
Бургутхаёл юрмайман.  
Учратолмайман сени,  
Сени бошқа күрмайман!

Энди уйғонсам керак  
Кечалари салқинлаб.  
Остонамга бош уриб  
Келаверар тўлқинлар.

Тоғларни ўйлагайман  
Бетонларда ўлтириб.  
Харсанглар келаверар  
Арслон янглиғ бўкириб.

Шамоллар кўчиб келар  
Фариштадай уйимга,  
Чинкириб сўқмоқларим  
Осилади бўйнимга.

Ва ёзув столимдан  
Мисли етти митти жон,  
Етти дона тош боқар —  
Етти дона туполон.

## ЗУЛМАТ ВА ЗИЁ

Мен чиқдим қоронғу ўйлар қаъридан,  
Бир ёруғ шамол ҳам чиқди наридан.

Булутлар юзарди күкларда йирок,  
Бир томони қаро, бир томони оқ.

Дарё кетар әди тун аро танхो,  
Бир сохили ёруғ, бир сохили қаро.

Узаниб ётарди уэун йўл ҳориб,  
Бир томони қаро, бир томони ёруғ.

Далалар чиқдилар олдинма-кетин,  
Ярмиси зим-зиё, ярмиси ойдин.

Гувлаб чарх уради теграмда дунё,  
Бир томони зулмат, бир томони зиё.

Тинмай жанг қиласы икки зўр қудрат,  
Бирори Қабоҳат, бири Адолат.

Фичирлаб айланди жафокаш Замин,  
Бир томони шодмон, бир томони ҳазин.

Ва бу Замин узра турарди мангу  
Үйлар — ярми ёруғ, ярми қоронғу.

Канча хон, бекларни ўтқизган элим,  
Канча Ойбекларни ютқизган элим,

Нима бўлганда ҳам ҳар он, ҳар замон,  
Кўнглим деразаси очик сен томон.

Бугун бир шамоллар эсмоқдалар, боқ,  
Термиздан то Тошкенту Хевоқ.

Шу жонбахш насимга қоришиб борар,  
Мамлакатнинг юзи ёришиб борар.

Мен ҳам нур элтсин деб зулмат дилларга,  
Ёруғ сўзларимни сочдим елларга.

## ДАЪВАТ

Юракдаги түрёнлардан  
Пайдо бўлдинг, пайдо бўлдинг,  
Инсон учун, иқбол учун  
Дарё бўлинг! Дарё бўлинг!

Ўзгалар-чун ўзингиздан  
Айро бўлинг, айро бўлинг.  
Куйиб, қақраб қолсантиз ҳам  
Дарё бўлинг! Дарё бўлинг!

Бу дунёning ишларига  
Майли лолу ҳайрон бўлинг.  
Саҳро бўлса бошқалар, сиз  
Дарё бўлинг! Дарё бўлинг!

Тўлиб-тошиб яшанг фақат,  
Тўлиб-тошиб адо бўлинг.  
Кўлмак эмас, не бўлса ҳам  
Дарё бўлинг! Дарё бўлинг!

Ўзбекистон, ташна юртим!  
Тупроқларинг нурга тўлиб  
Тошганини кўрганман мен  
Дарё бўлиб, дарё бўлиб.

Фақат Аму, Сирдарёмас,  
Соҳилидан айроларинг —  
Усмон Носир, Қодирийлар  
Сенинг улур дарёларинг!

Улар ёди, номларидан  
Онглар гулга бурканар.  
Юрагини күкрагида  
Тошдай олиб юрганлар  
Хали ҳам бор...  
Бу сўзлар ҳам  
Тошқин тўзонларидаӣ.  
Виждон отлиғ дарё бўлинг  
Замон ўзанларида.

## ХОТИМА

Дарё билан хайрлашаман,  
Хайрлашгандай сурон билан.  
Дарё билан хайрлашаман,  
Хайрлашгандай тўфон билан,  
Лекин қанча видо айтсам  
лабларимда армон билан,  
Ошино бўлиб бормоқдаман  
түфён билан, түфён билан.  
Туйғуларим жой талашур  
замин билан, осмон билан,  
Шиддатларнинг тилларида  
дунё билан дардлашаман.  
Мен дардлашиб дарё бўлдим.  
Мен хайрлашиб дарё бўлдим,  
Дарё билан хайрлашаман.  
Иллар билан ташлашаман.  
Дарё билан хайрлашаман!  
Пахса уйлар сўнгти марта  
тўлқинларда қалқирлар.  
Боболарим кулбасида сайр этмоқда балиқлар!  
Йўллар билан аҳдлашаман.  
Дарё билан хайрлашаман!  
Барчасини айттолмадим,  
Соҳилларим тор келди.

Канча дарё бўлса кўнглим,  
шунча ташна, зор келди.  
Лекин кўрдим: юракларга  
бахор келди, бахор келди!  
Мен дилимни энди тинмас  
селларга алмашаман.  
Дарё билан хайрлашаман!  
Хайрлашаман. Лекин бунда  
қоялардай ёдим қолар.  
Охуларга макон излаб  
чўккиларда додим қолар.  
Жарларда фарёдим қолар,  
Менда бир дарёдил қолар.  
Дарё билан хайрлашаман,  
Дарё бўлиб хайрлашаман!

1985—86 й.й.



odnwo



## СҮЭБОШИ ЎРНИДАГИ СҮНГСЎЗ

Собиқ шўролар түзумининг энг мудҳиш ва қаттол хатоларидан бири бўлмиш Афғонистон жангидага ҳалок бўлган ўзбекистонлик ўғлонлар хотирасига багишлаб ёвилган ушбу «Ном»нинг «Адабиёт ва санъат» газетасида босилганидан бўён 15 йил вақт ўтибди. 1989 йил, ошкоралик бўлишига қарамай, бу надоматнома анча-мунча қисқартишлар билан эълон қилинган эди. Шундоқ бўлса-да, у фожианинг мингдан бирини ҳам айтмолмаганим ушбу битикларнинг акс садоси ўлароқ, жумҳуриятимизнинг барча гўшаларидан мингдан виёд ҳат олдим. Булар — хатлар эмас, оху фарёдлар, нолаю фигонлар, мотам ва надоматлар эди. Уч ойлар уйқум йўқолди, нима қилишимни билмай лолу карахт юрдим...

У машъум урушда собиқ иттифоқ республикаларидан 15 мингга яқин гулдай йигитлар бекорга жувонмарг бўлиб кетдилар, салкам 37 минг ёш-ёш ўғлонлар майиб-мажруҳ бўлиб қайтдилар. Бу йигитлар ҳам урушининг қалбан, руҳан қурбон бўлиб қайтган иштирокчилари эдилар. Бизнинг Ўзбекистонимиздан қанча қурбон берилгани, ногиронларнинг сону саноги ҳаммадан сир тутиларди, айтилмасди. Холбуки, бирданига икки қўл, икки оёғидан айрилиб, ёлғиз «буталган» тирик тана билан қайтганларга ҳам гувоҳ бўлган, у шўрлик тана-нинг: «Жон окалар, мени отиб ташланглар, мен энди кимга керакман?!» деб зор-зор ииғлаганларини кўрган инсонлар бор.

У бетайин қирғиндан жасадлари қайтган ўзбек йигитларининг қабрлари эндиликда майсаэор бўлиб, лолаларга кўмилиб ётибди. Қабрадаги лолалар — шўрлик ота-оналари, ака-укаларию ёру сингилларининг доълари-дир балки...

Хотира эскирмайди. Хотира деч қачон ўчмайди.

**Хурриятига 14 йил тўлаётган озод Ватанимизда**  
элу юртнинг жонфидо фарзандлари ёди, Инсон хотира-  
си учун нечоғли инсоний, эзгу амаллар қилинаётгани  
буғунги кунда беш панжадай аён. Улуғ зотларнинг рағ-  
бату раҳнамолигида бино бўлган «Хотира боғи», «Ша-  
ҳидлар хиёбони» сингари табаррук зиёратгоҳларда уйгоқ  
руҳлар янглиг ям-яшил дараҳтлар хомуш чайқаладилар.  
Худди, тузумлару замонларнинг хотоси учун ҳамма-  
миздан узр сўраётгандай, қаршимизда хижолат бўлиб  
тургандай.

*Мен ҳам узр сўрайман.*

*Яна бир бор эслатганим учун, у дардли, тилу за-  
бонсиз кунларга яна бир бор қайтаётганим учун йиллар  
оша, ўзга асрдан туриб кечирим сўрайман.*

*Ватанимиз гулу чечакларга бурканажак. Бу гуллар-  
га у ўғлонларнинг ҳам ҳаки, улуши бор эди. На чора,  
уларга шундоқ ёзмииш буюрган экан. Худо ҳаммаларини  
раҳмат қилган бўлсин.*

17.12.2004 й.

## НОМ

*Афғон жаңғы қурбони рассом  
Сирожиддин Тұрахұжаев хотирасыға*

Мен беш йил бу мавзудан чүчиб юрдим.

Беш йил бу хөвлига келишга иккіландым мен. Айтдимки шүрлілекарнинг дардини янгилаб нима қилдим, фарзандини тирилтириб беролмасам?

Беш йил!

Беш тоғдан үтгандайин қийналиб кечдим беш йилдан. Гүё беш тоғ чүкиб кетдию ўрида беш ғор қолди — гувиллаб ёттан беш бүшлик. Ва беш шеърий дафтарим беш оқуш сингари жонсиз, паришон — уларға дардимни түкаман деб түколмадим. Уларда — ёзганимдан күра үчирганим күпроқ.

Кечалар баланд теракнинг қуюқ шохларига ой илашиб қолади. Ой, ошиқтарнинг оташ нигоҳларини ҳам, Афронда ҳалок бўлган йигитларнинг сўнник, кўқимтири юзларини ҳам бирдек ёриттан ой. Беш йилдан буён шу теракнинг шохларига илашиб қолади. Гүёки сарҳаддан у ёкка үтгиси йўқдай. Сарҳаддан у ёқда...

«Қора лолалар»<sup>1</sup> эса музтар-нигорон мамлакатта жиммина келиб кетавердилар. «Қора лолалар» — мақсад-моҳијати ноаён урушнинг мунглуғ темир қушлари.

«Сизнинг ўрлингиз интернационал бурчини бажараётib мардларча ҳалок бўлди».

«Сизнинг ўрлингиз...»

«Сизнинг ўрлингиз...»

«Сизнинг...»

Мана бу сатрлар ҳам беш йил бурун ёзилган эди:

*Афғонистон күмларида йиқилганида аскарлар.  
Мен ҳам ёзув столимда сўйсиз яраланганман.*

<sup>1</sup> «Қора лола» — Афғонистонда ҳалок бўлганларни иттифоққа ваттан самолётлар номи.

«Саксонинчи йиллар» достонидан ўрин олган ушбу сатрлар ўшанды цензура томонидан олиб ташланди. Журнал терилаётганда тұхтатиб қўйнди. Сатрлар ўрнини тұлдириш учун шошилинч равища рассомга сурат буюришди. Мавзуга мос келмаса-да достон қоқ ўртасида дидсизларча солинган гул расми билан босилиб чиқди.

Мен бу сўэларни нима учун ёэммоқдаман?

Вақт ўтиб олиб ташланған сатрларни қайта тиклаш мумкіндир, лекин бетайин қатағонда ҳалок бўлган ўғлонларни ҳаётга қайтармоқ, уларга жон ато этмоқнинг ҳеч иложи йўқ. Уларнинг ўрнини ҳеч қандай гул, ҳеч қандай орден билан тўлдириб бўлмайди! Уларнинг ўрни бўш. Уларнинг ўрни... Вокзал, аэропортларда «Улуғ Ватан уруши» катнашчилари-га...» ёзувлари ўрнига «Байнамилад жангчиларга навбатсиҳ хизмат кўрсатилади» деган лавҳалар кўзга чалиниб қолди. Кани эди бу билан яралар битса, ногирон ҳаёллар шифотопса, қани эди... Салкам 15 минг қурбон, майиб-мажруҳлар сони 37 мингта яқин! Бу авлодга ном ҳам топилган: «Уруш кўрмаган оталарнинг уруш кўрган болалари». Ном.

\* \* \*

**Сирожиддин Тўракўжаев. 1963 йилнинг 26 январида Тошкентда турилган. 1984 йилнинг 14 январга ўтар кечаси хизмат бурчини ўташ вақтида ҳалок бўлган.**

Иэтиробнинг қора ҳошияси. Айрилиқнинг муддиш чиэги. «1963—1984». Мени бир шафқатсиҳ ҳақиқат ларзага солади: Афғонистонда ҳалок бўлганларнинг кўпчилиги 1963-64-йилларда турилган. Бу рақамларни кўшиб чиқса 19,20 сонлари келиб чиқади. Ўн тўққиё, йигирма ёш! Тақдирнинг ўзи турилган йилларининг санаси билан умрларини белтилаб қўйгандек. «1963—1984». Бу саналар оралиғида кечган муддатни умр деб аташга тил бормайди, бу муддат турилиш билан ўлимни ажратиб турган чизикдан ҳам қисқа, гўёки умид гулбаргларига бир қатра шабнам индию қуёш нурларига етишмайин йилт әтди кетди.

Бўёқлардай рангин тасаввурига  
Хали чанг солмайин кибру қабоҳат.

Уни ўлдирганлар «душманлар» эмас,  
Уни ўлдиргандир бизнинг жаҳолат.  
У кеттанды үн йил уйга навбатга  
Турганлар ниҳоят уйга етгандар.  
Уни ўлдиргандир элни заволга  
Ҳамда мамлакатни чохга элтгандар.  
Асфальт қатламини ёрган ҳар гиёх  
Кўнглини завқларга тўлдиригандилар.  
Уни ўлдирганлар  
бунда боғлару  
Байкал, Оролни ҳам ўлдиригандирлар.  
Лунжлари осилиб чириб тушгунча  
Раҳнамо бўлганлар ўлдириган уни.  
Уйига келаман.  
Яланроҷ январь.  
Ҳовлида чирқирап турилган куни.

\* \* \*

Бу ҳовлига бир ўзим келишга ботинолмадим. Даъда бўлсин учун ҳаётнинг аччиқ-чучугини обдон тотиб кўрган кекса журналист Абдулла Пўлатовдан бирга боришни илтимос қиладим. Йўқ демади. Келдик.

Қўйлиқ мавзеидаги чоққина ҳовли. Киш охири. Осмон тийра. Кўнгил осмондан-да тийрароқ. Шу ҳовлига қадам кўяётib, умримда илк марта ўз исмим ўзимга халал берәётганини англадим. Уйдан барваста гавдали, юзлари қорайиб-қовжираб кеттанды киши чиқди. Ота. «Фам қорайтирган», деб ўйладим дарров. Кўзларимиз бир тўқнашди! Садриддин аканинг кўзларига бошқа тик қарай олмадим. Улардаги мунг юздаги ғам рангидан қуюкроқ, тубсиз эди. Тутанмас андуҳ чинқириб ётарди уларда.

Уйга кирдик. Ҳонтахта. Кўрпачалар.

Жикқакина мома дастурхон тузаяпти. Салом бердик. «Сирожиддин шу кишининг қўлида катта бўлган, бувиси», — деди Садриддин ака. Мулозаматдан сўнг ўтиридик. Жимлик... (Ҳеч бир оиланинг бошига солмасин бундай жимликни!) Кейин буви нола қилади:

— Болам шу ергинада ётарди ҳар сахар ўзим уйғотардим чинникосани тұлдириб шу қаймоклардан ичарди олинглар силага насиб қылган экан ман Худодан әмас бандасидан күраман болам болам... тирик кеттан боламни бүйи икки метрлик боламни тобуттга солиб қайтаришди тобут ҳам кичкина хонтахтача келади (бүрзимда тош ёш, қоядай бүт үтирган Садриддин aka құза олдымда муштдай кичраяди. Пұлатов йиғлайды) тобутни очиргани қүйишмади бу манинг болам әмас деб дод деб ёқаларига ёпищдим... кейин үрден беришди қиәил юлдуз деган беш йил бўлди эшик тиқ этса болам дейман болам болам...

Дўстлари келсаю келмаса болам,  
Дўстлари кулсаю кулмаса болам.  
Бир пайтлар сочини тўзғиттан еллар  
Ховлида елсаю елмаса болам.  
Яхши кўрган қизи келиб йиғласа,  
Сўнгра тўй бўлсаю билмаса болам.  
Суратдан чиколмай мўлтираб зор-зор  
«Тўйлар муборак»ни тингласа болам.  
Куйган кечаларда уйқум келмайин  
«Милт-милт» юлдуз бўлиб имласа болам.  
Фира-ширалиқда дарахт эшиқда  
Боламдай турсаю кирмаса болам.  
Сахар косаларга қаймоқ тўлсаю  
Кексайтан бу кўнглим тўлмаса, болам.  
Кеча топширишди «Қиәил юлдуз»инг,  
Орденин «болам» деб бўлмаса, болам...

\* \* \*

Сирожиддин қанақа бола эди?

Садриддин aka сўёсиз сўровимни илғагандай күйиблар кетади, армон қылади:

— Феъли ўэгача эди унинг. Эгриликни билмасди, кишининг раҳми келадиган даражада тўғри эди. «Сен болам ҳаётда кун кўришинг ҳали қийин бўлади» дердим. Болалигидан сурат чизарди. «Битта ишимни Италия ё Франци-

яда кўрсатмагунимча «кўймайман» дерди. Ҳаёт бўлганда бу йил битириши керак эди. Жуда кизиқ эди-да у. Армияга кузаттани вокзалга чиққанимизда қайси шаҳарга тушиши бизга ҳали маълум эмасди. Поезднинг ичидаги офицерлардан билиб олганми, жўнаёттандаги вагоннинг ойнасига туюнинг расмини чизганди ўшанда. Бу — «саҳроға, Туркманистонга кетяпмиз» дегани эди. Кейин хат келди. Афғонистондан... «Бўёқларимни ҳидини соғиндим» деб ёзарди. Бир хатида блокнот варагига сурат чиэзиги юборибди: бўри, бўрининг пешонасига тегиб ортта қайтаёттан тош... «Ҳа болама, — дедим,— пешанангта тош тегиптида!..» Вой болам,вой-вой болам бечораей! Бизларни ҳам бир болта уришдида! Уришганда ҳам ёмон уришди!..

Ота, мен ҳакимда гапириб беринг  
Мени сўраб келганларга,  
йўқлаганларга.

Мени ёқламаган, ёқлаганларга  
Ота, мен ҳакимда гапириб беринг!  
Ииллар енгтайдирлар Сизни ҳам охир,  
Дилда соғинчингиз борграйди йиринг.  
Мени излаб келган ёзу қишлигарга  
Ота, мен ҳакимда гапириб беринг.  
Кунгай кунга етмай кўйиб кетдим мен,  
Кунгай чорпояда бир эум ўлтиринг.  
Мен расмини чизган терак, толларга  
Ота, мен ҳакимда гапириб беринг.  
Хуфтон,

чора топмай хуфтон кўнгилга,  
Ҳеч кимга билдиримай хонамга киринг.  
Узим чизиб кетган ўз суратимга  
Ота, мен ҳакимда гапириб беринг.  
Ота, мен ҳакимда гапириб беринг.  
Кечиринг, тўйларга буюрмадим мен.  
Фарзандлар сингари — Сиз ҳакингизда  
Гапириб беришга улгурмадим мен.

\* \* \*

## Хатлар.

Уларда ўлим йўқ. Умид ва соринч бор уларда. Ўкиётиб, уларни ёзган фарзанд ҳозир эшиқдан кириб келадигандай бўлиб тувлаверади. Бу туюлишлар ушбу хонадонда беш йилдан бўён муттасил давом этиб келаёттанига шубҳа йўқ. Шу даражада муттасилки, энди буви, отаю волида, ука-сингиллар учун эшик эшик эмас, невара — фарзанд — aka тимсолини олган. Улар рутубатли кечаларда ҳовлида шил-дираган хазондан ҳам хушхабар кутадилар. Улар учун дeraзада чайқалган соя дилбандлари бўлиб тувлаверади.

Хатлар. Хонтахтадаги пиёлаларда чойимни совуб қолган, кўрпачада — хатлар, бир йигитнинг илиқ нафаси келаёттан, соринчи, умид-омоли ҳали совуб улгурмаган хатлар!..

«... уйдаги ишлар қандай кетяпти? Ромларни қилишни ҳам бошлаб юборгандирсизлар?..»

Илкис ҳовлига қарайман. Ён томондан янги иморат тушган. Янги эшик, янги ромлар — ҳали бўялмаган ҳам, ойна ҳам ўрнатилмаган. Бу, балки, фарзанд хизматдан қайтгunga қадар битниши лозим бўлган, фарзандга ният қилинган уйдир? Ота-она келин туширамиз деб орзу эттан умид уйи шудир балки? Синчлар тил чиқарсалар — осмон ёниб кетарди, остоная забон битса — шахар сел бўлиб оқмоги муқаррап!

«...Мандан хавотир бўлманглар. Ўзимни эҳтиёт қилиб юрибман. Ойижоним ҳам хавотир бўлмасинлар. Бу ёғи, Ҳудо ҳоҳласа, яхши бўлади...»

«...Бу ерда хат олиш жуда бошқача бўлар экан. Нима билан шугулланаёттаним ҳакида ёзолмайман... 1,5 йилдан кейин, албатта соғ-саломат бораман...»

«...Энди Сизлар билан фақат 1986 йилни бирга кутамиз... Янги йил Сизларга фақат баҳт келтирсин!..»

1983 йилнинг 21 декабрида бу сўзларни битаётган фарзанд ҳали билмасдики, 24 кундан кейин ҳаммаси тамом бўлади, орзу-ниятлари чиркираб қолади, у ҳатто нима учун, қайси Ватан учун, қандай маслак йўлида ҳалок бўлганини билмасдан ҳайронлар кетади. У ҳали билмасдики, янги йилнинг 25 январида, яъни туғилган кунига бир кун қол-

ганды туғилиб-ўсган ҳовлисига биқинида «Очиш мумкин эмас» деб ёзилган тунука тобутни күтариб кирадилар ва бу күтининг ичидә унинг борлигини ҳам, йўқлигини ҳам ҳеч ким айтиб беролмайди, у ҳали билмасдики, Савр инқилоби деган шовкин-суронлар сиёсий алаҳсирашдай бир гап бўлиб чиқади ва бу алаҳсираш салкам 15 минг ўғлоннинг умрини ҳаёз қилганини, 37 мингта яқин гулдай йигитни ногирон эттанини, у ўзини эҳтиёт қилиб юрса ҳам, «инсонпарвар» мамлакатининг калтафаҳм пешволари уни аллақачон ўлим комига топширганини у ҳали билмасди! У ҳали билмасдики, унга аталган уйнинг ромлари олти йилдан кейин ҳам бўялмайнинг қолаверади, уларни бўяшга, ойна ўрнатишга отаси-нинг қўли бормаслигини у ҳали билмасди...

Хатлар ичра бир хат...

Мен бу хатнинг чиқишини билардим, одобдан бўлмасада, кўнглимнинг қай бир гўшасида бу хатни ўқиб кўришга илҳақ ҳам эдим, айни пайтда, Ҳудоё!. Лекин хат қўлимда эди, энди уни ўқимаслик асло мумкин эмасди ва отадан ҳамда уни ёзган қиздан ғойибона изн сўрадим. Гарчи бу номанинг қўлидан энди ҳеч нарса келмаса-да, гарчи, гарчи... Хат Сирожиддиннинг номига ёзилган эди ва ўлимидан сўнг шахсий буюмларига қўшиб оиласа топширилганди.

«Менинг ягонагинам!

Биз сен билан бир йилда, бир ойнинг бир кунида туғилганимиз. Биз ўн саккиз ёшда учрашгандик ва мангу бирга бўламиз! Бизни ҳеч нарса энди бир-бири миздан ажратолмайди! Биз ҳамиша бирга бўламиз. Биз вақтдан ҳам кучлироқдирмиз. Сени яхши кўраман. Сенга ишонаман! Сенинг...»

Ҳамма нарса — хонтахта, пиёлалар, теграмдаги ғамзада қиёфалару деразалар нохос чекинади, уларнинг ўрнида оқиш кўланкалар қолади, сўнг булар ҳам ғойиб бўладиую қарслаб ёмғир қуяди, ва мен ёмрилар остида куйиб кетаётган бир қизни кўраман.

Бир йилда туғилганлар,  
Бир ойда туғилганлар,

Бир кунда туғилғанлар,  
Бир юртда туғилғанлар  
Ва үн саккиз ёшида  
Убрашиб, севилғанлар  
Убрашмаслар ҳеч қачон!

Асрлар тұқнашгайдыр,  
Топишгайдыр замонлар.  
Қүш олтын ҳалқа янглиғ  
Мос келгайдыр армоналар.  
Факат... үн саккиз ёшда  
Берилған ахд-паймоналар  
Қолгайдыр зору сарсон,  
Убрашмаслар ҳеч қачон!

Сиймінтан самоларнинг  
Кўксин ювар ёмғирлар.  
Севишганлар бошидан  
Севинч қуяр ёмғирлар.  
Сенинг бир армонинг бор,  
Айтсанг — қуяр ёмғирлар.  
Қайдасан, қора мижгон?  
Қайдасан, тоза жаҳон?  
Үн саккизда кеэзганлар  
Убрашмаслар ҳеч қачон!

Бир исм қолди, холос,  
Гул күйиб кетмоқдасан.  
Гүё ўз қисматингга  
Қўл күйиб кетмоқдасан,  
Соҳилларда гул янглиғ  
Тўкилиб кетмоқдасан.  
Үн саккиздан у ёри  
Сен күйиб кетмоқдасан.  
Үн саккизда — мисли жон  
Дил берғанлар — бу аён:  
Убрашмаслар ҳеч қачон!..

\* \* \*

У рассом эди. Аникроғи, катта рассом бўлиши керак эди. Насиб қилмади, ўэига ҳам, юртига ҳам. Ундан уч юзга яқин иш қолди. Тугалланган, тугалланмаган суратлар. Но-мига бўлса-да (аэбаройи Афғонистонда ҳалок бўлгани учун), ишлари у-бу кўргазмаларда намойиш қилинди, юзта ишини Ҳарбий музей ўз ихтиёрига олмоқчи. Лекин ўзи тирик бўлганида бу ишларни кўргазмага қўйдирмасди. «Ҳали эрта, — дерди. — Ҳали ишлаш керак!»

Суратлар — турилган уйида, мўъжазгина хонада сақланмоқда. Уларнинг ягона паноҳи — буви. Чангларини артиб туради, шу ерга кириб ҳеч кимга билдиримайин кўз ёши қиласди. Биз ҳам рухсат сўраб кирамиз. Хонадан энди бўёклар таровати эмас, ўттан узоқ йилларнинг, эскираётган айрилиқнинг ҳиди келади. Лекин шиша идишдаги мўйқаламлар бу айрилиқни инкор этаёттандай, токчадаги китоблар бир-нимага мунтазир тизилиб тургандай...

У энди ҳеч қачон қайтиб келмайди, бу китобларни ҳеч қачон варакламайди, мўйқаламларни ҳеч қачон қўлга олмайди, бир пайтлар бу суратларни чизаётуб, у билмагандики ҳеч қачон институтни битиролмайди, энди ҳеч қачон кўкламда сурат чизгани Бахмалнинг бахмал қирларига боролмайди. Рўзи Чориев ҳеч қачон Бойсунга олиб бормайди уни, «қайнот ганчдан янги соғилган сут ҳиди келишини» у энди икки дунёда ҳам билмайди, билолмайди! Шерали Жўраевнинг янги қўшиклиарини эшитолмайди. Ҳеч қачон! Икки дунёда ҳам! Шу сабабли унинг «Куз» суратидаги кўклам чинқириғи кишини адойи-тамом қиласди, 1981 йилда чизилган «Автопортрет»даги кўзлар эса яна бироз тикилсангиз йиғлаб юборадиган даражада зорланиб боқадилар.

Тунлар деразамда мўйқаламларинг  
Думли юлдузлардай юзаверади.  
Ойнанинг муэлаган варакларига  
Сенинг суратингни чизаверади.  
Ойна дош бермайди.  
Инграйди ойна,  
Рахна-рахна бўлиб йиғлайверади.

Терак мүйқаламин юргизиб шамол  
Кўкка суратингни чизаверади.  
Тошкент осмонида беш йилдан бўён  
Бир варрак муаллақ турибди ҳамон.  
Туш, дейман.  
Киш ўтди. Ёз ўтди. Тушмас.  
Ерга тушмайдиу кўкда ҳам учмас.  
Айвонга чикаман.  
Ярим тун. Осмон.  
Варрак учган жондай турибди ҳамон.  
Зирқираб ўйлайман:  
Ўтолмайди у,  
Руҳдарга қўшилиб кетолмайди у.  
Шу шўрлик, афтода, ғарип заминга,  
Сизнинг ҳасратингиз,  
Менинг ғамимга  
Узилмаган умид иплари бўлиб  
Богланиб турибди.  
Булутлар юлиб  
Кетмоқчи бўладир — кетолмайди у.  
Ердан кўнгил узиб кечолмайди у.  
Ерда...  
Яна баҳор. Бутана анҳор.  
Биллур ёмғирлардан биллур шомлари,  
Қаймоқдай қиэларнинг чехраларига  
Ол бўёқ сачратар Тошкент томлари.  
Ва бари туш янглиғ сирғалиб кетар,  
Ҳаёт шовуллайди кундузу кечин.  
Тириклар тириклар учун яшарлар, фақат  
Ҳеч ким яшамайди ўлганлар учун!  
Бир бола турилди. Ўсади. Улғайди,  
Чизди.

чўмилгандай қувнаб, расмлар.  
Фақат ўз кулгусин чизолмай кетди,  
Кетди кетган янглиғ тонги насимлар.  
Куртаклар бўртса ҳам Олам — кўхна куй.  
Кўнгилни тирнайди мисли «Дилхирож».  
Олис юлдузлардан бир ўкинч келар:  
«Эҳ Сирож... Сирож...»

\* \* \*

Шаҳарда атлас ёнғин,  
Гуллар портлар Кўкчада.  
Бир кеча суратларинг  
Чиқиб кетар кўчага.

Юлдуз аралаш ёмғир  
Ёнгар ўша тун кўқдан.  
Эски жўвада сен йўқ  
Чилонзорда ҳам йўқсан.

Суратлар сени излар  
Ҳар кўчаю гўшадан.  
Шарпалари етган жой  
Кўклам бўлар ўша дам.  
Рассомлар союзига  
Қоровул киргизмайди.  
Кўрикларда сен йўқсан,  
Сен йўқсан кўргазмада.  
(Тунда бир тўда сурат  
Хадрада сени сўраб  
Инглаб ўтирганини,  
Кечаси кўрганини  
Айтиб берар бир одам).  
Улар уйга қайтмайди  
Колса ҳам жалаларда,  
Урик, олчалар бўлиб  
Гуллайди ҳовлиларда.  
Тонгда отанг лол қолар  
Кўзларини уқалаб:  
Сув солинган идишда  
Барг ёзибди мўйқалам.

\* \* \*

Қабристон.

Февралнинг ўрталари, кўклам нафаси ҳам сезилиб қолган.

Эшикдан кирганимизда четдаги ҳужрадан миқтигина  
бир киши чиқди. Салом-аликдан сўнг ўзимизни таништир-

дик. У киши шу қабристон хизматчиси Жамбул ака экан. Мен гапиролмадим. Пўлатов «Афғонистонда ўлган йигитнинг» қабрини кўрсатишни илтимос қилди. Жамбул ака бир зум тараддулланди, сўнгра айтдики «Кайси бирини? Улар бу ерда саккиз киши...» Мен жунжикиб кетдим, Пўлатовнинг лаблари қуруқшаб пирпирай бошлади. «Рассом йигит, — деди у ниҳоят. — Тўрахўжаев. Сирожиддин». Жамбул ака йўл бошлади, биз эргашдик.

Қабристонга кўклам эрта келади. Ташқарида, шахарда кор уюмлари ҳали эриб улгурмаган эса-да, бу гўшада тупроқ кўпчиб, илк майсалар ниш урган, тепачалар нафас олаётгандай, улар кўтарилиб тушаётган кўкраклар бўлиб туюлади. Кўкламлари бевақт ҳазон бўлганлар ётгани учун шундайдир балки? Сирожиддин бувасининг ёнига қўйилган экан. Ариқ ёқасидаги ўтиричига ўрнашамиз. Жамбул ака тиловат қилади. Кейин Садриддин ака пайдо бўлади. Бу ерга келишимиздан уни огоҳ эттан эдик, уйда ўтиrolмай ортимииздан келибди. Қабрдаги оқ мармар лавҳада ёзув:

**Сержант Тўрахўжаев С. 1963.26.1. — 1984. 25. 1.  
Хизмат бурчини ўташ вақтида ҳалок бўлган.**

Лавҳада унинг сарфиш рангдаги бўртма сурати ҳам ўрнатилган. «Буни ўртоқлари қилган», — дейди Садриддин ака.

Таомилни бажардик ҳисоб, лекин нимадир мени кеттани қўймайди, нимадир қадамларимни чанглаб тургандай, нимадир... Жамбул акага ўтириламан, миқтигина одам баттар кичрайиб кетгандай туюлади, қақшабон айтаманки, бошқа йигитларнинг қабрини ҳам кўрсатсангиз. У йўл бошлиди, мен зргашаман. Номлар.

\* \* \*

Ва мармар лавҳалардан жилмайиб турган, маъсум, маъюс ўсмиirlар нима сабабдан бу ерда ётганиларини билмоқчидаи бизга томон зор-зор термуладилар. Улар суратларда шу қадар маъсум, шу қадар беозор! Улар — табассум бўлиб улгурмаган лаблар, севинчга чорланиб, шу тахлит мангу сурат бўлиб қолган юзлар, деворлардаги кемтик нонлар — улар,

олиммаган суюнчилар, насиб этмаган түйлару буюрмаган күёвлик сарполари — улар, оналарининг дилида ханжардай занглаган соғинч — улар, улар шу қадар маъсум, шу қадар ёш!

«Буларни қаранг, — дейди ёнимдаги миқтигина одам,— буларнинг гуноҳи нима? Буларнинг уволи тутмайдими, а?!»

Мен буларнинг севгисини, орэу-хавасини ёзолмайман, келажакда ҳам ўринлари бўш қолишини битишга қўлим бормайди, мен, масалан, булардан бирорининг оиласда ўн фарзанд ичида катта бўлганини, ўлиги келганда онаси акдан озиб, ҳанузга қадар ўзига келолмай, қолган тўккиз фарзанд ҳам она меҳридан бебаҳра яшаёттанини ёзолмайман, яна кўп гапларни ҳам ёзолмайман мен, чунки... чунки буларга қўшилиб мен ҳам ўз ёшлигимга фотиха тортганман, буларга қўшилиб мен ҳам ҳалок бўлгандайман!

Кетамиз. Хайрлашамиз-да кетамиз! Гўё йиги шишага айлангану бўғзимга қадалиб қолгандай, гўёки тишларим остида йиги эмас, шиша синаёттандай...

Катта йўлда таксига ўтирамиз. Ҳайдовчи, яна икки йигит. Оғайнilar. Ёшлари йигирма тўрт-йигирма бешларда. Кекирик аралаш сухбат. Бирори ўн сих кабоб, яна бирори думба ёғида бўлган ош еганини, роса майшат бўлганини ҳайдовчига айтиб келмоқда. Ҳайдовчи эса «кеча зўр жононга борганини» суюлиб мақтанади. Тишларимда энди шишалар эмас, тошлар синаёттанини англайман. Кўз олдимда эса — мармар лавҳалардаги маъсум болалар.

«Тушамиз!» — дейман Абдулла акага. Тушамиз.

## ХОТИРА

Бу инсоний туйфу олдидағи инсоний БУРЧ — бирорнинг нуридийдаси бўлмиш ўғлоннинг жасадини топшириш, «Сизнинг ўғлингиз хиэммат бурчини бажараётib қаҳрамонларча ҳалок бўлди» деган, ҳалигача бирон-бир ота-она мазмун-моҳиятини англаб етмаган қуруқ сўзларни айтиш ва ёки жувонмарг йигитни тупроқка қўйиб, қабрига мармар лавҳа ўрнатиш дегани эмас. «Кизил Юлдуз» топширилди,

бўлди, буёғи бамайлихотир яшайверсак бўлади», дегани ҳам эмас бу. Асло! Аслида, ўша «Қизил Юлдуз», фарзандининг ўлимидан сўнг ота-онага топширилган ўша чўғдай орден жудоликка кўнига бошлаган нотавонларнинг дардини янгилайдики камайтмайди, куйган қалбларини лахча қўрошиндай баттар куйдирадики совутмайди.

«Елиз ўғилни катта қилган она, ўғли 19 ёшда Афронистонда ҳалок бўлган волида Минск вилоят ҳарбий қўмиссириати сиёсий бўлнимининг бошлиғи ҳузурига ўғлига ёдгорлик ўрнатишга ёрдам беришни сўраб келади шу заҳоти дўк-пўписага дучор бўлади: ўв, нега йиглаяпсиз, нега ҳаммага ўрлим ҳалок бўлди деб валдираяпсиз? Бу ҳақда гапириш мумкин эмаслигини наҳотки билмасангиз? Мен буни тақиқлайман сизга!..»

Белорус ёзувчиси Светлана Алексиевич келтирган бу мисол 37 йиллардан ёки Брежнев давридан ҳам эмас, атиги бир йил олдинги ҳаётдан олинган. Кани инди ўша сиёсий «зийрак» бошлиқ бирорнинг фарзандини била туриб ўлимга юборишни ҳам тақиқлаб чиқса эди ва ҳар бир бошлиқ ундан ўрнак олса эди...

Садриддин ака ҳам ўғлиниң номи учун, номи хас янглир унтулиб кетмаслиги учун кўп югурди, ҳозир ҳам югурияпти. Ҳар турли ташкилотларга, идоралару маҳкамаларга қатнайвериб, ҳамдардликни ҳам, таъна-дашномларни ҳам кўп эшилди. Уғлиниң хотирасини абадийлаштириш масаласида борганида мингбошилардан бирин унга, масалан, шу таҳлит жавоб берган: «Бизни тўғри тушунинг. Афронистонда ўлганлар жуда кўп. Ҳамма кўчаларга уларнинг номини беролмаймиз».

Илоё, бу йигитларни Худонинг ўзи авф этган бўлсин ва ўз раҳматига олган бўлсин! Уларнинг руҳлари то ҳануз самоларда чиркираб юрибди, мунглуғ ва ўксик руҳлар.

Кечир Сирожиддин, келганим учун,  
Беш йил келмаганим учун кечиргин мени!  
Дардини янгилаб яқинларингни,  
Дардин олмаганим учун кечиргин мени.  
Сендин сўрамайин суратларингни  
Кириб кўрганим-чун кечиргин мени.

Жонсиз сурат бўлиб боқиб турганинг  
Ва мен тирик турганим-чун кечиргин мени.  
Овозим етмайди.  
Овозинг келмас.  
«Кора лолалар»га айттиrolмайман  
Ва руҳни беш йиллар яғир айлаган  
Шеърлар билан сени қайтаролмайман!  
Софинчинг совуиди пиёлаларда,  
Бувинг ўлтиради ҳўпламлаб ичиб.  
Кечир, мен ичганим бир қултум чою  
Бу йил эрта келган қўкламлар учун!  
Ҳаёт шовуллайди билмай ниҳоя,  
Яшаб бўлгандайман гўзал қисмини —  
Туганмас қарз янглиғ тириклиқ аро  
Мен олиб юрибман сенинг исмингни.

\* \* \*

Генерал йиглади. 1989 йилнинг 15 февралида, «Термиз — Ҳайратон» кўприги устида куппа-кундузи, бутун инсоният кўзи олдида генерал йиглади! Салкам 15 минг аскарнинг ўлимини кўриб йиғисини ичига ютган, 37 мингта яқин майиб ўрлоннинг кўзига боқиб кўзёшини кўрсатмаган генерал йиглади! «Термиз — Ҳайратон» кўприги устида куппа-кундузи, бутун инсоният кўзи олдида бронемашинадан тушдию пешвоз олгани чиққан ўн тўрт яшар ўслини қучиб йиглади...

1989 йил, январ — март.



acmacom



## ҚАЛДИРГОЧ КҮЭЛИКЛАРИМ

*Киазм Нигинага*

Сиз — қаро сочликларим,  
Ой-күёш юэликларим.  
Қалдирғоч қошликларим,  
Қалдирғоч күэликларим.  
Хәётим бўстонида  
Қатор кеттган фунчалар.  
Күёш тонгдан сут олиб,  
Сизга ёпгай кулчалар.

Булоқлардай соф, тиник  
Жилваларим сиз менинг.  
Сахардан ўйноқлаган  
Жилғаларим сиз менинг.  
Кун бўйи живир-живир,  
Сиз — новвот сўэликларим.  
Менинг шўхликларимсиз,  
Қалдирғоч күэликларим.

Мұхаббатнинг нурлари,  
Сиз — меҳордан толалар.  
Кўнгилларимга пайванд,  
Умримдаги лолалар.  
Менинг такрор баҳорим,  
Дунёда изликларим.  
Эрка ҳам нозликларим,  
Қалдирғоч күэликларим.

Сиз бирлан хаёл етмас  
Манзилларга еттайман.  
Тўлқин-тўлқин йилларим,  
Дарё бўлиб кеттайман.  
Сиз — тошқин шодликларим,

Сиз — менинг ўэликларим,  
Қалдирооч қошликларим,  
Қалдирооч күзликларим.

Кийикларим бор менинг,  
Күкракларим төр бүлгай,  
Сиз улрайган бу тупроқ  
Чаман бүлгай, бое бүлгай.  
Эриб кеттәй дилдаги  
Минг йиллик музликларим,  
Қалдирооч қошликларим,  
Қалдирооч күзликларим.

2004

## ИФТИХОР

Тонг қүёши күрпа ёйган  
нурлы айвоним менинг,  
Бир диёрға бүй тараттан  
даста райхоним менинг.

Мен қүёш фарзандиман деб  
не учун завқланмайин,  
Бешигимни шуыладин  
тебратди осмоним менинг.

Қалдироқларга гул ортиб  
кетдилар күкламларим,  
Бир умр гул бирла бўлди  
vaslu xижроним менинг.

Мўйсафид тоғлар яна бобо  
адирлар ўлкаси,  
Камтарин эл кўнглидай кенг  
дашту сайҳоним менинг.

Мен шу эл заҳматларидан  
дилни шудгор айладим,  
Манглайнинг терлари ҳам  
гавҳари жоним менинг.

Бир факириң қалби юз минг  
шоху султондин баланд,  
Уйдаги ҳар боласи бир  
шоху султоним менинг.

То шу тупрөк бор экандир  
менда ҳам битмас сухан,  
Токи шеъру сүз ародир  
сайру жавлоним менинг.

Бунда ҳар бир кишинаган той  
Бойчиборлар бўлгуси,  
Ҳар ўрил — Алломишим,  
полвони — дехқоним менинг.

Киприги ойларга теккан  
эрка Ойбарчинларим,  
Қошлари чанту губору  
чехра хандоним менинг.

Мен қўлингизнинг қадогига  
Ватан деб юз босай,  
Арзигайму байтларим ё  
шеъру достоним менинг?

Мангу сўлмас Термизийлар  
ўтказиб кетган чинор,  
Рұхлари осмонларимда  
мангу посбоним менинг.

Кўхна Жайхун мавжлари  
кетган Ипак йўлларча бор,  
Кўксидা оламни бўйлар  
янги карвоним менинг.

Ору номусдан келур  
бунда азалдан ҳар юрак,  
Гул бўлур, бўстон бўлур бу  
кўхна кўрғоним менинг.

Ўзбекистон, она Юртим,  
юзлари порлоқ Ватан,  
Юзлари ёруғ диёrim,  
тантн Сурхоним менинг.

2003

\* \* \*

Юртим, сенинг олтин қуёш толаларинг,  
Ҳаётимга ҳаёт ёмғир, жолаларинг.

Тупроқ бўлиб сингтиб кеттум бир кун мен ҳам,  
Юрагимдан униб чиққай лолаларинг.

Ҳазин-ҳазин ҳилолларинг жоним ўртар,  
Мозийларда қолган бўлсин нолаларинг.

Сенга кўэин олайтириб юрганлар кўп,  
Ичингдадир қанча ичи олаларинг.

Бобур янглиғ ҳар ким дилдан суйиб ўтсин,  
Машраб янглиғ — чин ошику волаларинг.

Тўралармас, бешиклардан тушиб, асл  
Фарзандларга айлансиналар болаларинг.

2004

\* \* \*

Мен кўнглимни гулга бердим,  
Гулнинг новдасига қийин.  
Майн ичдим, болин сўрдим,  
Ишкнинг бодасига қийин.

Ёр зулфини дом билган у,  
Доим ажиб ҳол бирлан у,

Бүйнидаги хол бирлан у  
Маржон шодасига қийин.

Ошиқ деган ташна кетар,  
Фамгин назар ташлаб кетар,  
Муромбирлар яшнаб кетар,  
Бари соддасига қийин.

Навоийдан дил олмаган,  
Машрабдан бир қил олмаган,  
Ошу нон деб илм олмаган  
Инсон подасига қийин.

Килмайин юз-хотирини,  
Күролмаса бир-бирини...  
Уйлайвериб тақдирини,  
Юртнинг отасига қийин.

Ватан — юксак номус-ордир,  
Кимлар учун у рўзгордир.  
Гарчи Темурлари бордир,  
Темурзодасига қийин.

2004

## БЮЮК ИПАК ЙҮЛИ

Келаверар карвонлар,  
Кетаверар карвонлар.  
Қадим Ипак йўлдир бу —  
Ҳам севинч, ҳам армонлар.

Ингирма бир асрдир,  
Бардошу ҳам сабрдир.  
Халқлар қурган қасрдир —  
Гоҳ созу гоҳ вайронлар.

Бунчалар кенг бу очун,  
Бир томони Чин-Мочин.  
Инсон ёса қулочин,  
Фурур бўлган осмонлар.

Чўлмас қўкларга етган,  
Ўлмас эркларга етган,  
Улуғбеклардан кеттан  
Юлдузларга унвонлар.

Оврупюми, Осиё —  
Бир қуёш, бир ой — зиё,  
Адолатта, эй дунё,  
Бағринг бўлсин айвонлар.

Инсоният, маконинг —  
Ўт ҳам сув тўрт томонинг.  
Маърифат ҳам иймонинг  
Сенга бўлсин қалқонлар.

Биз оламга тикилдик,  
Гоҳ туриб, гоҳ ийқилдик.  
Қаддимиэни тик қилдик,  
Келди давру давронлар.

Кунчиқардан чиққан кун  
Сурхонда тунар ҳар кун.  
Ёпонча сўйлар бутун  
Термиздаги қўроғонлар.

Буюк Ипак йўлдир бу,  
Минг миллат, бир тилядир бу.  
Аждодлардан қўлдир бу  
Авлодларга томонлар.

Шанхайдан бошланган тонг  
Тошкентда отса не тонг?  
Олти султон — бир қўроғон,  
Эзгуликка сорбонлар.

Дунё, сен солгин назар,  
Манзилларинг бўлгай зар.  
Абадиятга қадар  
Тўхтамас бу карвонлар.

2004

## ЖУФРОФИЯ

Олам кизик:  
Күэлайсану,  
Түрт томонга чопгайсан,  
Хиндистонни излайсану,  
Амриқони топгайсан.

Күхна дунё сирларидаң  
Күмлар күргөн йиккайдыр.  
Кадим Термиз кирларидаң  
Япония чиккайдыр.

2003

## ИНТЕРНЕТ

Интернет, айланай номингдан сенинг,  
Гапга лим-лим түлүр жомингдан сенинг.

Бугун бу дунёниг эгаси сенсан,  
Пойёсисә оламнинг эркаси сенсан.

Секин Ер юзини айладинг ишфол,  
Бир ишиңг яхшию, бир ишиңг — ишкал.

Сен сўнмай, сўлимай ёз-киш яшайсан,  
Китъадан қитъага миш-мин ташийсан.

Зангор кўэларингда ҳамма нарса бор:  
Ким ишдан кетдию, ким эса — бемор.

Тунлар ёритасан кулдонларни ҳам,  
Бир зум тинч кўймайсан сultonларни ҳам.

Ишиңг бор подшою чўпонга қадар,  
Дарров еткизасан ёпонга қадар.

Кочиб қутулмагай сендан пулдорлар,  
Танноз санамлару сатант дилдорлар.

Гарчи кеча-кундуз уйқуларинг йўқ,  
Лек сенинг инсоний туйгуларинг йўқ.

Қалбу рүэзорига кириб бордингми,  
Бирор камбағалдан сен ҳол сүрдингми?

Бойсунда бир мунглұғ мактаб — интернат,  
Хабаринг бормидир бундан, Интернет?

Үйласам, күзимда жолаларим бор,  
Унда менинг маңыос лолаларим бор.

Улар ҳали ўсиб чинор бўлгайлар,  
Улгайиб сохиби диёр бўлгайлар.

Очиқ айтайнми энди бетингга:  
Ота бўлоддингми бирор етимга?

Туганмас фол билан ромингдан сенинг,  
Интернет, айланай номингдан сенинг!

Зўр бўлсанг хабар бер, бергил кафолат,  
Қачон Ер юзида тутар жаҳолат?

Одамзот меҳрга қачон тўйгайдир?  
Қачон ёмонликнинг уйи куйгайдир?

Айттил ука-синглим, яна боламга:  
Қачон муттаҳамлар битар оламда?

Тонг чоғи сен шамол эстириб бергил,  
Зўр бўлсанг, бир ниҳол ўстириб бергил!

Сен асли камолот белгиси, ҳузур.  
Сал ранжиттан бўлсам, Интернет, уэр.

Сенда ҳам бир ажиб тантиликлар бор,  
Янги келинчакдай янгиликлар бор.

Олис элларга нур ришталар еткиз,  
Менинг юртимдан ҳам муждалар еткиз.

Токи хуш сахарлар кўмсин дунёни,  
Кўмса хушхабарлар кўмсин дунёни!

2003

## СЕН ЁЛГИЗ ЭМАССАН

Сен ёлгиз эмасдирсан,  
Бу дунёда миннат бор.  
Хар инсон боласининг  
Манглайида бир хат бор.  
Яхшилик ҳам туганмас,  
Ёмонлик ҳам факат бор.  
Ва лекин бир гул диёр,  
Куй-разал, булбул диёр —  
Унда битмас мухаббат,  
Унда меҳру шафқат бор.

О, ҳаёт, кўчаларинг,  
Фунча ҳам гулчаларинг!  
Мехрибонлик уйида  
Мен кўрдим кўлчаларинг,  
Бир асал тилчаларинг,  
Бир ширин кулчаларинг.  
Қалдирғоч, қуғчаларинг,  
Қизу ўрилчаларинг,  
Булар улрайса ҳали  
Боғ бўлгай гўшаларинг.

Қуёш ҳам Мехро ахир,  
Оlamda айлангайдир.  
Мехрсиз жойда умр  
Мотамга айлангайдир.  
Кўнглинг очсанг майса ҳам  
Болангта айлангайдир.  
Бошинг узра Ватанинг  
Онангта айлангайдир.  
Бир кун бу полапонлар  
Одамга айлангайдир.  
Эл номин осмон этиб,  
Оlamга айлангайдир.

Бўстонимда саф тортиб,  
Очилгувчи гулларим.  
Болам десам, ҳар доим,  
Жимирилаган дилларим.  
Менинг бедор маконим,  
Чароғон манзилларим.  
Бийрон тилим ўзингиз,  
Менинг уйғоқ ийлларим.  
Сиз менинг жаҳрнларга  
Элтар кўприк, йўлларим.

Кора қош ҳам кора кўз  
Канча бола бу юртда.  
Тириклик чечаклари,  
Гул ҳам лола бу юртда.  
Ой-куёш ҳам бир тўхтаб,  
Ўйлар: қолай бу юртда.  
Сувларидан, куй берив,  
Куйлар олай бу юртда.  
Юртим десам, онам у,  
Онам десам, бу — юрт-да.

Сен ёлғиз эмассан, юрт,  
Меҳдир дўст тутганинг.  
Захматларни жим торта,  
Дунёга кўз тутганинг.  
Улувларинг хокини  
Кўзларингга суртганинг.  
Бир фарзанд ўстирганинг —  
Бир Ватан ўстирганинг.  
Бир ўғлон ўстирганинг —  
Бир қўроғон ўстирганинг.

2004

## УМР

Умр аввал шүх, ўйноқи тойга ўхшар,  
Жилға бўлар, сўнгра тошқин сойга ўхшар.  
Куёш янглиғ чарақлагай тонг чорида,  
Кўкламдаги ёмғир ювган ойга ўхшар.

Болалигинг жаннатидир ота ўйинг,  
Унда сенинг бешикларинг, бешик тўйинг.  
Қадди эгик отанг бўйи, сенинг бўйинг,  
Устоз айттандайин камон, ёйга ўхшар.

Баланд-баланд төғларингда қоринг бордир,  
Молинг йўқдир, лекин дилда оринг бордир.  
Иигитлигинг, гар қаламқош ёринг бордир,  
Юз минг динор, тиллоси бор бойга ўхшар.

Кўз ўнгингда бозорлари, баҳорлари,  
Бу дунёниг гулэорлари, гулёрлари.  
Ўтаверар унинг ёғоч тулпорлари,  
Бу ёни кир, у ёни сир жойга ўхшар.

Изларин ўп яхшиларнинг йўлидаги,  
Ешлигинг бир оқкуш даҳр кўлидаги.  
Умр асли кекса онанг кўлидаги  
Софинг тўла бир пиёла чойга ўхшар.

2004

## НЕЧУН?

Юрагимнинг айвонига  
Меҳмон бўлган меҳмонларим,  
Қилдай ёруғ кунимни ҳам  
Кўролмаган ёронларим.  
Кимлар ҳасад дарёсида,  
Кимлар ғарағ саҳросида,  
Ўтиб-ўтиб бормоқдамиз  
Дарду ҳасрат дунёсида.

Баланд-баланд томлар солиб,  
Тубан-тубан ишлар қилган.  
Баҳоримни, ёзимни ҳам  
Бир лаҳзада қишлиар қилган.  
Мен ўйладим: гаштиң сургум,  
Құлларимда торим келди.  
Шундай элдошларни күрдим,  
Ич-ичимдан орим келди.

Күнгил йули — чараклаган  
Осмон эди, найсон эди.  
Бу дунёда менинг асли  
Излаганим инсон эди.  
Ёмонларга нечун сенинг,  
Нечун доринг келмас, ҳаёт?  
Ёлонларга бағринг кенгdir,  
Нечун оринг келмас, ҳаёт?

2003

## ҚУРБОНЛИК ҚҮЙ

Худди жаннат жамолидай  
Бир тонг эди,  
Оlam бир ён,  
Сенинг күзинг бир ён эди.  
Кечир мени,  
Мен ёнингта боролмадим,  
Жовдираган күзларингга қаролмадим.

Үзларича құли очиқ, хотамлари,  
Нечук одам  
Бу дунёнинг одамлари?  
Нечун сени,  
Нечун сени сайладилар?  
Ётқиздилар,  
Оёқларинг бойладилар.

Нечун бўйнинг бермай,  
Ерга уравердинг,  
Бошгинангни қорнинг томон  
Буравердинг?  
Оёқларинг нечун бунча ташлашдилар?  
Қорнинг тирнаб,  
Нени бунча талашдилар?

Бу дунёда куйдириган  
Ҳам куйган инсон,  
Үнг келганда  
Үз боласин сўйган инсон.  
Қурбонлик кўй,  
Майсаларга қонинг томди,  
Жондираган кўзинг билан  
Жонинг томди.

Кўтаришиб,  
Осадилар сўнг оғингдан,  
Сахар ичган сувинг  
Оқди томоғингдан.  
Кўз ёшишни  
Қонинг билан қордиларку,  
Теринг шилиб,  
Қорнингни ҳам ёрдиларку!

Наҳот ҳайвон қисматин ҳам  
Давоси йўқ?  
Қўэиларинг ётар эди  
Қўзи юмук.  
Жонсиз қорнинг,  
Чавоғларинг болиш бўлиб,  
Ётар эди улар  
Тилсиз нолиш бўлиб.

Ҳаёт менга  
Кўп ғамларни қайтиб берди,  
Буни менга бир оғайним  
Айттиб берди.

Жонзот кўзи билан  
Боқсанг гоҳ ҳаётта,  
Нафратларинг келиб кетар  
Одамзотга.

Кечалари мен ҳам  
Уйроқ алам билан,  
Юрак-бағрим тиғлайдирман  
Қалам билан.  
Лекин унга  
Бир тасалли беролмайман,  
Юрагимнинг кўзларига  
Каролмайман.

Жонворгинам,  
Дунё нечун кирлардадир?  
Ҳаёлларим  
Сен ўтлаган кирлардадир.  
Кўймас сира,  
Қулогимдан кетмас нари,  
Кўзи юмуқ кўзиларнинг  
Маърашлари.

2004

## ҲИЛОЛ

Чиқдингми ҳилолим,  
Мунглуг ярим ой,  
Энди ғам қорищди фурсаларимга.  
Сен зиё сочмассан,  
Қўшмассан чирой  
Менинг ҳасратларим, ғурбатларимга.

Инсон келармикан эртами ё кеч  
Дунёга дон каби янчилмоқ учун?  
Ҳилолим, осмонга чиқдингми бу кеч  
Укамнинг қабрига санчилмоқ учун?..

2003

## МАРХУМЛАР

Мархумлар биалардан донороқдирлар,  
Олий қисмат таъмин бўлганлар тотиб.  
Улар сўзламаслар, лекин ҳақдирлар,  
Бизлар-чи, юрибмиз сафсата сотиб.

Сокин мозорлари — нақлу пандлари,  
Ойлар ҳам бир тўхтаб, сўнг ботгайдирлар.  
Оlamning энг улуғ донишмандлари —  
Киёматта қадар жим ётгайдирлар.

2003

## АЁЛ МАНЗУМАСИ

Бу диёрда ору номус,  
шашну шавкатдир аёл,  
Мехро шафқатдан яралган,  
мехру шафқатдир аёл.

Оlam уэра бир күёш бор,  
битта ой бордир, валек,  
Ердаги нур — мөхитобон,  
шамси талъатдир аёл.

Она сўзи юрт сўзи бирлан  
нечун пайвастадир?  
Бир улуғ элдир, Ватандир —  
шунга сархатдир аёл.

Кўкдаги кунларни ҳам  
чарчаттуси меҳнатлари,  
Уч юз олтмиш томири  
иш бирла заҳматдир аёл.

Жон десам жононадир,  
жоним десам жонимдадир,  
Ул муҳаббат оламига  
мангу даъватдир аёл.

Мен қошингизнинг қаросидан  
дилимга хат олай,  
Вах, нечук нозик нафосат,  
инжа санъатдир аёл!

Бу гўзал нозу адолар  
хеч адолар қилмагай,  
Кайта-қайта жон ато  
этгувчи ҳайратдир аёл.

Умрингизнинг боғларига  
файз берган ҳам ўшал,  
Билсангиҳ Ҳакдин мукофот  
ҳамда рағбатдир аёл.

Онажоним, Она юртим,  
давлатинг кам бўлмагай,  
Токи сен борсан жаҳонда  
катта давлатдир аёл.

2004

## КУЛЧА

Ошиқларнинг бир кўчаю,  
Бунда бир тандир кулча.  
Осмонда ой бир кулчаю,  
Сенинг юзинг — бир кулча.

Бир ҳовли ҳам бир уйчаю,  
Ичи тўла гулғунча.  
Бунда бир тандир кулчаю,  
Сенинг юзинг — бир кулча.

Бир йўлакча, бир йўлчаю,  
Унутмасман, ўлгунча.  
Сенинг юзинг — бир кулчаю,  
Кимларга тақдир кулча..

Кўнгил энди зор гўшаю,  
Иллар қайдадир кулча?  
Колиб кетди бир кўчаю,  
Кўкларда ой — сир кулча.

2004

## ТАҚРОР

Тун чори бир шамол эсдию кетди,  
Гулнинг титроқлари бўйнимга тушди.  
Ер ўз сочларидан узун дор этди,  
Зулфин сиртмоқлари бўйнимга тушди.

Осмонлар айланиб, ойлар тўлдилар,  
Кошлар камон тортиб, ёйлар бўлдилар.  
Кўллар, кокиллари сойлар бўлдилар,  
Ундан ирмоқлари бўйнимга тушди.

Ё раб, бу қандайин кўргулик, омад!  
Хушқадам, хушқилиқ, хуш қадду қомат,  
Бир тун савдосида махшар-қиёмат  
Савол-сўроқлари бўйнимга тушди.

Ҳаётнинг энг гўзал, шоҳ устунлари,  
Ваҳ бу устунлари, воҳ устунлари!  
Мухаббат қасрининг оқ устунлари —  
Ернинг оёқлари бўйнимга тушди.

2003

## ФУРКАТ ФАЭЛАЛИГА МУХАММАС

Кўзлари бегона эрмас, дўсттина, элдошгина,  
Зулфлари ҳам ўйласам, кўнглим билан тилдошгина,  
Йўлга солсам, бир умр бўлгай манга дилдошгина,  
Тангри берди ногаҳондин бир нигори ёшигина,  
Қомати нозиккина, кўп эркаю авбошгина.

Гул қидирдим бу жаҳонда, булбули сахро әдим,  
Үз дилимдан ҳам аразлаб, гоҳида айро әдим,  
Дил ўшал дарё әдию, мен ўшал дарё әдим,  
Неча муддат гӯши ғамда ажаб танҳо әдим,  
Эмди жоним пардасида асрайн йўлдошгина.

Менга ёр ўлгайми деб ўйлар әдим оз-озгина,  
Ишвасидин гап олиб, сўйлар әдим оз-озгина,  
Гарчи аввал мен гумон айлар әдим оз-озгина,  
Ишқ дардини баён айлар әдим оз-озгина,  
Ёшлингидин қилади охир сирларимни фошгина.

Хат чизиб мижгонлари бори ҳаётим захмига,  
Гул хаёл айлар әдию, мен хаёли раҳмига,  
Бормас эрди лек ўзи ҳам ўз ҳаёли фаҳмига,  
Зулфининг шомида ул маҳнинг жамоли шамъига,  
Айланурга жон куши парвонадек хаффошгина.

Изларидин энди из ўрнига қолгай менга жон,  
Мен эгилмасман камондек, токи бул — қоши камон,  
Холи ҳам заҳматларимнинг нуктасидин бир нишон,  
Ингларимни шиддатидин оқти ашк ўрнига қон,  
Раҳм ила парвоси йўқ жонон юрги тошгина.

Юзларига термулиб ҳам қўймади армон мени,  
Қайга келдим, қайга элттай бу гўзал жайрон мени?  
Не учунким ёр билан ҳам қўймади хижрон мени,  
Оқибат даврон жафоси қилади саргардон мени,  
Топмадим бир муниsekим, бўлса хуш кентошгина.

2002

## ДАСТХАТ

### Кирқ ёшлилар дафтариға

Биз ҳам яшаётірміз,  
Кирқдан ошаётірміз.  
Ярми оқ, ярми яшил  
Кирдан ошаётірміз.

Оқшомиміз кулрангдир,  
Пиёламиз гулрангдир.  
Бу не маъюс жарангдир?  
Нечун тубинда зангдир?  
Назар ташлаётірміз,  
Кирқдан ошаётірміз.

Мұхаббатми ё ҳикмат?  
Мехнатми ёки миннат?  
Севгими ёки сароб?  
Севинчми ёки азоб?  
Кайга шошаётірміз?  
Кирқдан ошаётірміз.

Түймай ота-онадан.  
Кисмат курган бинодан,  
Гоҳи ибн Синодан,  
Гоҳ нодону донодан,  
Үткінчи бу дунёдан  
Ҳасрат бошлаётірміз,  
Кирқдан ошаётірміз.

Ким күнгидан уёлган,  
Күнгил қолиб, уй соглан.  
Ким дунёга дил бериб,  
Ташвиш, алам, ўй олган.  
Пайғамбарлардан қолган  
Сирдан ошаётірміз,  
Кирқдан ошаётірміз.

## **Янги бояннинг эшигига**

Ҳар нарсада Ўзинг ҳақсан энг аввало,  
Ёмонликни бу тупроқдан кўтартиргин.  
Одамэот ҳам ёғоч янглиғ ўтмасин то,  
Не бўлса ҳам, э Худойим, кўкартиргин!

## **Яссавий девонига**

Бу дунёнинг тубини мен топиб қўйдим,  
Шўралаган тупрогини чопиб қўйдим.  
Сиз bemаслак тушиб кетманг дея, уни  
Яссавийнинг девони-ла ёпиб қўйдим.

## **Оқсарой девори лавҳига**

Гумбазлардан тикилгай  
Темур бобо кўзлари,  
Оқсарой Кўксарой  
ул зотнинг иншосидир.  
Шунчаки айтилмагай  
подшоларнинг сўзлари,  
Подшоларнинг сўзлари  
сўзларнинг подшосидир.

## **Соҳибқирон ҳайкали лавҳига**

Адолат доим шундай:  
кад ростраб тикилгайдир.  
Ёмонлик азал-абад  
ток бўлиб йиқилгайдир.  
Адоват бирлан келса  
энди ҳар қандайин куч,  
Амир Темур ҳайкалига  
қоқилиб йиқилгайдир.

## **Навоий түғилган кун (Хазрат ҳайкали лавҳига)**

Ҳар кўнгил ишқ ичра пок  
тийнат бўлар кундир бу кун,  
Битта сўз олам аро  
зийнат бўлар кундир бу кун.  
Тийра дунёга зиё согчай  
мунаввар бир исм,  
Бир исмдан бир улус  
миллат бўлар кундир бу кун.

## **«Гулистон» китобига**

Ушбу «Гулистон» ичра йўқ  
сўздан гўзалроқ сийму зар,  
Саъдий бобонинг ўзлари  
хикмат чопонин кийгизар.

## **Қодирнийнинг шийпонига**

Бунда Бедил ғазалларин руки, байти бор  
Ва Навоий девонларин сукунати бор.  
Бунда ҳар барг сўйлар ўттан кунлардан маъно,  
Бунда ҳануз ерга қараб турибди Раъно.

## **Ғафур Ғулом сиёҳдонига**

Улуг шоирларнинг қалби  
сиёҳдон бўлган,  
Ёса қони билан ёзган,  
сиёҳ — қон бўлган.

## **«Тундаликлар» китобига**

Бу — бир уйроқ инсон,  
кўнгли бедорнинг  
Умри, фаслари,  
кун, йилларидир.

«Тундаликлар» эмас,  
Асқад Мухторнинг  
Тортган аламлари,  
хун дилларидир.

### «Турналар» китобига

Кайга кетди Расул Ҳамзатов?  
У бир шоир ҳолида кетди.  
Аждодларнинг қаторигаю  
Авлодларнинг ёдига кетди.

Бу дунёга, сўнг бор хўрсиниб,  
Фамгин назар солди-да кетди.  
Одамлардан чарчади охир,  
Турналарнинг олдига кетди.

### Отамнинг пахса деворига

Мен ҳам бу дунёни кўраётиман,  
Пасту баландида юраётиман.  
Отамни соғиниб,  
Отамни қўмсаб,  
Мен ҳам сен каби жим нураётиман.

### Ўроқнинг дастасига

Осмон ўша.  
Ҳамон Етти қароқчи бор,  
Одамзотнинг барига бир сўроқчи бор.  
Кўкарамиз. Бўй чўзамиэ. Сарғаямиз.  
Ҳаммамиэнди ўргувчи бир ўроқчи бор.

### Қамчининг дастасига

Бу оламда қачон дил дилга етгай?  
Умр тулпори ҳам манзилга еттай.

## **Қабр тошига**

Ҳар неки истасанг  
сабрдан топгунг,  
Сабрдан топмасанг,  
қабрдан топгунт.

## **Пиёланинг гардишига**

Пиёла айланар.  
Даврон айланар.  
Айланади Еру  
Осмон айланар.  
Тириклик базмида  
қанча зотлар йўқ,  
Бу пиёла эса  
хамон айланар.

## **Донишманднинг носковоғига**

Киш яхшику, баҳор яхши,  
лекин тўкин ёз яхшидир,  
Урмондаги хом хаёлдан,  
Дўрмондаги роз яхшидир.  
Юраверсанг бу дунёда  
ажиб ҳикмат бўлар умринг,  
Юз муттаҳам дўстдан кўра,  
икки отим нос яхшидир.

## **Полвонларнинг белбоғига**

Ҳаёт ўзи бошдан оёқ  
катта кураш деганидир,  
Курашмасанг ҳайтинг ҳам  
асли нураш деганидир.  
  
Улғайсалар полвон бўлиб  
тузинг ичган ўлонларинг,  
Ет элларда кўкрак кериб,  
юртинг сўраш деганидир.

Писанд қилмай назар солса  
болангта написанд дунё,  
Дунёнинг ҳам бурнига бир  
чертеб бураш деганидир.

Эллинг ору номусидир  
эр йигитнинг белбоги ҳам,  
Юрт номини юксак шараф  
шонга ўраш деганидир.

### «Кора белбоғ»га

Каратэ бу — «қараб теп»ми,  
«кора тер»ми ё?  
«Кора белбоғ» шунинг учун  
корадирми ё?

Корачиқлар кора чўғдай  
тўқнаш келади,  
«Бир карра теп» деган сўз ҳам  
уйқаш келади.

Оқ яктак ҳам, ўйлаб кўрсанг,  
ёпонними ё  
Бизнинг чўпонларнинг ёзги  
чопонними ё?

Кора терга ботиб бунда  
караб тепадир,  
Балки у~~Коратепадир?~~ и  
~~Коратепадир?~~

### Мехмонхона китобига эслатма

Яхши қўноклару  
Софдил инсонга  
Кўқдан қуёш билан ой олиб беринг.  
Ношукур бандага,  
Нокас меҳмонга  
Хўкизнинг шохидан жой солиб беринг.

## **Ойсингилнинг келинчаклик либосига**

Настарин, исминг фаранги, Настарин,  
Сен ҳайтнинг янги ранги, Настарин.  
Жильвасидай икки биллур жомнинг,  
Икки кўнгилнинг жаранги, Настарин.

## **Бир санамнинг соатига**

Атиргулим,  
Утир, гулум.  
Умр ўтаётир, гулум.  
Менинг мушкул бир ишим бор,  
Бахор кетмай битир, гулум!

## **Бир нигорнинг дафтарига**

Киприкларинг орасига киприк солсам,  
Кипригимдан кипригинга кўприк солсам,  
Бу кўприкни хижрон сели ютолмагай,  
Биздан бошка хеч ким бундан ўтолмагай.

## **Исл**

Мажнун учун дил оувучи  
саҳроларнинг кумидадир.  
Кимлар учун ҳайт завқи  
май, шаробнинг хумидадир.  
Кимлар учун бахт — дунёнинг  
Хинду Хитой, Румидадир.  
Сенинг учун гўзал рўё —  
Умидадир, Умидадир.

Ойнинг ўзи чиройига  
хавас билан қарабидир?  
Офтоб ўзи соchlарини  
нурга белаб тарабидир?  
Мухаббат ҳам меҳо, толе  
ўшал дилнинг умридадир.  
Унинг ёри агар шундок  
Умидадир, Умидадир.

## Мұхаббат девонига

Күйи ишқида, қарангим,  
андалиб бўлди кўнгил,  
Андалиб бўлди кўнгил, ҳам  
алданиб бўлди кўнгил.

## «Тафаккур» журналига

Бу дунёда ўзинг топган  
йўлинг бирлан тафаккур қил,  
Агарчи топмаган бўлсанг  
дилинг бирлан тафаккур қил.

Сенга кошона бермабди,  
вале пешона бермишдир,  
Ўзингни манглайнингдан бил,  
қўлинг бирлан тафаккур қил.

Азалдан ўзфуруш дунё,  
сўзи кўп, сўзфуруш дунё,  
Тийиб юргил забонингни,  
тилинг бирлан тафаккур қил.

Ҳаёт бўстонига уч кун  
келиб кеттувчи гулдирсан,  
Ҳазонинг ҳам гулинг, обу  
тилинг бирлан тафаккур қил.

Нечун инсон бўлиб келдинг?  
Нечундир ёнмайин кетмоқ?  
Оловинг, оташинг, ўтинг,  
кулинг бирлан тафаккур қил.

Жаҳолат то завол топгай,  
Она юрting камол топгай,  
Тафаккур қил, тафаккур қил,  
элинг бирлан тафаккур қил.

## Ўзимизнинг тандирга

Айтмангизким, юртнинг иону тузи ургай,  
Ота-она ва ё элнинг сўзи ургай.  
Ношукур ё ионкўр бўлса қай бир фарзанд,  
Энг аввало шу тандирнинг ўзи ургай.

## «Хотира майдони» устунлариға

Бунда неча авлодларнинг  
согинчлари бор,  
Бунда номлар жимирилатар  
жон бирла тани.  
Устунлар ҳам Хотиранинг  
ўзидаи пойдор,  
Кўтаришиб тургандайин  
улув Ватани.

## Дафтаримга

Ўчоқ берди Худойим,  
Ўтин берди Худойим.  
Шу ўтинга яраша  
Тутун берди Худойим.  
Кимга ярим, кимларга  
Бутун берди Худойим.  
Кимга ҳасса, кимларга  
Устун берди Худойим.  
Кимга омад қушининг  
Патин берди Худойим.  
Менга шу сатрларнинг  
Қатин берди Худойим.

2004

## АСАЛ ҚИЗИМ НИГИНА

Баҳор келар шивир-шивир, Нигинжон,  
Майсалар ҳам живир-живир, Нигинжон.

Мажнунтолнинг соchlари чилвир-чилвир,  
Мен шеър ёзай чилвир-чилвир, Нигинжон.

Сорингчларим гуллар очар боғларда,  
Ёмғирларим биқир-биқир, Нигинжон.

Саҳарданоқ ўйноқдаган жилғамсан,  
Тириклигим қиқир-қиқир, Нигинжон.

Тушларингда жилмаясан нурланиб,  
Болишларинг ғимир-ғимир, Нигинжон.

Кечалари куртак ёзар, барг ёзар,  
Қаламларим шитир-шитир, Нигинжон.

Мехро билан жимиrlаган ҳаётим,  
Жону дилим жимиr-жимиr, Нигинжон.

Умр бўйи менинг кетмас баҳорим,  
Қалдиғочим вижир-вижир, Нигинжон.

2005

## ТОНГ

Тонг отар, дафтарларин  
очиб еру осмонга, тонг,  
Бүйларин, анбарларин  
сочиб гулурайхонга тонг.

Хуш насимлардин умидлар  
хам сафолар келтиур,  
Жумлайи юрган тирик жон,  
жумлайи инсонга тонг.

Оқ келинчакдай либосин  
чүккилардан күргизиб,  
Тогу тошда аввало берди  
салом чүпонга тонг.

Кир-адирлар бағрида  
яйраб таратди жилвалар,  
Нагма берди жилгаларга,  
сохилу сайхонга тонг.

Бу гүзәл гулшан диёрдир,  
бунда шүхү шан баҳор,  
Канчалар рангу ифорни  
солди шүх жавлонга тонг.

Оқсаройлар күксига  
күндириди оқ, капитарларин,  
Неча бир давру замондин  
келди бу күрғонга тонг.

Мен у тонг отмас  
замонларни тасаввур айласам,  
Тожмаҳал шаклида колди  
мангу Хинди斯顿га тонг.

Ранг олиб бўстонлари  
булбулларининг қонидан,  
Лолагун бўлдию ботди  
нолаю афғонга тонг.

Мўлтираб осмонларида  
қолди зор чўлпонлари,  
Отмади зинданда  
Чўлпон билан Усмонга тонг.

Сўлди бир эл миннату  
тужмат аро юзи қаро,  
Чунки ҳеч мумкин эмасди  
у темир зинданга тонг.

Сен фидолар ному ёдидан  
дилингга ибрат ол,  
Шул сабабким, бесабаб  
отмас бирор давронга тонг.

Сўнмагай Соҳибқирон  
шавкатлари, ҳеч сўнмагай,  
Келтирасул султонлари  
от миндириб султонга тонг.

Нақшбанд этди Нақшбандий  
бобо гумбаzlарин,  
Отди инсофу диёнат,  
қалб билан иймонга тонг.

У Самарқанд боғларин  
шингарфу зангор айлади,  
Отди тонг Фарғонада,  
нур сочди ҳам Сурхонга тонг.

Кўзгу олдида нигоринг,  
кўзгуми ё тонгмидир?

Тонгга ўхшар дилбаринг  
ё дилбари жононга тонг.

Умримиз кўэтуларида  
ҳар саҳарнинг ўрни бор,  
Кексаларга неъмату  
баҳтди қизу ўғлонга тонг.

Не шарафдир, бу ҳаёт  
бўстонига зийнат бериб,  
Одам оламга зиё,  
келтиrsa ҳар инсонга тонг.

Эзгулик карвонларин  
йўллаб, мұяссар айлагай  
Ўзбекистонни баҳористон,  
куёшистонга тонг.

2005

## ОЙБЕК

Ўзича тушмаган осмондан Ойбек,  
Яралмиш меҳр ила армондан Ойбек.

Агарчи давр уни тилдан аюрди,  
Вале айрилмади иймондан Ойбек.

Уни ўз лафзига зор айлаганлар  
Кувомишларки: қолди сондан Ойбек.

Ҳасад ғавғосию миннат жафоси.  
Не кўрди ул бузуғ даврондан Ойбек?

Эзилган кифтларида ўзбаки тўн,  
Утиб келди очиқ зиндондан Ойбек.

Ахир инсон эди ул камтарин зот,  
Садоқат истади инсондан Ойбек.

Забонсиз, хориган, ўйчан ва оғир,  
Улуг әрди улуғ уммондан Ойбек.

Уни ўйлантириб миллат камоли,  
Кечирмиш дардларини жондан Ойбек.

Зарифа опамизким — күвват олмиш  
Ўзи төг бўлса ҳам райхондан Ойбек.

Ватандин кетмаган, сингмиш Ватанга,  
Етишган шу улуғ карвондан Ойбек.

Ўзи йўқ, жисми йўқ, лек кўзлари бор,  
Навоийдек бокар айвондин Ойбек.

2005

## ФАХРИЙЛАР

Тортган заҳматингиз юқдир дилларда,  
Кўрган умрингиздан ҳеч тонмадингиз.  
Ёшлигингиз кечди олов йилларда,  
Танклар ёниб кетди,  
Сиз ёнмадингиз.

Бугун чой ўрнига хотира дамлаб,  
Яшарсиз гоҳ шодон,  
Ғамгинсиз гоҳо,  
Саксон ёшли ўсмир Матёқуб домла,  
Саксон яшар бола Назармат бобо.

9.05.05.

## ИНСОНЛАРКИ...

Инсонларки, тириклик даъвосида  
бир баҳс бўлолмадилар,  
Инсонлигу комронлик баҳосида  
бир дарс бўлолмадилар.

Умр бўйи арз қилдилару  
араз қилдилар, валек  
Бирорларнинг арзи ҳоли баҳосида  
бир арз бўлолмадилар.

Риёю ғараэ йўлида, нафс йўлида  
тулкию бўри бўлиб,  
Даригим, ор-номус асносида  
шер, йўлбарс бўлолмадилар.

Ҳамма нарсани кўрдилару,  
ҳамма нарсани қурдилару, бироқ  
Элу юртнинг бунёди биносида  
бир хас бўлолмадилар.

Нечун бу баҳс-мунозара,  
ўйлаб қара, улардин на чора —  
Инсонларки, тириклик даъвосида  
бир баҳс бўлолмадилар.

Ҳамма нарсадан юлдилару,  
ҳамма нарсага тўлдилару, яна  
Ҳамма нарса бўлдилару дунёсида,  
Шахс бўлолмадилар.

2005

## БЕВАФОЛИК

Кўзни кўзнинг зиёсига вафоси йўқ,  
Зиёсининг қаросига вафоси йўқ.

Ўсма кетар, эгма қошлар ғариб қолгай,  
Икки қошнинг ўз «ё» сига вафоси йўқ.

Хинолари ташлаб кеттай тирноғини,  
Тирноғининг хиносига вафоси йўқ.

Гул тўкилар, ҳазон бўлар, баҳорининг  
Гулнинг қадди раъносига вафоси йўқ.

Вафо истаб ёт йўлларга кеттай қўнгил,  
Қўнгилнинг ўз садосига вафоси йўқ.

Бир дўст учун қонлар ютар бир умр дўст,  
Дўстни дўстнинг вафосига вафоси йўқ.

Инсон токи бино бўлмиш, бино қурмиш,  
Биносининг биносига вафоси йўқ.

Бутун умр дунё йиғар, лек умрининг  
Иккакан молу дунёсига вафоси йўқ.

Ҳаёт йўлин меҳнатлари, жафоси кўп,  
Бироқ нечун давосига вафоси йўқ?

Султонлари султонини соттан дунё,  
Гадосининг гадосига вафоси йўқ.

Сукротини ейди охир сукротлари,  
Синосининг Синосига вафоси йўқ.

Диёнатнинг уйи куйиб кеттай, агар  
Муллосининг дуосига вафоси йўқ.

Қай шоирким, бобосига ихлоси йўқ,  
Навоийнинг навосига вафоси йўқ.

«Вафо» сўзин ўзгартириб ёзаверар,  
Даврнинг ўз имлосига вафоси йўқ.

У не янглия ҳалқ бўлгайдир, миллат бўлгай,  
Эллинингки ўз пешвосига вафоси йўқ?

Биз Ватани она деймиз, лекин нечун  
Фарзандининг оносига вафоси йўқ?

Бандасидан кутмагилким, бандасинким  
Ўз яратган Ҳудосига вафоси йўқ.

2005

## МУНДАРИЖА

### МАРДЛАР МИНГАН ОТЛАРИНГ НОМАРДЛАРГА ХОР БҮЛМАС

Абдулла Орипов. «Илоё ҳар кимга ифтихор насиб әтсин» . . . . .	6
«Мен дунёга номимни...» . . . . .	7
Ватанни англаш . . . . .	8
Навоийни ўқиши . . . . .	9
Бу — сенинг уйингдир . . . . .	11
Деҳқон маджияси . . . . .	13
Ватан десам . . . . .	14
Устоди аввал . . . . .	15
Онамнинг калишлари . . . . .	16
Ёмирлар ва кўзёшлар . . . . .	18
Баҳор келмиш . . . . .	19
«Қирлардан бир яшил тўпламлар» . . . . .	20
Баҳор . . . . .	21
Наврӯз кўшири . . . . .	22
Қадрдонлар . . . . .	23
Кетмончи қизларга . . . . .	24
Ҳамдардлик . . . . .	25
Аҳмад фермер . . . . .	26
Фарзанд . . . . .	27
Элликкальба ташбеҳлари . . . . .	28
Бу дунёда . . . . .	29
«Гул билан гул ўртасида...» . . . . .	30
Ҳайит разали . . . . .	30
Замоннинг эгаси . . . . .	31
Кичиклар ва катталар . . . . .	32
Илиниж . . . . .	32
Келиб кетмоқ . . . . .	33
Ҳаёт кўшиғи . . . . .	34
Шараф достони . . . . .	35
Эгаси бор юрт . . . . .	36
Ватан абадий . . . . .	37
Битирувчиларга . . . . .	38
Сизнинг шаънингиз . . . . .	39

Фалаба . . . . .	40
Бағишлов . . . . .	41
Она юрт . . . . .	42
Бахор Сурхондан бошланар . . . . .	44

## МУҲАББАТНИ ТАШЛАБ КЕТМАНГ БОҒЛАРГА

Ёшлик. Бахор. Муҳаббат . . . . .	54
«Қора кўзали Гулпари» . . . . .	55
Ўзбекнинг «Ёр-ёр»и . . . . .	55
Ёдгор гул . . . . .	56
Ой изидан . . . . .	57
Захирiddин Муҳаммад Бобур ғазалига мухаммас . . . . .	58
«Бахор бу йил ажиб...» . . . . .	59
Гилослаб . . . . .	60
Қувонч . . . . .	61
Гўзаллар зиёфати . . . . .	61
Эй ой . . . . .	61
Боғда . . . . .	61
Бахор оқшоми . . . . .	61
Сенинг бир ҳолинг . . . . .	62
Икки юлдуз . . . . .	62
«Инжа, нозик ҳол...» . . . . .	62
Бўса . . . . .	63
Бир турлангувчи гул . . . . .	64
Хоразмча . . . . .	65
Қўёш қизи . . . . .	66
Севги ҳазили . . . . .	66
«Чарақлайди тун ичра юзлар» . . . . .	67
Икки дил ғазали . . . . .	67
Таклифнома . . . . .	68
Тилак . . . . .	68
«Шахр аро...» . . . . .	69
«Мен ишқ ғалининг...» . . . . .	69
Тотлисаснинг қўшири . . . . .	70
Үйқулик бахт . . . . .	71
Бир гул қиссаси . . . . .	72
Аламли дунёда . . . . .	73
Хол . . . . .	74

Соғинч таҳдили . . . . .	75
Бир мұхаббат қиссаси . . . . .	76
«Тахир бўлди мұхаббатим...» . . . . .	80
«Эсиз, эпкинларинг...» . . . . .	80
Девор . . . . .	81
Пушаймон айвонида . . . . .	82
«Умр аста...» . . . . .	82
«Ой нурлари ёйилади...» . . . . .	83
Бойсун қўшиғи . . . . .	84
Айрилиқ . . . . .	85
Гунглар тўйида . . . . .	85
«Яхши бўлди бу дунёда суйганларим» . . . . .	86
«Ақлу ҳушимни дилларга солдим» . . . . .	87
Оқ ёқалар . . . . .	87
Кирқ баҳор ривояти . . . . .	88
Кўксимдаги зангорларим . . . . .	89
Мұхаббат кошонаси . . . . .	90
Лайлаккор ва одамзот ривояти . . . . .	91

## СЎЗ ЙЎЛИ

То Навоий бор . . . . .	96
Сўз йўли . . . . .	97
«Менинг шеърим нима» . . . . .	98
Шоир бўламан деб келган болалар . . . . .	99
Эҳтиром . . . . .	101
Вознесенский билан учрашув . . . . .	102
«Шеърият, сен абадий...» . . . . .	104
Шеърият . . . . .	105
Марсия . . . . .	106
Буюк шоирлар . . . . .	110
Кетиш қўшиғи . . . . .	111
Табиат (болаларга) . . . . .	112
Бозор иқтисодиёти ва шеър . . . . .	113
Истасанг . . . . .	114
Шам . . . . .	115
«Мен ўзбекнинг...» . . . . .	115
Маслаҳат . . . . .	116
Совфа . . . . .	117

## СОФИНЧ ТОРЛАРИ

Ёюч сўри . . . . .	120
Ёруғ дунё. Соялар . . . . .	121
Болаликни кўмсаш . . . . .	122
Сурхоннинг қантак ўриги . . . . .	123
Болалик. Кўшни қизи Гулпари . . . . .	124
«Бизлардан...» . . . . .	125
Коптоказлар . . . . .	127
«Тескарига оқкан дарёлар...» . . . . .	128
Соринч торлари . . . . .	129
Рўзи Чориев. Кумкўрён олмалари . . . . .	130
Тўполондарё билан хайрлашув (достон) . . . . .	131

## ХОТИРА

Сўзбоши ўрнидаги сўнгсўз . . . . .	150
Ном . . . . .	152

## ДАСТХАТ

(Янги китобдан)

Қалдириб кўзликларим . . . . .	168
Ифтихор . . . . .	169
«Юртим, сенинг олтин күёш...» . . . . .	171
«Мен кўнглимни гулга бердим» . . . . .	171
Буюк Ипак йўли . . . . .	172
Журофия . . . . .	174
Интернет . . . . .	174
Сен ёлииз эмассан . . . . .	176
Умр . . . . .	178
Нечун? . . . . .	178
Курбонлик кўй . . . . .	179
Ҳилол . . . . .	181
Марҳумлар . . . . .	182
Аёл манзумаси . . . . .	182
Кулча . . . . .	183
Такрор . . . . .	184
Фурқат разалига мухаммас . . . . .	184

Дастхат . . . . .	186
Кирқ ёшлилар дафтарига . . . . .	186
Янги бояннинг эшигига . . . . .	187
Яссавий девони . . . . .	187
Оқсарой девори лавзиға . . . . .	187
Соҳибқирон ҳайқали пойига . . . . .	187
Навоий түрилган кун . . . . .	188
«Гулистан» китобига . . . . .	188
Қодирийнинг шийпонига . . . . .	188
Ғафур Ғулом сиёҳдонига . . . . .	188
«Тундаликлар» китобига . . . . .	188
«Турналар» китобига . . . . .	189
Отамнинг пахса деворига . . . . .	189
Ўроқнинг дастасига . . . . .	189
Қамчининг дастасига . . . . .	189
Қабр тошига . . . . .	190
Пиёланинг гардишига . . . . .	190
Донишманднинг носкововига . . . . .	190
Полвонларнинг белбовига . . . . .	190
«Қора белбоғ»га . . . . .	191
Мехмонхона китобига эслатма . . . . .	191
Ойсингилнинг келинчаклик либосига . . . . .	192
Бир санамнинг соатига . . . . .	192
Бир нигорнинг дафтарига . . . . .	192
Исл . . . . .	192
Мухаббат девонига . . . . .	193
«Тафаккур» журналига . . . . .	193
Ўзимизнинг тандирга . . . . .	194
«Хотира майдони» устунларига . . . . .	194
Дафтаримга . . . . .	194
Асал қизим Нигина . . . . .	195
Тонг . . . . .	196
Ойбек . . . . .	198
Фахрийлар . . . . .	199
Инсонларни . . . . .	200
Бевафолик . . . . .	201

## **СИРОЖИДДИН САЙИД**

### **ҚАЛДИРФОЧЛАРГА БЕР АЙВОНЛАРИНГНИ**

#### **Сайланма**

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририятни  
Тошкент — 2005

Мұхтаррір *A. Ахмедов*  
Рассом *У. Сализәев*  
Бадий мұхтаррір *A. Мусахұжаев*  
Техник мұхтаррір *P. Бобохонова*

Терішга берилді 17.03.2005. Босишиңа рухсат атилды 17.06.2005. Бичими  
84x108<sup>1/32</sup>. Академия гарнитураси. Офсет босма. Шартлы босма табори 10,9. Нашриёт-  
хисоб табори 8,8. Адады 5000 нұсқа. Буюртма 1430. Бардың көлишкілган асосыда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясының босмахонасы,**  
**700083. Тошкент шаһри, Буюк Түрк, 41.**